

**O‘zbekiston Respublikasi**  
**Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi**

SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI

**XORIJIY FILOLOGIYA**

*til • adabiyot • ta’lim*

ilmiy–uslubiy jurnal

Samarqand

---

**1 (66)/ 2018**

---

**Ministry of Higher and Secondary Special  
Education of the Republic of Uzbekistan**

SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

**FOREIGN PHILOLOGY**

*Language • Literature • Education*

Scientific-methodology journal

Samarkand

**Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим.**  
**№1 (66), 2018.**

*Уч ойда бир марта чиқадиган илмий-услубий журнал*

Муассис: Самарқанд давлат чет тиллар  
институти

Таҳрир хайъати:

**ТУХТАСИНОВ Илҳомжон (раис)**  
**САФАРОВ Шаҳриёр (бош муҳаррир)**  
**АШУРОВА Дилором**  
**АШУРОВ Шаҳобиддин**  
**ТУРНИЁЗОВ Неъмат**  
**РИЗАЕВ Баҳодир**  
*(муҳаррир ўринбосари)*  
**ХОЛБЕКОВ Муҳаммаджон**  
**ИСМОИЛОВ Салоҳиддин**  
**КИСЕЛЁВ Дмитрий**  
**ЭШҚОБИЛОВ Абдували**  
**ЯХШИЕВ Ашур (масъул котиб)**

Жамоатчилик кенгаши:

**БУШУЙ Татьяна**  
**ГИЙОМ Оливье (Франция)**  
**КИДА Цуйоши (Япония)**  
**СИГМИЛЛЕР Стив (АҚШ)**  
**УСМОНОВ Ўрол**  
**ЖИАНГ Фенг (Хитой)**  
**РАҲИМОВ Ғанишер**  
**МИРЗАЕВ Ибодулло**  
**КАРАСИК Владимир (Россия)**

*Журнал Олий Аттестация комиссиясининг  
филология фанлари бўйича эксперт кенгаши (2014  
йил 10 мартдаги 2-сонли баённома) тавсияси билан  
зарурий наشرлар рўйхатига киритилган.*

Таҳририят манзили:

Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93, СамДЧТИ.  
Телефонлар: (998-662)233-78-43; (998-662)231-13-42  
Факс: (998-662) 210-00-18.  
Email: [ssifl\\_info@mail.ru](mailto:ssifl_info@mail.ru)

*Журнал Самарқанд вилоят матбуот ва  
ахборот бошқармаси томонидан № 09-12 рақам  
билан рўйхатга олинган.*

ISSN: 2181-743X; Индекс 1266.

Журнал 2001 йилдан чиқа бошлаган.

© Самарқанд давлат чет тиллар институти,  
2017 йил.

**Foreign Philology: Language, Literature, Education.**  
**№1 (66), 2018.**

*Scientific-methodical journal*

Founder: Samarkand State Institute of Foreign  
Languages

Editorial Board:

**TUKHTASINOV Ilhomjon (chairman)**  
**SAFAROV Shahriyor (editor-in-chief)**  
**ASHUROVA Dilorom**  
**ASHUROV Shahobiddin**  
**TURNIYOZOV Nemat**  
**RIZAYEV Bakhodir**  
*(vice editor)*  
**KHOLBEKOV Mukhammadjon**  
**ISMAILOV Salohiddin**  
**KISELYOV Dmitriy**  
**ESHKOBILOV Abduvali**  
**YAKHSHIEV Ashur (executive secretary)**

Public Council:

**BUSHUY Tatyana**  
**GUILLAUME Olivier (France)**  
**KIDA Tsuyoshi (Japan)**  
**SEEGMILLER Steev (USA)**  
**USMONOV Ural**  
**JIANG Feng (China)**  
**RAKHIMOV Ganisher**  
**MIRZAEV Ibodullo**  
**KARASIK Vladimir (Russia)**

*The journal is included in the list of required  
publications according to the recommendation of the  
expert council in filological sciences of Higher Attestation  
Committee (Proceeding #2 from March 10, 2014).*

Address:

Samarkand, Bustansaray str. 93, SamSIFL.  
Phone: (998-662) 233-78-43; (998-662)231-13-42  
Fax: (998-662) 210-00-18  
Email: [ssifl\\_info@mail.ru](mailto:ssifl_info@mail.ru)

*The journal is registered under No 09-12 by  
Samarkand Regional Department of press and  
information.*

ISSN: 2181-743X; Index 1266.

The journal has been published since 2001.

© Samarkand State Institute of Foreign Languages,  
2017.



## МУНДАРИЖА

### МАҚОЛАЛАР

<b>Сафаров Ш.</b> Таржима жараёни тадқиқининг когнитив моделлари.....	5
<b>Исмоилов С.И.</b> Глобаллашув жараёнида Францияда лисоний хавфсизликни таъминлаш чоралари.....	18
<b>Санақулов У.</b> Буюк истеъдод соҳиби Захириддин Мухаммад Бобурнинг шахсияти ва ижодий фаолияти.....	25
<b>Турдиева Н.</b> Таржима жараёнини ўрганишда таржима моделларининг яратилиши таржимашуносликнинг тадқиқот методи сифатида.....	33
<b>Ergasheva G.</b> Gender related terms through cognitive semantics lens: frame analysis... ..	39
<b>Хайруллаев Х.</b> Нутқ бирликларининг иерархик муносабати хусусида айрим мулоҳазалар.....	43
<b>Турниёзова Ш.</b> Матннинг прагматик белгилари хусусида айрим мулоҳазалар... ..	50
<b>Сафаров О.</b> Библия ва унинг антик даврдаги таржималари.....	53

### ИЛМИЙ АХБОРОТЛАР

<b>Ким С.</b> Синкретичные беспредложно-родительные определения в повести А.С.Пушкина «Дубровский».....	58
<b>Асланова Ҳ.</b> Гадоий сиймосининг манбалардаги ифодаси.....	62
<b>Бозоров З.</b> Гипербола ва унинг Абдулла Қодирий прозасида қўлланиш принциплари хусусида.....	66
<b>Обруева Г.</b> Атоқли отларнинг фразеологик бирликларда функционал–семантик таҳлили (лингво-методик таҳлил).....	69
<b>Kipchakova S.</b> Xorijiy tillarni o'qitishda yuqori samaradorlikka erishish metodlari... ..	72
<b>Ҳамидова Н.</b> Эмоциональный фактор при обучении речевому общению.....	77
<b>Nasirova R.</b> Issue of writing and writing in the teaching of a foreign language.....	82

### ЁШЛАР МИНБАРИ

<b>Камолова И.</b> Инглиз ва ўзбек тилларидаги афоризмларнинг миллий-маданий хусусиятлари.....	85
<b>Rakhimova Sh.</b> The description of proper names and phraseological units in Uzbek folklore.....	90
<b>Abdullaeva S.</b> The verbal and substantial phraseological units with proper names....	94
<b>Сафарова М.</b> Основные характеристики политического дискурса.....	97

### ТАҚРИЗ

<b>Махмудов М.</b> “XX аср Ғарб модерн драмаси” рисоласи ҳақида.....	100
--	-----



## CONTENTS

### REPORTS

<b>Safarov Sh.</b> Cognitive models of translation process investigation.....	5
<b>Ismoilov S.I.</b> Measures of providing of the linguistic safety in the process of globalization in France .....	18
<b>Sanakulov U.</b> The personality and creative activity of the great writer Zakhiriddin Muhammad Bobur.....	25
<b>Turdiyeva N.</b> The process of creating models of translation as a research method in translatology.....	33
<b>Эргашева Г.</b> Гендерга оид терминлар когнитив семантика нуқтаи назаридан: фрейм таҳлил.....	39
<b>Xayrullayev X.</b> Some comments about hierarchical relations of speech units.....	43
<b>Turniyazova Sh.</b> Some definitions about pragmatic features of text.....	50
<b>Safarov O.</b> The Bible and its ancient translations.....	53

### SCIENTIFIC INFORMATIONS

<b>Kim S.</b> Syncretic predetermined- genitive definition in A.S.Pushkin's story "Dubrovskiy"..	58
<b>Aslanova X.</b> The expression of Gadoiy's image due to resources.....	62
<b>Bozorov Z.</b> Hyperbole and principles of its using in the prose of Abdulla Kodiriy.....	66
<b>Obrueva G.</b> Functional-semantic analysis of phraseological units with proper names (lingual-methodic analysis).....	69
<b>Kipchakova S.</b> The most effective methods in teaching foreign languages.....	72
<b>Xamidova N.</b> Emotional factor in teaching oral communication.....	77
<b>Носирова Р.</b> Ёзиш санъати ва чет тилини ўқитишда ёзишнинг ўрни.....	82

### YOUTH TRIBUNE

<b>Kamolova I.</b> The cultural and national peculiarities of aphorisms in English and uzbek languages.....	85
<b>Raximova Sh.</b> O'zbek xalq og'zaki ijodida atoqli otlar va frazaologik birliklarning tasvirlanishi.....	90
<b>Абдуллаева С.</b> Атоқли номлар таркибидаги феълли ва отли фразеологик бирикмалар.....	94
<b>Safarova M.</b> Main characteristics of the political discourse.....	97

### REVIEWS

<b>Maxmudov M.</b> About the treatise "Western modern drama of the 21 <sup>st</sup> century".....	100
---	-----



ТАРЖИМА ЖАРАЁНИ ТАДҚИҚИНИНГ КОГНИТИВ МОДЕЛЛАРИ

*Сафаров Ш.*

*СамДЧТИ профессори, филология фанлари доктори*

**Калит сўзлар:** *когнитив модел, когнитив муҳит, таржима жараёни, таржимашунослик, ёндашув, лисоний тафаккур, контекст, инференция, релевантлик тамойили.*

Когнитив ёндашув ҳозирги пайтда тушуниш, ўйлаш, хотирлаш, муаммо ечимини излаш ва тилдан фойдаланиш каби ментал жараёнлар тадқиқи билан кизикувчи барча фанларда кенг миқёсда жорий қилинмоқда. Таржимашунослик ҳам бундан четда қолишни истамаслиги шубҳасиз. Таржима жараённинг эвристик характерга эга эканлигини, унинг қандайдир олдиндан қатъий белгиланган дастур ёки амаллар асосида эмас, балки қутилмаган (леклин мантиқан боғланган) ҳаракатлар ижросида кечишини исботлашга уринган М.Я. Цвиллинг таржимани бир босқичда бажариладиган нутқий тафаккур фаолияти натижаси сифатида қарашни таклиф қилган эди. Ҳайратлиси, бу муаллиф таржимага оид ҳаракатларни онгда кечадиган тафаккур фаолиятидан ташқарида кўришни ихтиёр қилганидир (Цвиллинг 1977:17). Эҳтимол, умрининг катта қисмини синхрон таржимага бағишлаган ва шу соҳанинг дарғаси бўлган М.Я.Цвиллинг (қаранг: Умархўжаев 2015) таржима фаолиятининг айнан шу турини назарда тутаётгандир. Унда олим қисман ҳақ бўлиши мумкин, зеро синхрон таржима ўзига хос шаклдаги нутқ ҳаракатларидан иборат бўлиб, фавқуллода ва бир маротаба бажариладиган фаолият намунаси сифатида тавсифланади. Аммо ушбу фаолият фойдали меҳнат сарфи “минимал” даражага тушишини ҳамда унинг идроки онгининг остонасидан узоқлашишини тасаввур қилиш қийин. Биринчидан, меҳнат сарфини (у ақлий ёки жисмоний бўлишидан қатъи назар) минимал даражага туширишга интилиш инсоннинг қисмати. Иккинчидан, таржима

шароитида вариантларни излаш ва алоҳида бир танлов қарорига келиш, истасак–истамасак, маълум турдаги ментал ҳаракатларнинг ўзаро уюшишидан таркиб топади. Бунда “дастлабки мақсадли тасаввур эквивалент танлови учун туртки ва мезон ролини ўтаса, танланган эквивалентлар, ўз навбатида, таржима матннинг якуний шаклланишига асос бўлади” (Цвиллинг 1977:178). Кўринадики, М.Я. Цвиллингнинг ўзи ҳам таржиманинг мураккаб лисоний тафаккур фаолияти эканлигини инкор этиш ниятида эмас ва биз бунини унинг “Когнитивные модели и перевод” номли, мақоласида (қаранг: Цвиллинг 2009) аниқ кўрамыз. Муаммо бошқа томонда: таржима фаолияти билан боғлиқ ҳаракатларнинг асосий қисми инсоннинг онгида, миясида содир бўлади. Миянинг ҳақиқий “қора қути” эканлиги, унда кечаётган оқилона ва тасодифий ҳаракатларнинг бевосита кузатиш имкони чегараланганлиги ҳақида кўп гапирилди (қаранг: Сафаров 2013). Бироқ, онгли фаолият қай йўсинда кечишини тасвирлаш фақат фаразли тахминларга асосланиши керак, деган хулосадан (қиёсланг Латышев 1988:92) йироқроқ турганимиз маъқулроқ кўринади. Акс ҳолда, ҳозирги пайтда барчамиз учун жозибали кўринаётган когнитология фанини боши берк кўчага қамаб қўйишимиз ҳеч гап эмас.

Афсуски, таржимашуносликнинг айрим йўналишларида таржимоннинг роли ҳақида гапирилса-да, лекин когнитив фаолияти бажариладиган ақлий ҳаракатлар эсланмайди. Табиийки, таржима фақат коммуникатив акт ёки матн устида ишлашдан иборат бўлиб қолмасдан, балки когнитив жараённинг ҳам маҳсулидир.



Унутмайликки, тил когнитив жараёнларнинг “из”ларини узлуксиз ва сероблик билан акс эттирадиган ягона табиий ҳодисадир. Шундай экан, таржима муаммоларининг ечимини излашда унинг кечимини таъминлайдиган ментал ҳодисалар таҳлили муҳим ролни ўташи аниқ. Бундан ташқари, бажарилаётган фаолиятнинг самарали якунини белгилайдиган омиллардан бири бўлмиш таржима қобилиятининг шаклланиши масаласи ҳам когнитив тадқиққа муҳтож. Охирги йилларда бу йўналишдаги тадқиқотларнинг сон жиҳатидан кўпайиши когнитив таржимашуносликнинг алоҳида соҳа кўринишини олишига замин яратмоқда.

Когнитив ва эмпирик таржимашунослик йўналишларини, баъзилар истаганидек, қарама-қарши қўйишдан (қаранг: Munoz 2007) қочиш керак, албатта. Таржима жараёни тадқиқи билан боғлиқ қийинчиликлар, ушбу жараёнларнинг турли босқичларда кечиши, қобилият ва билим шакллариининг кўшилиб кетиши билан изоҳланади. Ҳар қалай, тадқиқотчилар ушбу қийинчиликлардан қутулиш йўллариини излаётиб, таржимонлар бажарадиган ментал ҳаракатлар таҳлилининг турли шакллари ва моделларини синовдан ўтказмоқдалар. Шундай моделлардан бири “релевантлик (ўринлилик ёки аҳамиятлилик) назарияси” номини олган бўлиб, ушбу назариянинг муаллифлари Дан Шпербер ва Дьердру Вилсон коммуникациянинг батамом тафаккур фаолияти камровида бўлишини таъкидлайдилар. Улар жуда ҳам тўғри қайд этганларидек, тафаккур ва идрокнинг асосий мақсади–ҳақиқатга мос келадиган ахборотни ўзлаштиришдир ва “бу ахборот қанчалик релевант бўлса, шу қадар маъқул келади” (Wilson and Sperber 1991:382). Муаллифлар фикрича, мазмун онгда бажариладиган ҳаракатлар ҳосиласидир ва бу ҳаракатлар давомида контекстнинг билим ва фикрлаш билан ўзаро алоқаси юзага келади.

Релевантлик назариясида эътибор тағмаёно ёки яширин ахборотнинг

мавжудлиги ва унинг қандай ҳосил бўлишига қаратилади. Мазмун фақат матндагина ифодаланиб қолмасдан, балки кўп ҳолатларда матннинг аниқ муҳит, унда акс топадиган шарт-шароитлар билан боғлиқ ҳолда мавжуд бўлади. Маълумки, коммуникацияга оид ҳодисаларни таҳлил қилиш ва тавсифлаш катта қийинчиликлар туғдиради, чунки ахборот узатишнинг одатдаги кодлаштириш ва англаб олиш усулидаги моделида нутқий бирликнинг нолисоний хусусиятлари, “мулки” эътиборга олинмайди. Аслини олганда, коммуникация иштирокчиси лисоний тузилмани маълум нолисоний контекст доирасида қабул қилади ва уни тафаккур юритиш йўли билан қайта ишлаб, мазмун ҳақида хулосалар чиқаради. Бундай когнитив ишлов натижасида чиқариладиган хулосалар мазмуннинг мағзини ташкил қилади. Бу хилда хулосалар чиқаришга нисбатан “инференция” (inference) атамасини қўллайдиган назарий ёндашувда “контекст” ва “релевантлик тамойили” тушунчаларига тез-тез мурожаат қилинади. Бунда “контекст” ёки “когнитив муҳит” қўлланишида хулосалар чиқариш манбаси, заҳира назарга тутилса, “релевантлик тамойили” эса инференцияни бошқаради, яъни чиқариладиган хулосаларнинг меъёрини, чегарасини белгилайди. Кўринадики, бу ерда “контекст” психологик тушунча бўлиб, унда ахборотни қабул қилувчининг воқелик ёки когнитив муҳит ҳақидаги билими ва унга муносабати акс топади. Когнитив муҳит қатор ташқи омилларни (ёндош ва ўзаро боғлиқ бошқа матнлардан ташқари, ижтимоий–маданий, тарихий ва ҳоказо маълумотлар) қамраб олаётиб, ушбу манбалардан олинаётган маълумотларни алоҳида таъкидлаши мумкин. Бундай контекст олдиндан мавжуд бўлмасдан, балки танлаб олинади ва “алоҳида бир контекстнинг танланиши релевантликни аниқлаш учун зарурдир” (Sperber and Wilson 1995:132-142). Демак, контекст–“матннинг оптимал кўринишда шаклланишини таъминловчи маълумотлар тўпламидир” (Ўша асар, 144 бет).





Релевантлик (жуялилик) тамойили диалогик нутқда қай даражада намоён бўлишини қуйидаги нутқий актлар алмашинуви мисолида кўришимиз мумкин:

Аҳмад: Тушликка биз билан борасанми?

Тошмат: Соат бирлар атрофида бироз вақтга банкка киришимиз керак.

Тошматнинг жавоби аниқ бир пропозиция шаклига эга бўлиши учун ушбу нутқий тузилма референти тўлдирилиши, маъно жиҳатдан аниқлаштирилиши, лозим бўлганда бойитилиши зарур. Бу хилдаги мантиқий лисоний амалларнинг бажарилиши контекстдаги маълумотлар асосида таъминланиб, релевантлик тамойили назоратида бўлади. Жумладан, Аҳмад берилган жавобнинг мазмунини англаши учун “бизлар” шаклининг референтини топиши керак. Худди шунингдек, “бироз вақт” бирикмасининг референтини излаш шарт, чунки “бироз вақт” бир неча дақиқани ёки бир неча соатни англатаётганлигини билиш муҳимдир. Фақат шу каби амалларнинг бажарилиши Тошмат тушликка таклифга рад жавобини бераётганини равшанлаштиради. Ушбу имплицит мазмуннинг ифодаси ва фаҳмланиши Тошмат бераётган жавобнинг мантиқий таҳлили ва Аҳмаднинг билим кўлами билан чегараланиб қолмасдан, балки жавобнинг мазкур контекстга релевантлиги ёки жуялиги билан ҳам белгиланади. Релевантлик тамойили, ўз навбатида, Тошматнинг жавоби тушликка таклифнинг билвосита инкоригина бўлиб қолмасдан, балки тушликка бормаслигининг сабабини сўраш борасидаги саволнинг олдини ҳам олади. Бундан кўринадики, нутқий тузилма мазмунини аниқлаш икки босқичли фаолиятдир ва уларнинг биринчисида сўзловчининг коммуникатив интенцияси, мақсади ҳақидаги фараз шаклланса, иккинчисида эса, ушбу фаразнинг тасдиғи изланади.

Шпербер ва Вилсон контекстни нутқий актни тушуниш учун лозим бўлган воситалар тўплами ёки тингловчининг

олам ҳақидаги билим-тушунчаларидан таркиб топишини таъкидлаётиб, коммуникация, худди инсон фаолиятининг бошқа турлари каби, имкониятлардан фойдаланиш самарасини ошириш, яъни кам энергия сақлаш асосида натижага эришишни мақсад қилиб қўйишини уқтиради. Бошқача айтганда, тингловчининг билими ортиқча куч, энергия сарфисиз янгиланиши, бойиши зарур. Мулоқотга киришаётган шахс айтаётганлари тингловчи (ўқувчи)лар учун релевант (тушунарли, маъқул) эканлигига ўзини олдиндан ишонтиради. Ушбу ишонч “инсоннинг психологик қобилияти ва коммуникация жараёнининг асосий тўғноғичидир” (Gutt 1996). Шу аснода маъно тингловчи когнитив муҳитини янгилайдиган ҳодиса кўринишини олади ва бунда коммуникациянинг муваффақияти сўзловчининг интенцияси тингловчига тушунарли ва эътиборли бўлиши билан таъминланади. Мулоқот коммуникаторнинг мақсадини тингловчига етказиш истагида кечади. Тағмаъноли, яширин ахборот релевантликнинг оптималлашуви орқали захираланади.

Релевантлик назариясининг таржимашуносликка татбиқи имкониятлари унчалик мукамал ўрганилмаган ва бу масалага оид ишларнинг сони ҳам ҳозирча кўп эмас (қаранг: Voase–Beir 2004; Hatim and Mason 1990; Hatim 2001; Dahlgren 2000, etc.). Ҳар ҳолда, ушбу назариянинг энг қатъиятли ташвиқотчиларидан бири Эрнст–Август Гуттдир. Лондон университетида 1989 йилда Д.Вилсон раҳбарлигида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган бу немис олими кейинчалик “Translation and Relevance: Cognition and Context” (1991, 2000) номли монографиясини чоп қилдирди. Ўз юртдоши Волфрам Вилснинг “ўтган асрларда билдирилган фикрлар ўзаро боғланмаган қайдлар қоришмаси” эканлиги ва “айрим муҳим фикрлар айтилган бўлса–да, лекин улар ҳеч қачон бирор бир умумий, ягона мундарижадаги, барча учун ярқоли назария атрофида бирлашмадирлар (Wills 1982:11), деган



нолишидан ўқинган Э.Гутт таржимашуносликдаги бундай бетартибликнинг сабабини билиш ва ундан кутулиш йўлини топиш измида бўлди. Қизиғи, изланишлар оқибатида олим таржиманинг коммуникация фаолияти кўринишидаги талқинида релевантлик назарияси татбиқининг ўзи етарли эканлиги ва алоҳида бир умумий таржима назариясига ҳожат қолмаслиги ҳақидаги хулосага келди (Gutt 2000:vii).

Ҳа, ҳайрон қолмасликнинг иложи йўқ, Э. Гуттнинг хулосаси далилланмаган фикр бўлиб қолмоқда. Маълум бир хусусий назария, таҳлил ёндашувини улўғлаш ҳаракати умумийсини, энг муҳими методологик асосни йўққа чиқаришга олиб келмаслиги зарур. Акс ҳолда умумийлик ва хусусийлик муносабати бузилади ва назарий талқин-хулосалар пучга чиқиб, илмий тафаккурнинг пойдевори вайронагарчиликка юз тутади. Шошма-шошарлик билан чиқарилган хулоса охир-оқибатда унга берилаётган баҳонинг паст ёки салбий кўриниш олишига сабаб туғдиради. Жумладан, баъзи тадқиқотчилар релевантлик тамойилининг таржимашунослик соҳасидаги тадқиқотлар учун яроқсиз эканлигини айтишдан тортинмаяптилар (Malmkjær 1992; Natim 2001).

Айни пайтда, Гуттнинг ишонишича, “биз айтаётганимиз (талаффуз қилаётганимиз—Ш.С.) ва билдирмоқчи бўлган фикримиз талқин қилишдаги ўхшашликдир. Биз нимани ўйлаётганимизни айтишимиз шарт эмас, айтаётганимиз қандай ахборотни узатишни режалаштирганимизнинг ўрнини олади” (Gutt 2000:33). Таржима тилнинг талқинли мақсадда қўлланишининг бир кўринишидир ва таржима матни аслиятнинг талқини замирида яралади. Бундай ўхшашлик аслиятдаги барча ботиний ва зоҳирий ҳодисаларнинг бир текис сақланишини талаб қилмайди. Муаллиф ифодалаш мақсадини кўзлаган мазмуннинг бир қисми бўлган яширин ахборот таржимон олдиға баъзан имплицитликдан воз кечиш талабини ҳам

қўяди, чунки кўпгина ҳолатларда тағмаънони ошқора қилувчи омилларни топиш қийинлашади. Аммо бу турдаги зоҳирлаштириш ҳаракати ҳар доим ҳам маъқул келавермайди ва бу ҳаракатни ҳаддан чуқурлаштириш матннинг экспрессивлиги бадийлигини пасайтириши аниқ. Таржимада контекстуал таъсирчанликнинг камайишида релевантлик тамойилининг аҳамияти йўқолади. Импликатура (тағмаънога ишора)лар таржима матни ўқувчилари режасига мос келиши ёки кутаётганидек кўринишга эга бўлиши маъқулроқ.

Юқорида айтилганларни янада аниқроқ шарҳлайдиган бўлсак, таржима фаолиятининг релевантлик назариясида таржимондан аслиятнинг хусусиятларини сақлайдиган ва ўқувчининг когнитив эҳтиёжи ва истакларини қондирадиган матнни яратиш талаб қилинади. Энг муҳими, таржима матни оптимал даражада ўринли бўлиши керак ва унинг релевантлиги таъсир даражасининг имкони борича тўлиқ сақланишида намоён бўлади.

Релевантлик назариясининг муаллифлари Шпербер ва Вилсон айтганларидек, матн мазмунининг талқини турли муҳитдаги ўқувчилар учун бир хилда эмас. Матннинг бадий савияси юқори бўлгани сари унинг релевантлик моҳияти ҳам ўсиб боради (Sperber and Wilson 1995: 57). Релевантлик миқёсининг кенгайиши, ўз навбатида, матнни ўқишни осонлаштиради. Натижада, матнни ўқиш учун кетган вақтга биз ачинмаймиз, чунки олинадиган самара ҳам ошиб бораверади. Шунга биноан Э.Гуттни, баъзилари ўйлаганидек, ўқувчи доимо кам вақт ва энергия сарфлашга интилишини таъкидлашда айбладан кўра, мавжуд импликатура-ишоралардан когнитив меҳанизмларини излаганимиз маъқулроқ. Тадқиқотчилар “когнитив ютуқ” (cognitive gain) атамасини беришаётган ушбу ҳолатни шарҳлаш учун инглиз шоири Р. Томас қаламига оид куйидаги сатрларни ўқиймиз: Are they surfaces / of fathoms





which mind / clouds when examining itself / too closely (Thomas 1990:12).

Ушбу сатрлардаги mind ва clouds сўзлари от ва феъл туркумларига бир хилда оид бўлиши туфайли шеърнинг мазмунини англаш ва таржима қилиш катта қийинчилик туғдиради. Матнни оддийгина ўқиб, унинг мазмунини чақиб бўлмайди. Агарда биз mind clouds бирикмасидаги mind элементини от сифатида қабул қиладиган бўлсак, у ҳолда шеърнинг биринчи қаторидаги God's mind бирикмасини эслашга мажбурмиз. Бу сифат ассоциатив боғланишлар маъно ва мақом фарқланишида муҳим ўринни эгаллайди. Бу каби нутқий тузилма маъносини аниқлаш харакати қийинчиликка ундайдиган ҳолатларда мазмунга ишора қилувчи омилларга муурожаат қилиш лозим бўлади.

Матн ва уни қабул қилувчи ўқувчи ўртасидаги боғланмаларни инобатга олар эканмиз, куйидаги саволларга жавоб топишга мажбурмиз.

1. Ўқувчи контекстга оид ахборотни қайси кўринишларда қабул қилади?

2. Ўқувчига таъсир кўрсатувчи эффектлар нималардан иборат?

3. Тилдан фойдаланувчи шахс лозим ёки релевант бўлган ахборотни мўлжалга қандай еткази?

Релевантлик назарияси таржима жараёнида ахборотни қайта ифодалашнинг иккита тамойилини тақдим этиш билан бир қаторда, таржима назарияси муфассал бўлиши учун тафаккур ва идрок этишнинг харакатдаги механизмларини тушунишнинг нақадар муҳимлигига ишонтиради. Бу мақсадга тўлиқ эришишнинг яна бир йўли тафаккур фаолиятининг ботинида турган харакат манбаларидан фойдаланиш имкониятларини аниқлашдир.

Лисоний шакл ва онг муносабатининг дискурс ва бадий асар матнида акс топиши муаммоси билан кизиққан Гай Кук релевантлик назарияси матн худудида юзага келадиган барча маъно-мазмун ҳолатларини изоҳлаш имкониятига эга эмаслигини кўрсатиб

ўтади. Зотан, контекстда ҳосил бўладиган маъно жилолари фақат ахборот узатувчи, яъни муаллифнинг мақсадини акс этириб қолмасдан, балки унинг мақсадидан ташқари, беихтиёр ҳосил бўлиши ҳам мумкин. Олимнинг қайдича, инсон бажарадиган коммуникатив харакатлар ўринли ахборот алмашиш нияти билан чегараланиб қолмайди (Cook 1994:44). Шу сабаб, айрим мулоқот шароитларида, бу сўзловчи муаллифнинг режасига кирмасида, ўзига хос “тингловчини ўзгартириш” қоидасига риоя қилишга тўғри келади. Баъзан, ҳатто, тил ментал тасаввурни ўзгартириш вазифасини ҳам ўтайди. Когнитив кўчимлар, улар режали ёки режасиз бўлишидан қайти назар, таржимашунослик учун муҳимдир. Умуман олганда, таржима ташаббусининг пайдо бўлишининг ўзиёқ когнитив кўчимлар, ўзгаришларни назарда тутайди. Лекин, бошқа томондан, аслият матнни ҳеч қандай таржима режасисиз яратилишини ҳам унутмаслигимиз керак.

Таржима жараёни кишида таржимон–ўқувчи (таржима мақсадида матн билан танишаётган шахс) аслият матннинг тасаввурдаги “дискурсив дунёси”ни шакллантиради ва сўнг уни бўлажак таржима матннинг ўқувчиси тасаввурда ҳосил бўлиши мумкин бўлган “дискурсив дунё” билан чоғиштиради. Бу қиёсда аслиятда мавжуд бўлган лисоний ва контекстуал структуралардаги меъёрдан чекинишлар таржимада сақланса, унда матн коммуникация шароитида кўзланган мақсадни бажариш қобилиятини йўқота бошлайди. Ушбу ҳолатда таржимон ахборот узатувчиси вазифасини ижро эта олмайди. Бу сифат ноқулайликларнинг олидини олиш измида бўлган Г. Кук дискурс ёки матн структурасини белгиловчи ва кечадиган когнитив кўчимларни аниқловчи мантиқий, ментал қолиплар, схемалар мавжудлигига ишора қилади.

Маълумки, когнитологияда кенг кўламда қўлланилаётган фрейм, сценарий, скрипт, схема, гештальт каби тушунчалар инсоннинг ташқи оламни идрок этиш амалиёти ва тажрибасини акс этирувчи



намунавий билим тузилмаларини англатадилар. Бу тузилмалар, биринчидан, ташқи олам объектлари ҳақидаги билимни категориялаштириш учун хизмат қилса, иккинчидан, олам лисоний қиёфасини шакллантиришда, яъни ўзлаштирилган билимни лисоний воқеалантиришда “таянч нукта” вазифасини ўтайди (Сафаров 2006:60). Тафаккур бирликлари бўлган ушбу тузилмалардан, айтилганидек, матн яратилишида ҳам “қурилиш материали” сифатида фойдаланилади. Шундай намунавий тузилмалардан бўлган схемалар (shemata), Г.Кукнинг наздида, маълум бир дискурсада баён қилинаётган воқеа-ҳодисанинг мазмуни ва мақомини олдиндан белгилайди ва бунда алоҳида лисоний бирликлар ёки контекст “калит” вазифасини бажаради (Cook 1994:90-91).

Бундан кўринадики, таклиф қилинаётган назарияда матн яратувчи ва унинг реципиентлари қай йўсинда билим тузилмаларини матн тузилишининг ментал колипларига айлантирилиши ва улардан ахборот узатишда фойдаланиши амалиётини тавсифлаш биринчи ўринда туради.

Ушбу назариянинг асосий талаби матнни тушунишни структуралар, режалар, мақсад, мавзу каби схема бочкичларининг ўзаро тартиблашувидан ташкил топишини намоиш қилишдир. Матнни яратиш ва қабул қилиб тушуниш ушбу босқичлар ўртасида турли кўринишдаги боғланишларни тақозо этади. Жумладан, бир босқичдаги тушунмовчилик бошқасига ҳам таъсир кўрсатади. Худди шу боғланишлар матн мазмуни когерентлигини таъминлайди.

Г.Кук схемани ҳаракатчан намуна, колип кўринишида тасаввур қилиш тарафдори. Рус формалистларининг матн таркибидаги чекинишлар (“остранение”) ғоясига таянган бу олим, “схема” тушунчасини матн ва лисоний структураларни қамраб олувчи матн ва тил схемаси ҳисобидан бойитишга ундайди ҳамда бир босқичдаги намунага риоя қилиш ва ундан чекиниш иккинчисида ҳам шу ҳолатларни юзага келтириши мумкинлигини қайд этади (Cook 1994:198-

221). Ҳақиқатан, олам, матн ва лисон ўртасидаги мураккаб ва кўп тармокли муносабатларни маълум намуналар асосида тасвирлаш мумкин. Дискурсада бу муносабатлар турли босқичларда акс топади.

Схемаларни уч турга ажратиш амалиёти мавжуд: а) кучайтирувчи схема (reinforcing shemata); б) сақловчи схемалар (preserving shemata); в) янгиловчи схемалар (refreshing shemata). Ушбу турдаги схемалар фаоллашувида бажариладиган амаллар ҳам ўзига хос: мавжуди бузилиши, янгиси тузилиши ва мавжудлари ўртасида янги боғланишлар пайдо бўлиши мумкин (Cook 1994:191). Дискурсининг бажарилган асосий вазифаси ўқувчининг схемаси, яъни олам ҳақидаги тасаввурида ўзгаришлар ҳосил қилишдир. Бу эса, ўз навбатида, матн ва ўқувчи онги ўртасидаги муносабатларни эътиборга олишга чақиради.

Шундай қилиб, Г.Кукнинг меъёрий чекиниш ва унга амал қилишни эътиборга оладиган назарияси таржимашуносликда тез-тез мурожаат қилинадиган эквивалентлик тушунчаси изоҳига қулайлик туғдиради. Алоҳида бир матн ўқувчи онгида турли схемаларни ҳосил қилиши мумкин ҳамда бундай турли-туманлик кўпинча ўқувчининг қайси тил соҳаси ва қандай маданият вакили бўлиши билан изоҳланади. Таржимон учун универсал, барча учун умумий схемаларни, маълум маданият, ижтимоий гуруҳ, алоҳида шахсларга хосларидан ажратиш муҳимдир. Бир хил шароитлар, ҳаракатлар замирида турлича идрок юзага келиши ва лисоний воқеаланишлар фаоллашуви мумкинлигини доимо кузатиб борамиз. Бундай фарқлар таржима матни билан танишаётган ўқувчи учун кутаётган меъёрдан чекиниш кўринишини олади ва ушбу чекинишлар маданиятлараро мулоқот жараёнида йўқотилгани маъқул. Бунинг учун таржиманинг сифати аниқланиши ҳамда баҳоланиши лозим. Аввалроқ айтилганидек, таржимани баҳолаш учун фақат матн тузилишининг таҳлили етарли эмас, баҳо ушбу, таржима матнининг аслият бажарилган вазифаларни



тўлик такрор такрорлаётганлигига нисбатан бериледи. Гарчи маъно ва ахборот аслиятнинг ўз ўқувчилари билан муносабати кўламида туғилар экан, у ҳолда маънонинг муқобиллиги юқори даражада бўлишини ҳам таржиманинг ўқувчи тасаввурига мос келиши, унинг кутганидек бўлишига боғлиқ.

Таржима матннинг ўқувчиси муаллифнинг мақсадини англаши учун ҳар бир қатламдаги ишоралар, “калит” кўрсаткичларини топа олиши шарт. Таржимон, маданиятлараро мулоқот воситачиси ролини ўтаётиб, аслият матни ўқувчиларнинг тахминлари, юзага келиши мумкин бўлган ментал ҳолатлари, фикр-хулосаларидан хабардор бўлиши керак. Шунга биноан, ўз пайтида Ю.Найда таклиф қилган “динамик эквивалентлик” тушунчаси ўрнига “ўзаро мулоқот эквивалентлиги” тушунчасини истеъмолга киритиш мумкин. Чунки таржимон бажарадиган лисоний танловлар матн шакли ва ўқувчи онги ўртасидаги когнитив боғланишларга мос келиши керак. Таржимоннинг танлов борасидаги қарорлари ва муқобил шакл-ибораларни топиш борасидаги ижодкорлиги ўқувчининг тахмин–хулосалари ҳамда олинадиган ахборот билан уйғунлашуви кутиладиган ҳолдир.

Схемали таҳлилнинг татбиқи релевантлик назариясининг имкониятларини кенгайтириши аниқ, бу албатта мулоқот бирликлари ва матнни тушуниш жараёнига когнитив захираларнинг алоҳида боғламларини жалб қилиш сари қўйилган қадамдир. Шунинг билан биргаликда, ушбу назария доирасида қўлланилаётган баъзи тушунчаларнинг мундарижасини охиригача англаш қийин эканлигини унутмайлик. Ачинарлиси, “схема” тушунчасининг ўзи ҳам бундан холи эмас. Бинобарин, Г.Кукнинг наздида, ўқувчи маънони ўз схемасига (“билимига” дегим келади–Ш.С.) биноан яратади ва схема матн билан танишиш мобайнида ўзгариб боради. Лекин у лисоний схемаларга асосланган тузилмалар таҳлилида формал–структур ёндашувга таяниши билан

фикридаги бардавомликни йўқотади. Шунингдек, олим ўз таҳлилида асосий эътиборни меъёрдан чекиниш ҳолатларига қаратади ва луғавий маънодаги ноаниқлик, метафора, урғунинг нотўғри қўйилиши каби ҳодисаларни бир қаторга қўяди. Ҳақиқатда эса, чекиниш ҳолатларини излаш мўлжали матнни ўқиш ҳаракатининг ягона мўлжали эмаслиги кўзга ташланади, ҳамда эквивалентлик доирасига киритиладиган таржимада чекинишларни қайта яратиш таржима вазиятини тўлиқ акс эттирмаслиги мумкин. Боз устига, чекинишларни топиш режаси дескриптив таржимашуносликда қўйилаётган талабларга у қадар ҳозиржавоб эмас (қаранг: Тоугу 1995:77-78).

Олдинги саҳифаларда қайд қилинганидек, Э.Гутт оптимал релевантлик ва тавсифий ўхшашликни таржиманинг етакчи тамойиллари сифатида эътироф этган. Менимча, Г.Кук таклиф қилган когнитив кўчим тамойилини ҳам шу қаторга киритсак хато қилмаймиз. Ушбу тамойил таржима яратилишида фаоллик кўрсатаётган шахснинг мақомини қатъийлаштиради. Таржима уни қабул қилувчилар онгида маълум кўчимлар, ўзгаришларни юзага келтириши шарт, акс ҳолда унга ҳожат ва эҳтиёж йўқ. “Когнитив кўчим” тушунчасининг мундарижаси контекст таъсири, самараникидан кенгроқ, чунки у нафақат микроматндаги ўзгаришларни, балки тўлиқ таржима контекстида ҳосил бўладиган мантикий ўзгаришларни қамраб олади.

М.Макаров кўрсатиб ўтганидек, дискурс ва бошқа турдаги нуткий фаолият ташқи ва ички контекстларга эга бўлади (Макаров 2003:147). Улардан биринчиси мулоқот вазиятини ва маълум жамоа, гуруҳдаги антропологик, этнографик, ижтимоий, рухий, маданий шароитларни акс эттирса, иккинчиси эса, мулоқотдошларнинг ментал қобилияти ҳудудига оиддир. Ушбу икки турдаги контекстни моҳиятан ягона бир ҳодисанинг икки жиҳати сифатида қараш мумкин. Уларнинг фарқи фақат семантик



хусусиятларида ажралади, чунончи, “ташки контекст” (extrinsic context) рухий ёки онтологик кўрсаткичларга таянади ва матн талқини шароитида лисоний бирликларнинг қийматини белгиловчи билим эгалланади. “Ички контекст” (intrinsic context) эса, аслидан семиотик характерга эга, у дискурсада инференция, импликатура, пресуппозиция кабилар кўринишида мавжуд бўлиб, нутқий бирликларнинг коммуникатив қийматини бевосита намоён қилади (Dijk van 1981:54). Когнитив тузилмаларнинг ҳаракати контекст муҳитида кечади ва шу муҳитда ўзгаришлар юзага келади.

Таржимани ижтимоий ва когнитив фаолият сифатида қараётган Д.Кирали таржимонни учта ўзаро боғлиқ вазиятли контекстларнинг иштирокчиси эканлигини таъкидлайди. Булардан биринчиси аслият матни, иккинчиси таржима матни контекстлари бўлса, учинчиси таржима фаолияти кечадиган алоҳида контекстдир. Охиргиси дастлаб икки контекст оралиғидан жой олади ва уни, ботиний ментал характерга эгаллиги туфайли, бевосита кузатиб бўлмайди. Таржима жараёнининг когнитив (психоллингвистик) талқинида эса, таржимоннинг онги ахборотни яратувчи тизим қолипида қаралиб, таржима “лисоний ва нолисоний ахборотдан фойдаланган ҳолда назоратли ҳамда беихтиёр бажариладиган ҳаракатлар ҳамоҳанглиги ҳосиласи” бўлиши эътироф этилади (Kiraly 1995:102). Унутмаслик жоизки, тафаккур фаолиятида кузатиладиган беихтиёр ҳаракатлар назоратдагиларидан тамоман айри ҳолда юзага келмайди. Айниқса, таржима фаолиятида хотирадаги билимнинг бевосита аслият матнидан олинадиган маълумот билан қоришуви доимо кузатиладиган ҳол. Шунга биноан, таржима стратегияси танловида назорат тизимининг таъсири яққол кўзга ташланади.

Лисоний танлов когнитив структуралар ва жараёнлар қамровида кечишини ҳеч ким инкор этмаса керак. Ушбу ҳақида услубшуносларнинг билдирган фикрлари анча узоқ-юлуқ

туюлса—да, лекин улар универсалиялар тадқиқида муҳим ролни ўтаб, кейинчалик когнитив поэтика йўналиши шаклланишига тўртки берди. Лисоний маънонинг шаклланиши инсоннинг ҳаётий тажрибаси билан боғлиқлиги когнитологлар томонидан аллақачон эътироф этилган. Бироқ концептуаллашув ҳаракати мослашувчанликка мойил ва мослашиш олами идрок этаётган инсон онгига табиатан хосдир. Айни пайтда концептуаллашув жараёни бир текис кечмайди: баъзи тузилмаларнинг шаклланиши ўта қийин кечади, ҳатто айрим ҳолатларда бу жараён тўхтаб қолиши ҳам мумкин. Концептуаллашувнинг инсон тажрибасига асосланиши ҳаммага таниш бўлган лингвистик нисбийлик назариясига бўлган эътиборни янада кучайтиради. Ушбу назария доирасида энг кенг тарқалган қарашда тил ва тафаккур муносабатида тилни етакчи ўринга қўйиш анъанаси мавжуд. Тафаккурни тилнинг грамматик тизимига бўйсунтирсак, унда инсоннинг тафаккур фаолиятида таянч бўлиб турган тажрибани қаерга жойлаштирамиз? Адабиётларда лингвистик нисбийлик назариясининг методологик жиҳатдан асосизлигини исботловчи кўплаб далиллар келтирилган (қаранг: Сафаров 2015:325-334; Нурмонов 2012,2-жилд: 198). Балким, барча миллатлар учун умумий бўлган универсал концептуал тузилмалар мавжуддир, аммо алоҳида тилларда юзага келадиган семантик структуралар эслатилган концептуал версияларни такрорлаши шарт эмас. Бундан маълум бўладики, лингвистик нисбийлик назарияси тарафдорлари такрорлаб юришган “тафаккурда ҳаракатда бўлган структуралар гап маъно тузилишининг бевосита такроридир”, деган ғоя ўзини оқламайди. Рональд Лангекер нисбийлик назарияси асосчиларидан Бенжамин Уорф келтирган инглизча *He invites people for a feast* (“У одамларни зиёфатга таклиф қилмоқда”) гапини унинг нутқ тилидаги муқобили (унинг сўзма-сўз таржимаси “*He goes for eaters of cooked food*” кўринишга эга)



билан чоғиштираётиб, ҳар иккала ҳолатда ҳам бир хилдаги когнитив тажриба намоён бўлса-да, лекин бу тажрибани ифодалаш учун турли семантик структураларга мурожаат қилинаётганини таъкидлайди (Langacker 1976:344). Семантик структураларни “меъёрдаги тасаввур” (conventional imagery) деб атаган Р.Лангекернинг қайдича, тилнинг ифода захираси одатда маълум бир вазиятни ифодалаш учун турли тасаввур ва тасвирлардан фойдаланиш имконини беради. Бироқ бу тасаввур баъзан шу қадар ўткинчики, у бизнинг тафаккуримизга, ўй-фикримиз мазмунига таъсир ўтказишга улгурмайди (Langacker 1991:12). Воқелик идроки ва лисоний вокеланишдаги бу тарздаги фарқларнинг ҳамда универсал когнитив тузилмаларнинг таъсири ўзига яраша эканлигини, масалан, инсон танаси ҳолати ҳақида маълумот берилишида кўриш мумкин. Жумладан, инглиз тили соҳиби совуқотаётганини билдириш учун ўзининг шу ҳолатда эканлигини маълум қилади: I Am cold, француз эса эгалик муносабатини ёқтиради—J’ai froid (“I have cold”).

Онгнинг шаклланиши ва фаолият кўрсатишида атроф-муҳитнинг ўзига яраша ўрни борлиги аниқ. Шу аснода биологик умумийлик ва маданий фарқларнинг тўқнашуви таржима ҳодисасига когнитив ёндашув учун муҳимдир, чунки таржима амалиётининг асосий омилларидан бўлган лисоний ифода бирликлари танловида онгнинг таъсир кучи ва аҳамияти лисоний фаолиятнинг бошқа турларига нисбатан яққол сезиларлидир.

Онг олам-воқелик ва матнни боғловчи восита бўлганлиги боис, таржимашунослар унинг тадқиқи билан озми-кўпми шуғулланиб турадилар. Тўғрида, матн, айниқса, бадий матн, онг фаолияти маҳсулоти сифатида қараладиган бўлса, унда бу маҳсулотда муаллиф онгли тафаккури изларини топишга интилишимиз табиийдир. Тадқиқотчилар ҳали ўрта асрлардаёқ тилни умумий билим тизими ва сўзловчи онги (тафаккури)нинг акс-садоси тарзидаги

ҳодиса кўринишида талқин қилиш ҳаракатида бўлган эдилар. Лекин нуткий режанинг катта қисми муаллиф онгида лисоний ифода топмасдан қолиб кетади ва бу таржимонни имплицит маънони излаш ҳамда уни таржима матнида сақлаш йўлини топишга ундайди. Бунга эришиш учун муаллиф ҳамда ўқувчи (таржимон) бир-бирига яқинлашиши зарур ва фақат шу йўсинда муаллиф фикр-ҳиссиётларининг ўзига хос жиҳатларини пайқаш мумкин бўлади. Бироқ, онг инсон организмда қандай ҳаракатланишини аниқлаш қанчалик мушкулот бўлса, унинг матн таркибида қандай жойлашинини билиш ҳам у қадар осон эмас. Машҳур адабиётшунос ва услубшунос Р.Фаулер “онг усули” (mind style) тушунчасини кўллар экан, “алоҳида шахс ментал ҳолатини бошқалардан тафовутли тарзда лисоний ифодаланиши”ни назарда тутди (Fowler 1977:103). Олим “онг усули”ни матн лисоний тузилмалари билан боғламасдан, балки ўқувчи онгида пайдо бўладиган таассурот деб қарайди. Бошқа услубшунослар наздида эса, бу ҳодиса матнга хос хусусият бўлса-да, аммо когнитив ҳолатни такрорлайди (Boose-Bier 2003). Гумонсиз, таржима матнлари когнитив ҳолатларни ифодалайди ва яратади. Ушбу ҳолатлар таржима жараёнида сақланмаса, таржиманинг ўқувчилар онгига таъсири кучсизланади ёки батамом йўқолади. Демак, бу таъсирни сақлаш учун қўйиладиган илк қадам уни (таъсирни) англашдир. Матн воситасида узатилаётган ахборотнинг мазмуни, олдинроқ айтилганидек, схемалар, яъни олдиндан мавжуд бўлган билим структураларидан иборат. Ўқувчилар ажратадиган ушбу структуралар индивидуал ва маданий билимлар, ғоялар, эътиқодлар уюшувини тақозо этади.

Онг ёки тафаккурнинг матнидаги акси когнитив ҳолатнинг барча жиҳатлари ифодаланишида кўринади, чунки у ғоя, шахсий муносабат, алоҳида ҳиссиётлар таъсирида бўлиши мумкин. Р. Фаулер бекорга маънони умумий ғоядан ажратиб бўлмаслигини ва унинг социал структураларга (social structures) қарам





эканлигини бекорга таъкидлагани йўқ (Fowler 1997:2). Онгнинг матндаги бошқа бир мақоми услуб намоён қилаётган муносабатда кўринади ва киноянинг таржимасида алоҳида аҳамиятга эга, чунки воқеликка бўлган асл муносабат йўқолган тақдирда таржима тамоман ўзгариб кетади.

Илмий адабиётларда келтирилган бир мисолни олайлик: Ja, dann wird deutsch gesprochen... /Wir sind doch wieder wer. Немис шоири фон Торне қаламига мансуб ушбу шеър қатори “Биз яна немис тилида сўзласак..... Биз яна кимдирмиз” мазмунида англашилганида Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги даврда немисларга бўлган муносабат ўзгараётганлигига, эндиликда “кўпчилик” ўзини ҳеч нарса бўлмагандек тутаётганлигига ишора мавжуд (Sebold 2003:41-42). Келтирилган шеър таржимасида dann wird deutsch gesprochen ибораси мазмунидаги кинояни сақлаш муҳимдир. Зотан ушбу киноя тагида ҳақиқатни яшириш мақсади турибди. Мабодо “очиқ гапириш” ёки “она тилида гапириш” маънолари фаоллашса таржима ўз аҳамиятини йўқотади.

Когнитив тилшуносликда олдинга сурилаётган фаразлардан бири лисоний қобилятнинг тафаккур, онгдан жудо қилиб бўлмаслиги ҳақидадир. Инсон когнитив тизимида лисоний шакллар идрок билан боғлиқ бошқа ҳодисалар (перцепция, эмоция, категориялаштириш, мавҳумлаштириш каби) билан уйғунлашган ҳолда ҳаракатга келади ва шу боис лингвистик таҳлилда биз инсоннинг тафаккур қобилятига оид ҳодиса, ҳолатларни инобатга олишимиз керак бўлади. Барча когнитив имкониятлар лисон билан муносабатга киришади ва шу муносабат доирасида лисоний-тафаккур ҳаракатлари фаоллашади. Тил ва когниция ўртасига қўйиладиган ҳар қандай девор сунъий ҳамда Берлин деворидек лойи пухта эмас, доимо нурашга тайёр. Тилни билиш, уни ўзлаштириш ва ундан фойдаланишга оид муаммолар доим тилшуносликнинг диққат марказида. Лисоний билимнинг таркиб топиши ва ундан фойдаланиш амалиёти онгда қўним

топадиган бошқа билим турларидан унчалик даражада фарқ қилмайди. Албатта, тил алоҳида ва фақат инсонга хос бўлган когнитив қобилятдир, ундан фойдаланиш махсус малака ва кўникмаларга эга бўлишни талаб қилади. Бажарилган тадқиқотлар натижалари гувоҳлик беришича, лисоний қобилятни умумий концептуал структуралар доирасида тавсифлаш мумкин. Бинобарин, категориялаштириш воситасида олам лисоний қиёфасини шакллантириш умумий (гештальт) идрок, ментал тасаввур, маданият, аҳамият кабиларни камраб олади (Croft and Cruse 2004:2-3).

Лисоний тузилмаларни яратиш ва уларни мазмуний англашда ментал тасаввур яширин тафаккур ролини ўташи масаласига олдинроқ тўхтатилган эдик. Таниқли фаранг мантиқшуноси изоҳланаётганидек, лисоний шакллар “когнитив айсбергнинг фақат кўзга ташланадиган учидир” (Fauconnier 1997) ва лисоний фаолиятга киришаётганимизда, у табиий ёки ижодий руҳда бўлишидан қатъи назар, беихтиёр кенг кўламдаги когнитив захирага мурожаат қиламиз. Турли тавсифларни олаётган захира унсурларининг барчаси матнда муаллиф ёки сўзловчи мақомини олувчи концептуаллаштирувчи шахс фаолиятининг таркибий қисмларига айланади. Оқибатда, ҳар қандай лисоний шаклда маълум бир когнитив структуранинг изи қолади. Фаранг мантиқшуносининг ёзишича, когнитив структуралар алоқага киришувини алоҳида ҳудудлар, марказлар (domains) ўзаро муносабати таъминлайди ва бу ҳудудлар лисоний тузилмалар таркибидан ўрин олмасдан, балки когнитив структуралар қарамоғидадир. Тил эса ушбу структуралар атрофида фаолият кўрсатади (Ўша асар, 13 бет).

Когнитив қолипларнинг таржима таҳлиliga татбиқ қилиниши соҳада ҳукмрон бўлиб келган айрим ғояларни қайта кўриб чиқишга ундайди. Жумладан, таржима амали аслиятдаги маънони бошқа тил шаклига ўтказишдан иборат эканлиги ҳақида қачонлардан буён такрорланиб





келинаётган фикр ўз қийматини йўқотгандек туюлади, зеро маънонинг фақат кичик қисмигина лисоний шаклда кодлашади, унинг энг катта қисми эса тилдан амалий фойдаланиш лисоний фаолият кўламида юзага келади ва таржима жараёнида қайта тикланади. Робин Сеттон, таржиманинг прагматик меъёрлари ҳақида гапираётиб, турли манбалар билан боғлиқ когнитив структуралар “эски ва янги ахборотнинг қоришуви ҳосиласи” эканлигини ва бу ҳосила, маҳсулот эндиликда ҳеч жиҳатдан “аслият нутқиға” эмас, балки “мўлжалдаги нутққа” (target speech) тегишли бўлишини қайд этади (Setton 2002:14). Менимча, ушбу фикр таржима фаолиятига умумий маънода оиддир. Шунингдек, когнитив захиралар ҳаракат имкониятларидан хабардор бўлиш таржимашуносликда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келаётган эквивалентлик тамойилига нисбатан ҳам баъзи гумонларни уйғотади. Аслиятда ифодаланиши ва кейин таржима тилида такрорланиши хаёл қилинаётган мукамал кўринишдаги когнитив бирлик аслида мавжуд эмас. Когнитив ҳаракатларнинг турли манбалар билан боғланиши тафаккур бирлигининг олдиндан мавжудлигини инкор этади.

Алоҳида лисоний маданият доирасида кечадиган мулоқотнинг самараси маданий, контекстуал, когнитив қатламларнинг коммуникантлар учун умумий, бир хилда таниш бўлиши билан боғлиқ. Турли тилларда талаб қилинаётган когнитив тузилмаларга ишора қилувчи турли воситалар, “калитлар” мавжуд (Fauconnier 1997:188). Бунинг натижасида, яширин билим ҳам турли маданиятларда бир хилда таркиб топмайди. Таржима талабга жавоб берадиган даражада бўлиши учун бир тилда ишора қилинаётган когнитив тузилмаларни маълум бир кўринишда (баъзан қисман бўлса-да) қайта тиклаш ҳамда, энг қийини, тамоман бошқа ифода усулларига эга бўлган тил ўхшаш (“муқобил” дейишга тилим бормади) тузилмани қабул қилишини аниқлаш вазифаси туради.

Когнитив тилшуносликнинг яна бир илмий фарази тил билимининг ундан фойдаланиш асосида шаклланиши ҳақидадир. Бу тилнинг семантик, фонологик, морфологик, синтактик сатҳларидаги лисоний категориялар, структуралар маълум нутқий актларнинг у ёки бу вазиятларда қўлланишида ажратилишидан дарак беради. Р.Лангэкер ва бошқа когнитивистлар тилни ёки грамматикани билиш лисоний бирликларнинг тилдан фойдаланувчилар онгида ўринлашувидан иборат деб ҳисоблаётиб, бу билим лисоний фаолият жараёнида мустаҳкамланишини қайд этадилар. Бундай эътирофдаги лисоний бирликлар категорияларни ташкил қиладилар ва таржимада манба структураси хизматини ўтаётиб, фаоллашув ва фойдаланиш меъёрларини назорат қилади! Назорат иборанинг қандай даражада тузилганлигининг мезонини белгилайди. Таржимада юзага келаётган структура схемага мос келганида манба структураси қўлланиши тўлиқ назорат қилингани маълум бўлади. Таржима матнидаги структурада номуқобилликлар сезилса, манбанинг назорати қисман кечади.

Таржимада лисоний танловни таъминловчи назорат икки хил манбага эга. Таржима тилида амалда бўлган қоидаларнинг таъсир кучи юқори бўлиши ҳеч қандай гумон туғдирмаслиги аниқ. Аммо аслият матни битилган тилнинг қоидалари иккинчи тилникига таъсир ўтказиши ва мослашиши мумкинми? Анъанавий таржимашуносликда ушбу саволга одатда ижобий жавобни эшитасиз. Лекин таржима реципиентлари икки хил фикрда бўлишлари мумкин: биринчисида таржима бутунлай иккинчи тил қоидалари назоратида бўлиши зарур (бунда маттни ўқиш осон кечади), иккинчисида эса, таржима матнида аслият тилининг қоидалари назорати изсиз йўқолмайди. Ҳар ҳолда, буларнинг иккаласи ҳам жуда кескин, охирги ҳолатдир. Кўп ҳолатларда таржима тили ўзига хос мақомга эга бўлиб, аслият ва иккинчи тилдан маълум даражада фарқли кўринади. Жумладан,



охирги пайтларда ўзбек тили синтаксис тизимида кузатилаётган (айниқса илмий жанрдаги матнларда) мажхул даража шакли қўлланиш даражасининг ўсиши, синтактик моделлар кўламнинг кўпайиши, гапда сўз тартибининг эркинлашуви каби ҳолатларнинг сабаби ғарб тилларидан ўгирилаётган матнларнинг миқдори ва ҳажми ошиб бораётгани бўлса, ажаб эмас.

Таъкидлаш жоизки, таржима фаолиятининг юқорида эслатилган когнитив моделлари асосан ёзма матнлар таржимасига оид бўлиб, оғзаки ёки синхрон таржима жараёнида баъзи бир бошқа кўринишдаги моделлар ҳам фаоллашади. Таржимашунослик соҳасидаги асарлари билан барчага яхши таниш бўлган В. Вилсс таржимани билимга асосланган фаолият тури, деб қарайди, билимнинг жамланиши схемали тарзда кечади. Тўпланган билим таржима амалиётида энг мақбул вариантни танлаш учун имконият яратади. Танлов жараёни муаммолар ечимини излаш фаолияти билан боғлиқ. Муаммо ечимини топиш эса хотиранинг ҳар икки қисмига (узоқ ва яқин хотира) мурожаат қилишга ундайди. Ечимни топиш жараёни, олимнинг наздида, олти босқичдан иборат: 1) муаммоларни ажратиш; 2) муаммолар тавсифи; 3) керакли маълумотни излаш ва жалб қилиш; 4) муаммони ечиш стратегиясини белгилаш; 5) ечимни танлаш; 6) ечимни баҳолаш (Wills 1996:191). Ушбу босқичлар кечишида қарор қабул қилинаётганида таржимон ўз

когнитив қобилиятига мос равишда содалаштириш ҳаракатларини ҳам бажариши мумкин.

Шундай қилиб, таржима жараёнининг когнитив моделларида қуйидаги хусусиятлар олдинги ўринга чиқади:

а) маънони тушуниш ва қайта ифодалашнинг когнитив босқичлари мавжудлиги;

б) ахборотни хотирада сақлашнинг муҳимлиги;

в) жараённинг лисоний ва нолисоний элементлар яқдиллигида таъминланадиган динамик табиати;

г) жараённинг ночизиқ йўналишда кечиши, унинг матннинг бир текис таракқиётига бўйсунмаслиги;

д) автоматик ва оқилона, назоратли ва назоратсиз ҳаракатларнинг фаоллашуви. Таржима беихтиёр ва назоратли бажариладиган ҳаракатлар замирида яратиладиган ахборот манбаларини танлайди.

е) жараённинг махсус стратегиялар асосида, муаммолар ечимини излаш ва қарор қилиш ҳаракатлари фаоллигида кечиши.

Ушбу турдаги хусусиятларнинг кенг кўламда бўлиши таржимани ночизиқли, синергетик тартиботли жараён сифатида тавсифлашга ундайди ҳамда уни назоратли ва назоратсиз, беихтиёр ҳаракатлар уйғунлигида кечишидан дарак беради.

#### Адабиётлар

1. Boarse–Bier J. Saying what someone else meant: styles relevance and translation//International Journal of Applied Linguistics, 2004. vol. 14 (2).–P. 276-287.
2. Boarse–Bier J. Mind style translated//Style, 2003. vol. 37 (3).
3. Cook G. Discourse and Literature: the interplay of form and mind.–oxford:Oxford University Press, 1994.
4. Croft W. and Cruse A.D. Cognitive Linguistics.–Cambridge: Cambridge University Press, 2004.
5. Dahlgren M.A Relevance–based Approach to Poetry in Translation//Perspectives: Studies in Translation, 2000. vol.8 (2).–P. 97-108.
6. Dijk T.A. van Studies in Pragmatics of Discourse.–The Hague, 1981.
7. Fauconnier G. Mappings in Thought and Language.–Cambridge: Cambridge University Press, 1997.



8. Gutt E.A. Implicit informational in literary translation: a relevance theoretic perspective// Target: International Journal of Translation studies, 1996. vol. 8 (2). – P. 239-256.
9. Gutt E.A. Translation and Relevance: Cognition and Context. Oxford Blackwel, 1991/2000.
10. Hatim B. Teaching and Researching Translation.–London: Longman, 2001.
11. Hatim B., Mason I. Discourse and the Translator.–London: Longman, 1990.
12. Kiraly D. Pathways to Translation: Pedagogy and process.–Kent, OH: Kent University Press, 1995.
13. Langacker R. Concept, image and symbol: the cognitive basis of grammar. – Berlin: Mouton.–London: Methuen, 1977.
14. Langaker R. Semantic representations and the linguistic relativity hypothesis//Foundations of Language, 1976. vol. 14.-P.307-358.
15. Malmkjer K. [Review of] E.A. Gutt: Translation and Relevance: Cognition and Context // mind and Language, 1992.vol.7 (3).–P. 298-309.
16. Munoz R. Traduclologia cognitive y traductologia empirica. In: G.Wotjak (ed.) Quo vadis, translatoogie? –Berlin: Frank und Timme, 2007.–P. 267-278.
17. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик.–Жиззах: Сангзор, 2006.\
18. Reddy M. The Conduit Metaphor. In: A. Ortony (ed.). Metaphor and Thought. – Cambridge: Cambridge University Press, 1979.
19. Sebald W.G. On the Natural History of Destruction.–London: Penguin, 2003.
20. Setton R. Pragmatic analysis as a methodology//Target. 2002. vol. 14 (2).–P. 353-360.
21. Sperber D. and Wilson D. Relevance: Communication and cognition.–Oxford: Blackwell Publishing, 1986/1995.
22. Thomas R.S. Counterpoint–Newcastle upon Tyne: Bloodaxe, 1990.
23. Toury G. Descriptive Translation Studies and Beyond.–Amsterdam: John Benjamins Publishing, 1995.
24. Wills W. The Science of Translation: Problems and Methods. Tübingen: Gunter Narr, 1982.
25. Wilson D. and Sperber D. Inference and implicative. In:S.Davis (ed.). Pragmatics: A Reader.–New York: Oxford University Press, 1991.-P.377-93.
26. Нурмонов А. Танланган асарлар. II. жилд.–Т.:Akademnashr, 2012.
27. Сафаров Ш. Тил назарияси ва лингвометодология. – Т.: Бфёз, 2015.
28. Умархўжаев М.Синхрон таржима дарғаси//Таржиманинг лингвокогнитив, коммуникатив-прагматик ва лингвокультурологик аспектлари.–Андижон, 2015.–362-364.
29. Цвиллинг М.Я. О переводе и переводчиках. Сборник научных статей.–М.: Восточная книга, 2009.
30. Цвиллинг М.Я. Эвристический аспект перевода и развитие переводческих навыков//Чтение. Перевод. Устная речь.–М.:Наука, 1977.-С.172–180.

*Сафаров Ш. Когнитивные модели исследования процесса перевода. В статье детально исследуются когнитивные модели, необходимые в процессе перевода текста (в частности художественного). Применение подобных моделей в процессе перевода, несомненно, повысит качество переводческой работы.*

*Safarov Sh. Cognitive models of translation process investigation. The article presents a detailed investigation of cognitive models which are necessary in the process of translating a text (literary in particular). Implementation of such models in translation prosess will surely raise the quality of translative work.*



## ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ФРАНЦИЯДА ЛИСОНИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИ

*Исмоилов С.И.*  
СамДЧТИ доценти

**Калит сўзлар:** глобаллашув жараёни, давлат, миллат, миллий тил, лисоний меъёр, лисоний хавфсизлик/хавфлилик, хавфсизлик кафили.

Давлат, миллат, миллий тил тушунчаларининг пайдо бўлиши, ўзаро тарихий боғлиқлиги, бирининг хавфсизлигига таҳдид иккинчисининг заифлашишига ҳам олиб келиши каби масалалар илмий адабиётларда кенг ёритиб берилган масалалардандир. Миллат мулоқотининг асосий воситаси бўлмиш миллий тилни меъёрлаштириш омилларини ишлаб чиқиш, бу жараёнда содир бўлиши мумкин бўлган таҳдидларни бартараф этиш ва лисоний меъёрнинг тўлиқ шаклланишини мустаҳкамлаш масалалари ҳам олимлар томонидан етарлича талқин қилинган. Француз миллати тили меъёрларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш борасида француз давлатининг кафил бўлганлигида ҳам бундай ҳолат кўзга ташланади: Қирол Француз I нинг 1539 йил 15 августда машхур *l'Ordonnance de Villers-Cotterêts* буйруғига мувофиқ ҳамма расмий ҳужжатларда, иш ёзишмаларида ва суд ишларида фақат француз тилидан фойдаланиш шарт қилиб қўйилган эди. Француз тилини меъёрга солиш омилларининг аниқланганига, лисоний меъёрни бузиш ҳолатларининг бартараф этилганига, таҳдид объектларининг йўқ қилинганга сал кам беш юз йил бўлган бўлса-да, француз тилининг фонетик, орфографик, лексик, морфологик, синтактик меъёрлари тўлиқ тизимлаштирилган бир даврда ҳам лисоний меъёрга таҳдид хавфи сақланиб қолмоқдами, деган саволнинг пайдо бўлиши ғайри табиийдек туюлади.

Глобаллашув даврида маданиятларнинг ўзаро таъсири бир тил элементларининг бошқасига кириб бориши орқали содир бўлади. Маданий қийматга эга бўлган белгиларнинг тизими

сифатида тил, айти пайтда, идентификациялаш воситаси ҳамдир. Шу боисдан, ҳар бир миллат тилни ўз ижтимоий мансублигининг тимсоли деб билади. Бутун дунё шу тарзда иккига – тил, маданияти билан бирлашган ўз одамларига ва тил, маданиятни билмайдиган бегоналарга бўлинади. Бу жараёнда ҳар бир миллат ўзлигини йўқотмаслик ва маданиятини сақлаб қолиш учун мамлакат тилини ҳимоя қилиши муҳимдир. Чунки тил - тирик, узлуксиз ишлаб турадиган ва доимий равишда ўзгариб турадиган организмдир. Ҳар қандай мерос каби, тил ўз кадриятларини асрлар давомида авлоддан авлодга, отадан ўғилга, етказиб беради. У нафақат халқнинг маданиятини акс эттиради, балким ушбу маданиятнинг курули ҳамдир. Француз файласуфи Мишел Серреснинг (Michel Serres) сўзларига кўра, тил айсбергининг сувдан чиқиб турган қисмини йўқ қилиш бутун тилнинг йўқ қилинишига олиб келади. У француз миллий тилининг хавфсизлигини таъминлаш учун инглиз тили элементларидан воз кечишга даъват қилган ҳолда, лингвистик исённи қаттиқ туриб талаб қилади. Серрес инглиз тилидан халқаро тил сифатида фойдаланишни эмас, балки фақат асрлар давомида олимлар, мумтоз ёзувчилар томонидан лисоний меъёри шакллантирилган ва мустаҳкамланган француз тилининг бой луғат таркибига инглиз тилининг ҳаддан ташқари ўзича кириб боришини назарда тутади [5].

Глобаллашув грамматика, фонетика, лексиканинг асрлар давомида шакланган ва барқарор бўлиб қолган лисоний нормаларини бузиб, довулдай тиллар ичидан тез ўтиб боради. Академик



Патрик Ванье (Patrick Vanier) таъкидлашича, «бугунги кунда француз сўзлашув тилида 3000га яқин инглизча сўзлар қўлланади, бу 60000 мингдан иборат луғат захирасининг 2,5 % ни ташкил қилади. Француз тилини сақлаб қолиш борасида Француз Академиясининг асосий вазифаларидан бири товуш тизими, морфология, синтаксис меъёрларининг бузилишига йўл қўймасликдан иборатдир [2]. Француз адабий тили меъёрларининг заифлашиши, тўғри талаффуз ва орфографиядан четга чиқиш, телеканалларда, оммавий ахборот воситаларида, радиоэфирда сўзлашув тилига оид сўзлардан ва кўпол иборалардан атайлаб фойдаланиш, лисоний этик меъёрларнинг бузилиши, сўкиш лексикасига, жиноятга оид жаргон лексикага, ёшлар сленги лексикасига қўйилган тақиқни очикдан-очик менсимаслик каби ҳолатлар тилшуносларни асосли равишда ташвишга солмоқда. Ҳақиқатан ҳам, глобаллашув жараёнида одамларни Интернет бошқара бошлайди. Дунёнинг ҳар қандай бурчакларидан келган ахборот оқими уларни камраб олади. Ижтимоий тармоқлар уларни чексиз ва саводсиз мулоқот дунёсига олиб боради. 2014 йил ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, аҳолининг 90% ижтимоий тармоқлардан фойдаланадилар ва бир суткада 5 соатдан кўпроқ вақтни у ерда ўтказадилар. Бу вақт оралиғида улар мунтазам равишда тил меъёрини бузадиган қисқартма сўзларга, ёшлар сленгига, америкача сўзларга, тиниш белгиларининг йўқлигига юзма-юз келадилар. Масалан, инглиз тили таъсирида француз синтаксисининг ўзгариши: *C'est juste pas possible.* - қоида бўйича *Ce n'est tout simplement pas possible* тарзида гапириш керак. Донорликка бағишланган интернет-сайтнинг *BeADonor* французча версияси *Soyez Un Donneur* гапининг сўзма-сўз таржимаси орқали бўлади. Тўғри таржима *Devenez Donneur* шаклида бўлган бўларди [2]. *Коммент, френд* каби сўзлар француз тилига айнан ижтимоий тармоқлар орқали инглиз тилидан кириб келганлиги

манбаларда қайд этилган [7]. Демак, глобаллашув инсонни хабардор қилиб турадиган ахборот оқими ҳам, буюк ёзувчилар томонидан меъёрга солинган тилни ичкаридан ўпириб кетадиган оқимларга ҳам эшикни очиб беради.

Юқоридаги барча маълумотлар ҳар қандай тилнинг, шу жумладан меъёрга солинган француз тилининг ҳам поклиги учун хавф туғдиради. Бу ҳолат замонавий жамиятнинг унга нисбатан муносабати ҳалокатли эканлигини исботлайди. Давлат бу ҳолатни эътиборсиз қолдириши мумкин эмас. Мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида миллий тилнинг роли пасайиши кузатиладики, бу унинг бутунлигини мустаҳкамлашда хавф туғдиради. Инглиз тилининг машхурлиги уни жаҳон тили ўрнига олиб боради. Инглиз тили биринчи универсал жаҳон тили бўлади. Натижада, ҳар бир мамлакатда миллий адабий тилнинг жаҳон тилига муқаррар равишда қарама-қаршилиги вужудга келади. Биринчисининг ҳимоячиси давлат бўлади, унинг асосий қуроли “тил сиёсати”дир. Н.С.Кузнецов “тил сиёсати” қўйидаги таърифни беради: «Бу давлат, давлатларнинг бирлашмаси, нуфузли давлат муассасалари ва маданият намояндалари томонидан тилни, тилларнинг гуруҳини, лисоний ёки мулоқот муҳитини сақлаб қолиш ёки ўзгартириш учун амалга ошириладиган чоралар тизимидир» [6]. Хавф мавжуд экан, уни камайтиришга манфаатдор давлат ҳам мавжуд; демакки, воситачи ролини ўйнайдиган, яъни бундай хавфга мустақил равишда тўкнаш келадиган ва унга қарши турадиганлар ҳам мавжуд бўлади. Хавфсизликнинг кафиллари шундай ҳаракатлантирувчи кучдир. Ҳозирги даврда давлат ҳокимияти, тил сиёсатининг бошқа субъектлари, жумладан, жамоат ташкилотлари, ҳаракатлар ва партиялар, турли соҳадаги тил муассасалари, масалан, Француз академияси (l'Académie Française), лингвистик йўналишлар ва мактаблар; миллий маданиятнинг нуфузли арбоблари лисоний хавфсизлик кафиллари ролини





бажариши мумкин. Давлатнинг мутлак юрисдикциясига тил қонунчилиги киради.

Тилни қонунчилик жараёни орқали тартибга солиш зарурлиги ҳақидаги масала давлат, миллат ва миллий тил тушунчаларининг узвий боғлиқлиги масаласи билан ҳамоҳангдир: агар тил давлат ва миллий идентификацияни ифодаласа, тилнинг йўқотилиши давлат ва миллий мансубликнинг йўқотилиши бўлиб ҳисобланиши мумкин. Айниқса мамлакатнинг конституциясида 1992 йилга қадар француз тилининг давлат тили тўғрисида ҳеч қанақа ёзув бўлмаганлиги, яъни француз тилининг мавқеи ҳақидаги масала ҳам французларнинг ҳақиқий ташвишига сабаб бўлади. Шу боисдан, Францияда миллий тилни қўллаб-қувватлаш бўйича турли тадбирлар ишлаб чиқила бошланди. Масалан, Францияда француз тилини хорижий тил таъсиридан ҳимоя қилиш ва унинг ўзига хослигини сақлаб қолишга мўлжалланган қарорлар ишлаб чиқилди. Улар орасида 1994 йил 4 августдаги қонун алоҳида ўрин эгаллайди. Бу қонун француз қонунчилигининг тарихига уни ишлаб чиққан шахс – Франциянинг собиқ маданият вазири Ж.Тубон номи билан кирди [9]. Тубон қонуни ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини, хусусан иш, бандлик ва корхоналар фаолияти соҳасини батафсил тартибга солиб турди, таълимда ва оммавий ахборот воситаларида француз тилининг мавқеини аниқ белгилаб берди; шунингдек, радио ва телевидениеда француз тилидаги кўшиқлар ва ижрочилар учун квоталар жорий этилди. Масалан, Леотар қонунига (loi Leotard) киритилган тузатишнинг 12-моддасида шундай дейилади: «...француз ва француз тилида сўзлашадиган муаллифлар ва артистлар томонидан яратиладиган ва ижро этиладиган мусиқа асарларининг нисбати француз тилидаги кўшиқларнинг камида 40 % га етиши, ҳеч бўлмаганда, уларнинг ярми янги асарлар ёки янги истеъдодлар томонидан ижро этиладиган кўшиқлар бўлиши керак. Телевидение ва радиоэшиттиришнинг Олий кенгашидан эстрада мусиқасига бағишланган

дастурларда эфирга узатишга руҳсат олган ҳар бир радиоэшиттирувчи томонидан ушбу асарлар тинглаш учун энг қулай вақтда тарқатилади» [8]. Ж. Ширак даврида Париж мэри томонидан унинг амалга оширилиши инглиз тилидаги ҳамма ёзувларнинг Париж кўчаларидан олиб ташланишига олиб келди; ҳатто инглиз фирмаларининг номлари ҳам француз тилига таржима қилинди.

Бироқ француз тилини сақлаб қолиш ва ҳимоя қилиш муаммоси французларни олдин ҳам хавотирга солган эди. 1970-1980 йиллари инглиз тилининг Францияда кенг тарқалиши жамият томонидан миллатнинг она тилини йўқотишига таҳдид сифатида қабул қилинган эди. 1975 йили қабул қилинган Ба-Лориол қонуни, Франциянинг энг янги тарихида биринчи марта француз тилининг нафақат маъмурий давлат фаолиятидаги ҳуқуқий муносабатларда, балки жамиятда, жамият ҳаётидаги ҳуқуқий муносабатларда ҳам кенг қўлланиш соҳаларини белгилаб берди. Қонунда барча ёзма ва оғзаки рекламада, меҳнат шартномаларида, ишга таклиф бўйича эълонларнинг босма нашрларида, мулк ва хизматларга оид шартномаларда, жамоат жойларидаги ёзувлар, ҳисоблар ва қвитанцияларда, радио ва теледастурлар тўғрисидаги ҳар қандай ахборотда француз тилининг мажбурий қўлланиши тўғрисида бир қатор қоидалар мавжуд. 1972 йилдаги «Француз тилини бойитиш тўғрисидаги Фармон»га мувофиқ, қонун французча муқобили мавжуд бўлганда, қайсидир хорижий атамадан ёки иборадан фойдаланишни тақиқлаган. Боз устига, қонунда унинг қоидаларига риоя қилиш мажбуриятини олган давлат муассасалари ва жамоат ташкилотларига субсидиялар берилиши назарда тутилган, аммо ҳар қандай қоидабузарлик учун улар бундай субсидиядан маҳрум қилиниши белгилаб қўйилган эди.

Француз давлати амалга ошираётган тил сиёсати, аксариат ҳолларда, глобаллашув даврида вужудга келадиган хавфсизликнинг шахсий, миллий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий,





экологик, ахборот, ҳарбий, халқаро каби кўплаб турлари қаторида *лисоний хавфсизликни* таъминлашга қаратилган сиёсатдир. Демак, халқлар ўртасидаги турли хил глобал коммуникатив ва маданий алоқалар, халқлар ва мамлакатларнинг ўзига хосликни сақлаб қолишга нисбатан ошиб бораётган интилиши, геополитик курашда бу тенденциялардан фойдаланиш шахс ва давлатнинг лингвистик хавфсизлиги долзарб муаммосининг пайдо бўлишига олиб келади. Унинг асосида мамлакатнинг тизимли умумийлигини сақлаб қолишни ва давлат, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, этник, маданий-тарихий ва бошқа белгиларнинг мустақил ҳаётийлигини ривожлантиришни таъминлаш ётади [3: 65].

Хавфсизлик деганда ички ва ташқи омилларнинг таъсири тизимнинг ёмонлашишига ёки унинг ишлаши ва ривожланиши мумкин эмаслигига олиб келмайдиган пайтда мураккаб тизимнинг ҳолатини тушунадилар. Хавфсизлик – бу шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини потенциал ва реал мавжуд бўлган таҳдидлардан муҳофаза қилиш ҳолатидир. Тил, шубҳасиз, шахснинг ҳам, жамиятнинг ҳам, давлатнинг ҳам манфаатларига мос келади, демакки, хавфсизликка муҳтож. Тил муҳитини фаол ҳимоялаш ёки “тил хавфсизлиги” Франция миллий хавфсизлигининг муҳим аспектидир. Бу турдаги хавфсизликнинг ўзига хослиги тўғри француз тили орқали сақлаб қолинадиган унинг махсус предмети билан белгиланади. Ушбу предмет – миллий ўзлик ёки халқнинг ўзига хослигидир, яъни халқнинг ўз тарихини тўғри тушуниш ва давом эттириш, миллий ўзига хосликни ва ташаббускорликни сақлаб қолиш ва ҳимоя қилиш, бегона сўзларга берилиб кетишга йўл қўймаслик қобилятининг ўзидир. Демак, давлатнинг миллийлиги, унинг ўзига хослиги тил хавфсизлигини таъминлашга боғлиқдир.

Лисоний хавфсизлик – илмий адабиётлар ҳали батафсил таърифланмаган, нисбатан янги тушунча. Шу боисдан, «лисоний хавфсизлик» мавзу-

сида ёзилган ишларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. «Лисоний хавфсизлик/хавфлилик» ҳодисаси биринчи бор канадалик олим, психология соҳаси бўйича мутахассис Уоллес Ламберт ишларида тилга олинади. Ўтган асрнинг 60-йилларида у шахснинг лисоний онгини тадқиқ қилиш жараёнида ушбу ҳодисага эътибор қаратади. Бироқ Ламберт уни алоҳида ўрганмаган. Кейинчалик америкалик тилшунос Уильям Лабов ва унинг АҚШ ҳамда Европадаги издошлари ушбу тушунчани ўрганадилар. Ижтимоий табақаланишнинг идиостилга таъсири ҳақидаги ишида, Лабов биринчи бор «лисоний хавфсизлик/хавфлилик» тушунчасидан фойдаланади. Тилшунос Николь Гёнье биринчи бўлиб Лабов назариясини француз тилида қўллаган. Бир нечта давлат тиллари биргаликда муваффақиятли тарзда мавжуд бўлган швейцариялик тилшунос Паскал Сингини ҳам эслаб ўтиш жоиздир.

Аслида бу мавзу бўйича жуда кўп ишлар ёзилган. Масалан, Е.С. Гриценконинг сўларига кўра, лисоний хавфсизлик тушунчаси кўпинча миллий хавфсизлик, ахборот хавфсизлиги, тил суверенитети ва тил сиёсати муаммолари контекстида муҳокама қилинади [4: 9-11]. Биз учун энг қизиқарлиси – бу белгиялик тилшунос Мишел Франкарнинг тадқиқоти ва ишида берган таърифидир. Франкар ўз тадқиқотида, аслида, олдинги барча ишларни синтез қилган: «*L'insécurité linguistique est la prise de conscience, par les locuteurs, d'une distance entre leur idiolecte (ou leur sociolecte) et une langue qu'ils reconnaissent comme légitime parce qu'elle est celle de la classe dominante, ou celle d'autres communautés où l'on parle un français « pur », non abâtardi par les interférences avec un autre idiome, ou encore celle de locuteurs fictifs détenteurs de la norme véhiculée par l'institution scolaire*» [1: 171-172].

Лингвистик хавфлилик/хавфсизлик - гапирувчилар томонидан уларнинг идиолекти (ёки социолекти) ва ўзлари норматив сифатида қабул қиладиган тил ўртасидаги фарқларни англаб олишдир. Таърифда



ижтимоий синфлар ўртасидаги ўзига хос лингвистик конфликт социолингвистик аспектда изоҳланади. Синфлардан бири бошқасининг босими остида бўлиши, бир тил соҳибларининг бошқа тил соҳибларига таъсири, яъни тили муайян ҳудудда доминант бўлмаган кишилар «лингвистик хавфлилик» туйғусини ҳис қиладилар ва ўзларининг сўзлашув манераси бу ҳудуддаги меъёрий тилдан узоқлигини сезадилар. Лингвистик хавфсизлик таълимга, ўқиш жараёнида шахс эришган тилни билиш даражасига, лисоний меъёр тўғрисидаги унга сингдирилган тушунчаларга ва бу тушунчалар унинг лисоний меъёрийликни шахсан қандай тушуниб етишига боғлиқ бўлиши билан кўрсатилади.

Умуман олганда, лисоний хавфсизликнинг мақсади ижобий лингвистик жараёнларни амалга ошириш, хавфли лингвистик жараёнларни зарарсизлантириш ва уларни ижобийларга айлантириш ҳамда хавфли лингвистик жараёнларнинг олдини олиш ва йўқ қилишдан иборатдир. Демак, лингвистик хавфсизлик давлат тилининг бошқа тиллар билан ўзаро алоқада турғун ривожланишини таъминлайдиган омилларнинг, давлат томонидан қабул қилинадиган чораларнинг, ижтимоий ҳодисаларнинг мажмуини англатади. У бирлаштирувчи омил ва жамият ҳолатининг кўрсаткичи сифатида муҳим роль ўйнайди.

Лисоний хавфсизлик лингвистик адабиётда учрайдиган «лисоний режалаштириш», «инсоннинг лисоний ҳукуқи», «лингвистик бағрикенглик», «лингвистик уйғониш», «лингвомаданиятшунослик», «лингвистик протекционизм», «социолингвистика», «лисоний қобилият», «лисоний хилма-хиллик», «тилшунослик сиёсати», «лингвистик ривожланиш», «лингвистик ўз-ўзини идентификациялаш», «лингвистик методология», «тил экологияси», «тил иерархияси» каби тушунчалар билан бевосита боғлиқ [3: 66].

Демак, француз тилида “лингвистик хавфсизлик” – бу шахс ёки бир гуруҳ

шахслар гапирадиган тил ё асосий бўлмаган, ё асосий (лингвистик хавфсизликни сезишда) бўлган шароитларда, у ёки улар томонидан сезиладиган туйғудир. Бу ҳолат ўз тилидан фойдаланганда мос равишда ишончсизлик ёки ишонч ҳиссини туғдиради. Боз устига, француз тилида «лингвистик хавфсизлик» атамаси ҳам, «лингвистик хавфлилик» атамаси ҳам қўлланади. Бу атамаларнинг мазмун кўламини аниқлаш мақсадида, биз «sécurité» ва «insécurité» сўзларининг семантик таҳлилини амалга оширишга қарор қилдик. Француз тилида la sécurité, англатади:

1) Situation dans laquelle quelqu'un, quelque chose n'est exposé à aucun danger, à aucun risque, en particulier d'agression physique, d'accidents, de vol, de détérioration – бирор кимса ёки бирор нарса хавфда, хатарда, жисмоний тажовузда қолмайдиган шароитлар: Protection et sécurité des petits Etats- Кичик давлатларнинг ҳимояси ва хавфсизлиги

2) Situation de quelqu'un qui se sent à l'abri du danger, qui est rassuré- Шахс ўзини хавф-хатардан панада ҳис қиладиган, у хотиржам, ишончи комил бўлган шароитлар: Maintenant vous êtes en sécurité – Энди сиз хавфсизсиз.

3) Absence ou limitation des risques dans un domaine précis – муайян соҳада хавф-хатарнинг йўқлиги ёки чегараланганлиги: Ils cherchaient de la sécurité matérielle. – Улар моддий хавфсизликни истардилар [7].

Хавфлилик сўзи, l'insécurité:

1) Etat d'un lieu qui n'est pas sûr, qui est soumis à la délinquance ou à la criminalité – муайян жой хавфли, жиноятларга мойил бўлган ҳолат: L'insécurité qui règne dans certaines banlieues. – Шаҳар аторфидаги баъзи поселкаларда ҳукронлик қилаётган жиноят. Баъзи чекка жойларнинг тинч-хотиржам эмаслиги.

2) Sentiment de vivre dans un environnement physique ou social favorisant les atteintes aux personnes et aux biens – шахсга ёки унинг мулкига суиқасдга имкон туғдирадиган жисмоний



ёки ижтимоий атроф-муҳитда яшаш хиссиёти: Le sentiment de l'insécurité le poursuivait – Хавф-хатар туйғуси унга тинчлик бермасди.

3) Etat de quelque chose qui est instable, précaire – Бирор нарсанинг хавфсиз, мустаҳкамлиги шубҳали ҳолати: L'insécurité de l'emploi. – Ишни йўқотишдан кўрқиш. Ишнинг ишончсизлиги [7].

«Sécurité» сўзи каби, латин тилидаги «securitas» (хавфсизлик, хотиржамлик) сўздан келиб чиққан «sûreté» сўзини ҳам кўриб чиқайлик. Бу икки сўз қисман синонимлардир, аммо «sûreté» нисбатан кўп маъноли бўлиб, ўз таркибига яна «ишонч, ишончилиқ, чидамлилиқ, аниқлик» каби маъноларни ҳам киритади.

1) Etat de quelqu'un ou de quelque chose qui est à l'abri, n'a rien à craindre - Панада жойлашган бирор кимса ёки бирор нарсанинг ҳеч нарсадан кўркмайдиган пайтдаги ҳолати: Prendre des précautions pour sa sûreté – ўзининг хавфсизлигини таъминлаш учун чора-тадбирлар кўрмоқ.

2) Caractère précis, efficace de quelqu'un ou de quelque chose, sur lequel on peut compter d'une façon certaine – Бир кимсанинг ёки бирор нарсанинг унга ишонишга имкон берадиган аниқлиги, самарадорлиги: Mémoire d'une sûreté absolue. – Феноменал хотира / Панд бермайдиган, ишонса бўладиган хотира.

3) Dispositif de protection – Эҳтиёт чоралари: Il a mis deux sûretés à sa porte, un verrou et une chaîne. – У, эшикни кулфлаб ва занжирлаб ёпиб, эҳтиёт чораларни кўрди [7].

Хулосада шуни таъкидлаш керакки, лингвистик хавфсизлик мамлакатнинг муваффақиятли ривожланиши учун зарурий шартдир, унинг ўзига хослигини сақлаб қолишнинг кафолатидир. Францияда қабул қилинган Қонунларга мос келиши/мос келмаслиги кўзгусида инглиз тилидан француз тилига кириб келган сўзларни, атамаларни тадқиқ қилиш, кўп жиҳатдан, лисоний хавфсизликни таъминлашнинг назарий асосини ташкил қилиши мумкин.

### Адабиётлар

1. Bulot T., Blanchet P. Une introduction à la sociolinguistique: Editions des Archives Contemporaines, 2011.
2. Cziffra M. Franglais et anglicismes: quand le français se met à parler anglais II Электронный ресурс Интернет: <http://w.vw.slate.fr/story/69533/francais-anglais-angliscismes-franglais>
3. Грицко М.И. Лингвистическая безопасность - один из факторов безопасности многонациональной России И Идеи и Идеалы. — 2011. — Т.1.- №3.
4. Гриценко Е. С. Язык и безопасность в контексте глобализации. Власть, 2011.№ У.С. 9-11.
5. Huguenin F. Les anglicismes: pas toujours cool... - n°50 – La Newsletter VR2.
6. Кузнецов С.Н. Языковая политика и языковое планирование //Электронный ресурс Интернет: [http://genhis.philol.msu.ru/article\\_195.shtml](http://genhis.philol.msu.ru/article_195.shtml)
7. Larousse-dictionnaire de français И Электронный ресурс Интернет: <http://www.larousse.fr/dictionnaires/francais>
8. Loi n°86-1067 du 30 septembre 1986 DITE LEOTARD RELATIVE A LA LIBERTE DE LA COMMUNICATION И Электронный ресурс Интернет:[http://w.vw.legifrance.gouv.fr/affichTexte.do;jsessionid=E19849C6B3FFA1C681DC608B3254C6FB.tpdjo\\_17v\\_2?cidTexte=JORFTEXT000000512205&categorieLien=id](http://w.vw.legifrance.gouv.fr/affichTexte.do;jsessionid=E19849C6B3FFA1C681DC608B3254C6FB.tpdjo_17v_2?cidTexte=JORFTEXT000000512205&categorieLien=id)
9. Об употреблении французского языка: закон Франции № 94-665 от 04.08.1994 И Понкин И.В. Законы Франции и Польши о защите языков // Нравственные императивы в праве. № 3. М., 2012.



**Исмоилов С. Меры обеспечения лингвистической безопасности в процессе глобализации во Франции.** В данной статье определяется законодательная деятельность французского государства в сфере обеспечения лингвистической безопасности французского национального языка в процессе глобализации, анализируются существующие суждения, высказанные по поводу понятий лингвистической безопасности/ опасности, дифференцируются семантическое содержание понятий *sécurité, insécurité, sûreté*.

**Ismoilov S. Measures of providing of the linguistic safety in the process of globalization in France.** In this article we define the legislative activity of the French state to ensure the linguistic safety of the French national language in the process of globalization, In this article, analyze the opinions expressed on the concepts of linguistic danger / safety, differentiate the scope of the notions of opacity / security or confidence (*sécurité, insécurité, sûreté*).

---

---



## БУЮК ИСТЕЪДОД СОҲИБИ ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ ШАХСИЯТИ ВА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ

Санақулов Усмон,

СамДУ, Филология фанлари доктори, профессор

*Калит сўзлар:* адабиётшунослик, таржимашунослик, шарқишунослик, тарихнавис.

**Захириддин Муҳаммад Бобурнинг шахсияти.** Бобур Мирзо жаҳон давлатчилиги ва маданияти тарихида машҳур ҳукмдор, атоқли давлат арбоби, моҳир саркарда, жумладан, истеъдодли шоир, адиб, таржимон, тарихнавис, иқтисодчи олим сифатида ўрин олган. У 1483 йил 14 февралда Андижон шаҳрида таваллуд топиб, 1530 йил 25 декабрда Аграда ўзи обод қилган Зарафшон чорбоғида вафот этган эди. Кейинчалик Бобур Мирзонинг чевараси Шохжаҳон бобосининг хокини Қобулга кўчириб, (қабр хоки устига) мақбара қурдирган<sup>1</sup>.

**Захириддин Муҳаммад Бобурнинг асл насл-насаби темурий** барлослардан. Бобур Мирзонинг отаси соҳибқирон Амир Темурнинг учинчи ўғли Жалолиддин Мироншоҳнинг оилавий шажарасига бориб тақалади (яъни Мироншоҳга неvara, Амир Темурга эvara бўлади). Демак, ота шажараси бўйича **Захириддин Муҳаммад Бобур жаҳонгир Амир Темурнинг кавораси, Жалолиддин Мироншоҳнинг эvarаси, Султон Муҳаммаднинг чевараси, Султон Абусайиднинг неvarаси, Умаршайхнинг тўнғич ўғли ҳисобланади**<sup>2</sup>.

Бобурнинг онаси **Нигорхоним** мўғул хонларидан **Юнусхоннинг қизидир**<sup>3</sup>. Демак, Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо ҳам бобоси Амир Темурдек курагон (хон авлодига, яъни чингизийларга куёв) бўлган.

Хуллас, Ҳиндистон ҳудудида 1858 йилгача давом этган бобурийлар авлоди сулоласининг шажараси ҳам аслида темурий авлодлари сулоласи билан

боғланади. Улар авлодларининг илдизи-юқорида қайд этилган шажарага кўра буюк Амир Темурга бориб тақалади.

Муҳаммад Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо темурийлар ўртасида тож-тахт учун курашларнинг айнаи авж олган даврларида Фарғона водийсида ҳокимлик қилиб, бу курашларда фаол иштирок этган ворислардан бири бўлган эди. 1494 йилда Умаршайх Мирзога қарши ўз акаси-Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад Мирзо, Тошкент ҳокими (Умаршайхнинг қайноғаси, Султон Аҳмадга эса куёв, Бобурга тоға ҳисобланган) Султон Маҳмудхон бирликда Фарғонага ҳарбий юриш қилдилар. Бу вақтда Умаршайх Мирзо Андижоннинг ғарбида жойлашган жар ёқасидаги кўрғонда бўлган эди. Умаршайх Мирзо ўз тахтиравони билан жар ёқалаб ўтаётганда тасодифан жарга кулаб, ҳалокатга учради. Шу даврда Умаршайх Мирзодан уч ўғил ва беш қиз қолган эди. Тўнғич фарзанди Бобур Мирзо 12 ёшга қадам қўйган бўлиб, асосий тахт вориси ҳисобланди ва Фарғона ҳокимлиги тахтини эгаллади.

Ҳокимликни бошқаришда Бобур Мирзога отасининг яқин беқларидан аввал, шайх Мазидбек отабеклик қилган. Мазидбек вафотидан сўнг унинг ўрнини Бобоқули Бобо Алибек эгаллаган. Ҳукмронликни бошқаришда унга оқила ва тадбиркор онаси Нигорхоним ҳамда отабеги Алибек яқиндан ёрдам берганлар. Улар кўмагида ёш шижоатли сардор – Муҳаммад Бобур Мирзо душман ҳужумигача, ота мерос ҳарбий қўшинни тезда қайта тузиб, шаҳар ва кўрғонларни мустаҳкамлашга улгурган. Шу боис, Бобур Мирзо Фарғонага бостириб кирган душманларнинг ҳужумини моҳирлик билан қайтариб, уларни чекинишга мажбур қила олди. Қўшин сафи тўзғиб,

<sup>1</sup>. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи (иккинчи нашри).-Т.: “Ўқитувчи”, 1965, 644-б.

<sup>2</sup>. Темур тузуклари. –Т.: “Ғафур Ғулом”, 1991, 108-б.

<sup>3</sup>. Холиков А. Бобурга жаҳоний шухрат келтирган асар.// “Samarqand” газетаси, 2014, 16 январ.





катта талофот кўрган Султон Аҳмад сулҳ тузиб, Самарқандга қайтишга мажбур бўлди. Бу жанг ёш сардор Бобурнинг тож-тахт учун курашдаги биричи ғалабаси эди. Шундан сўнг унга улуғ бобоси Амир Темур салтанатини тиклаш орзуси пайдо бўлади ва у аввал Мовароуннаҳр марказини қўлга киритиш учун курашишга бел боғлайди. *Темурийзода Бобурда ҳам бобокалони Соҳибқиронга хос қудратли сиймо. юксак хусусиятлардан кўпчилиги мавжуд бўлган.*

Бобур ҳаёти ва ижоди билан Америка халқларини таништиришида катта ҳисса қўшган шарқишунос **Харолд Лембе** ўзининг “Бобур – Шер” номли 336 саҳифали китобида қўйидаги холисона фикрларни айтган: “...у (Бобур) Ҳиндистонда Темурбек давлатидек буюк салтанатга асос солди. Бобур Шер (Ҳиндистонда) феодал гегемонлигига – Лоди султонлари ва Ражпут шаҳзодаларига барҳам берди, мамлакатда мавжуд бўлган диний низоларни даф этди. Унинг (Бобурнинг) салтанати ўтмишига нисбатан келажак истиқболга боқар эди. Ерли урф-одатлар, хўжаликлар сақланган эди. У ўзи билан Ҳиндистонга темурийларнинг куй ва шеърятга... қизиқишларини ҳам олиб келди. Нобон ерларда ҳам бог-роғлар барпо этишга интилиши унга “Богбон шоҳ” деб ном берилишига сабабчи бўлди. Соя-салқин боглар у билан бирга Аграгача чўзилади. Оқ ва қизил тошлардан улар қадами етган ерда саройлар, буюк мачитлар, мадрасалар қад кўтарди”<sup>4</sup>.

**Рус шарқишуносларидан Н.И. Веселовский** Бобур Мирзонинг шахсияти ҳақида қўйидаги фикрларни билдирган: “Айтиши мумкинки, Бобур ботирлигининг чеки бўлмаган, унинг бутун ҳаёти, жасорати мисоллар билан тўлиб-тошиб ётибди. Ахир, у Шайбонийнинг 15 минглик аскарлари турган Самарқандга ўзининг бор-йўғи икки юз кишилик отряди билан ҳужум қилишга журъат этган эди, фақат

*журъат этибгина қолмади, балки уларни қалъадан ҳайдаб ҳам чиқарди. Бобур империясининг асосланишини айтмайсизми! Бобур Иброҳим Лўди қўлидан қудратли Ҳиндистонни ҳеч бир арзимас куч ва қурол ёрдамида тортиб олган.*

*Айниқса, француз ёзувчиси Флора Анна Стилнинг қўйидаги фикри диққатга молик... Биринчидан, биз сулолани хато тарзда буюк мўғуллар номи билан атаб келганмиз, умуман, бу сулола Бобур номи билан машҳур бўлган. Заҳириддин Муҳаммад Ҳиндистон императори, шу билан бирга зиёли, шоир, рассом, музикачи, паҳлавон аскар ва халқпарвар подшоҳ эди*<sup>5</sup>.

**Бобур Мирзо истеъдодли шоир, бадиий ижод соҳиби ҳам. Маълумки, Бобур 12 ёшидан бошлаб, умрининг асосий қисмини узлуксиз жанг-жадаллар билан ўтказган ҳолда замонасининг илгор (форс, араб каби) тилларини мукаммал ўрганган, кенг ва чуқур билимга эга бўлишига ҳамда ажойиб истеъдод соҳиби, даврнинг йирик маданият арбобларидан бири бўлиб етишишига улгурган. Чунки ҳаётидаги зиддиятли кунларда ҳам у қаерда бўлмасин, ҳамини илм-фан, санъат ва адабиёт аҳиллари билан яқиндан алоқада бўлган. Қисқа муддатда ҳукмронликни қўлга киритган пайтда эса тезда ижод аҳлини ўз атрофига тўплаган, улар билан илмий-адабий мулоқотда бўлган. Имконият тугилгандаёқ уларга ҳомийлик қилган. Шу асосда улар таъсирида ўзининг ижодкорлик билимини тараққий эттириб борган. Демак, Бобур фақат йирик давлат арбоби ва моҳир лашкарбошигина бўлиб қолмай, бадиий ижод соҳасида ҳам машҳур бўлган. Масалан, унинг бизгача етиб келган шеърини асарларининг тўплами (девони) ўзбек мумтоз шеърятининг ноёб дурдонаси саналади. Унинг икки қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, Ҳиндистон ва Францияда сақланмоқда.**

*Бобур девони, асосан, унинг ўзбек тилидаги шеърларидан ташкил топган.*

<sup>4</sup>. Огажонов Н. “Бобурнома жаҳон кезади”. - Т.: “Ғафур Ғулом”, 1984, 57-б. (Ўзбек адабиётининг оламшумул шухрати. –Т.: 1069,26-б.).

<sup>5</sup>. Шайхзода М. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. // “Гулистон” жур., 1940, № 1, 28-б





Лекин унда форс-тожик тилида ёзган бир неча шеърлари ҳам киритилган. Ҳатто, урду тилида ҳам шеърлар ёзган экан. Покистонлик олим Муҳаммад Собирнинг маълумотига қараганда, Бобур ҳинд мамлакати халқлари тилидан урдуни ўрганган, бу тилда шеърлар ҳам битган. Олим ўз фикрининг исботи учун Бобурнинг урду тилида ёзилган шеърларидан баъзи байтларини мисол ҳам келтирган <sup>6</sup>. Шоирнинг шеърляти “Бобурнинг Ҳинд девони” номли асаридан акс этган. (Ушбу асар 1966 йилда С.Азимжонов томонидан юртимизда чоп этирилган).

Бобур Лутфий, Навоий, Ҳайём ва Ҳофиз каби устоз сўз санъаткорларининг поэтик маҳоратларидан таълим олиб, уларнинг анъаналарини давом эттиради ва ривожлантиради, назиралар ва мухаммаслар яратади. Унинг лирикасида шеърлятнинг газал, рубоий, туюқ, маснавий, қитъа, фард каби турли жанрлари акс этган. У Амирий, Лутфий, Навоий каби уста туюқчидир. У туюқларида шаклдош (омоним), кўп маъноли (полисемик, синоним) сўзлардан моҳирона фойдаланган:

Қаддимни фироқ меҳнати ё қилди,  
(ёйдек эгди)

Кўнглум гаму андуҳ ўтига ёқилди  
(ёнди, куйди)

Ҳолимни сабога айтиб эрдим, эй гул,  
Билмон, санга шарҳ қилмади ё қилди.

(ёки)

**Бобур маърифатпарвар ва мураббий ҳамдир**, у ҳамини илм-маърифатни қадрлаган ва унга ҳомийлик қилган шоир ҳамдир. Маърифатпарвар ва мураббий шоир илм кишида ўз-ўзидан вужудга келмайди. Ҳар бир киши фақат кунт ва ҳавас-иштиёқ билан унга интилсагина илмга эга бўлади, дейди:

Ким ёр анга илм толиби илм керак,  
Ўргангали илм толиби илм керак.  
Мен толиби илму толиби илм йўқ,  
Мен бормен илм толиби, илм керак.

Мураббий шоир инсон учун, хусусан, ёшлар учун яхши хулқ, ширинсуханлик, кишиларга ҳамини яхшилик қилиши эзгу хислат ва олижаноб фазилатдир деб билади:

Давлатқа етиб, меҳнат элин унутма,  
Бу беш кун учун ўзингни асру тутма.

\*\*\*\*

Бори элга яхшилик қилгилки, мундин  
яхши йўқ,

Ким дегайлар даҳр аро қолди  
фалондин яхшилик.

\*\*\*\*

Ҳар кимки жафо қилса, жафо  
топқусидур,

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо  
топқусидур...

Маълумки, Бобур она ватанида эмас, ўзга ерда - Афғонистон ва Ҳиндистонни эгаллаб, ўзининг қудратли давлатини тузди, машҳур империяни вужудга келтирган бўлса-да, аммо у умрининг охирига қадар тугилиб ўсган эл-юртини қўмсаб ўтди, темурийлар салтанатини тиклашдан кўнгул узолмади, севимли ватанига қайтиши фикридан кечолмади. Мана шу кайфиятнинг ифодаси сифатида унинг бир қатор мунгли ва аламли шеърлари юзага келган:

Ўз ерин қўйиб Ҳинд сори юзландим,  
Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

\*\*\*\*

Келдим бу сари ўз ихтиёрим бирла,  
Лекин боруримда ихтиёрим йўқдир.

\*\*\*\*

Ёд этмас эмиш кишини гурбатда  
киши,

Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда  
киши.

Кўнглум бу гарибликда шод ўлмади  
оҳ,

Гурбатда севинмас эмиш, албатта,  
киши.

Хуллас, Бобур ўзбек адабиётига хос ўзининг нозик ва дилрабо қўшиқлари, лирик шеърлари билан халқининг дилида, тилида умрбод қолди. У ўзининг кенг дунёқараши ва мукамал ақл-заковати билан

<sup>6</sup>. Отажонов Н. “Бобурнома” жаҳон кезади. – Т.: “Ғафур Ғулом”, 1984, 13- б. (ҳаволада), Ўзбек адабиёти тарихи, 3-том.-Т.: 1978, 51-б.



Ҳиндистонда бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номини қолдирган бўлса, сержило, нафис газал ва рубоийлари билан туркий-ўзбек шеърляти ривожига муносиб ҳисса қўшиди.

**Бобур Мирзо илм-фан соҳиби.** У илм-фан соҳасида ҳам ажойиб асарлар ёзган. Унинг ижодида илм-фаннинг турли соҳаларига доир бир неча қимматли асарлар ўрин олган. У адабиётшунослик, санъатушунослик, таржима ва тилишунослик каби кўп соҳаларда қалам тебратган истеъдодли олимдир. Масалан, «Мубаййин», «Хатти Бобурий», «Ҳарб иши», «Аруз» ҳақидаги рисолаларида иқтисодий-иҷтимоий, қонуношунослик масалалари бўйича ҳамда шеърлят ва тил назарияси соҳаларига хос фикр-мулоҳазаларини баён этган. Чунончи, Бобур моҳир таржимон сифатида **Хожа Убайдулла Аҳрорнинг «Волидия»** (отана номига бағишланган рисоласини ҳам ўзбек тилига назмда (шеърӣ тарзда) таржима этган. Бу ҳақда Бобур шундай маълумот берган: «Сешанба кечаси сафар ойининг йигирма еттиси Ҳазрат Хожа Убайдуллонинг «Волидия» рисоласини назм қилмоқ хотиримга кечти... ўшал кеча ўн уч байт айтилди (ёзилди)<sup>7</sup>.

«Аруз рисоласи»да аруз вазнининг қоида-қонунларини батафсил талқин этар экан, ўз фикрини қиёсий таҳлил орқали исботлашга ҳаракат қилган. Бунинг учун у ўзбекча ва тожикча шеърларни солиштириб ўрганган. Бу ҳам ўз навбатида Бобурнинг таржимонлик фаолиятини намоён этиди<sup>8</sup>.

**Бобур Мирзо аруз вазни ва қофия масалалари ҳақидаги «Муфассал»,** чоргоҳ савтларидан бирини ижод этган ва музыкага доир «Муסיқий илми», ҳарбий санъатга доир ёзган «Ҳарб иши» каби

асарларни ёзган. Лекин булар ҳақида маълумотга эга эмасмиз.

Бобурнинг «Хатти Бобурий» деб номланган алифбоси 1503-1504 йилларда яратилди. Айтиши жоизки, туркий элатлар орасида теурийлардан анча олдин ҳам бу борада интилишлар бўлган. Масалан, ўтмиш бобо-калонларимиздан XI аср тилишунос олими Маҳмуд Кошғарий ҳам туркий тилга хос бўлган алифбони яратиши заруратини айтганлиги маълум. У араб алифбосидаги ёзув туркий тилнинг нутқ товушларини тўлиқ акс эттира олмаслигини биринчи бўлиб таъкидлаб, бу масалага жиддий ёндашиши лозимлигини уқтирган ҳам эди. Худди ана шу ўтмиш бобокалонларимиз измидан борган теурийзода Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳам араб ёзувининг туркий тил нутқ товушларини тўлиқ ифодалашида, ҳатто, бу ёзувни ўзлаштиришида ҳам маълум қийинчиликлар мавжудлигини сезган.

Шу боис Бобур араб ёзувига нисбатан соддароқ, осонроқ алифбони тузиши ёки араб ёзувини ислоҳ этиши масаласини теурийлардан биринчи бўлиб кўтариб чиқди. У ушбу масалага қатъий ёндашиб, араб ёзуви асосида ислоҳ қилинган туркий-ўзбек тилига мос келадиган ўз араб алифбоси асосида, яъни ўзбек тили нутқ товушларига мослаштирилган янги алифбосини яратди. «Хатти Бобурий» нинг муҳим томони шундаки, унда ўзбек тилига хос унли товушлар «зер-забар» лар билан эмас, балки махсус ҳарфлар шаклидаги белгилар билан берилади. Бобур бу алифбода баъзи ижод намуналарини ҳам битган ҳамда унинг нусхаларини Ҳумоюн, Хожа Калон, Мирзобек тағойи ва бошқаларга жўнатиб турган. Бу ҳақда «Бобурнома»нинг 428-бетида қуйидагича маълумот учрайди: «Мулло Биҳиштийдан Ҳиндолга «Бобурий хати» нинг муфрадотини юборилди. ...Ҳумоюнаким, Ҳиндистонга ...Ҳиндолга ва Хожа Калонга... Мирзобек тағойидан Камронга таржима ва Ҳиндқа келгали айтқон

<sup>7</sup>. Бобурнома.-Т.: 1960, 418-б. (Отажонов Н. «Бобурнома» жаҳон кезади, 14-б.).

<sup>8</sup>. Валихўжаев Б. Бобур ва тожик адабиёти.-Т.: «Адабий мерос» тўплами, 1977, 88-б.; Отажонов Н. «Бобурнома» жаҳон кезади, 14-бет; Ҳазрати Хожа Убайдулло Аҳрор. Рисолаи «Волидия» (Сидикбек Ҳасан. Сўзбоши).-Т.: «Ёзувчи», 1991, 2-б.



ашъор ва “Бобурий хати” била битилган сархатлар йиборилди...<sup>9</sup>”

Лекин Бобур ўз алифбосини тор доирада, ўзига яқин кишилар орасида маълум қилди, мамлакат миқёсида эса татбиқ этишига журъат қила олмади. Чунки ислом муҳитида фақат араб алифбосинигина муқаддас “Қуръон” ёзуви сифатида қўллаш тавсия этилган ва бошқа ёзувлар гайри диний деб қаралган. Шу боис Бобур ҳукмдор, давлат бошлиғи бўлишига қарамай, замона мурасасозлигига қараб, ёзув соҳасидаги ўз ҳукмини мамлакат миқёсида ижро этишига ботина олмаган.

Бироқ темурийларнинг она тили ва унинг алифбоси борасидаги ҳар қандай мўътабар ишлари ўз миллий маънавий қадриятларини улуглашидан ва янада тараққий этишига имконият ярата борганликларидан далолат беради. Гарчи ўтмишида “Хатти Бобурий” номи билан аталиб қолган алифбо мамлакат ҳаётида жорий этилмай қолган бўлса-да, тарихда бу каби интилишлар ислом ҳукмронлиги даврида зўр журъат бўлиб, туркий-ўзбек ёзувининг янада такомиллашуви сари бир қадам олға бориш ҳисобланади...

**Муҳаммад Бобур маишхур тарихнавис олим.** Унинг ижодини жаҳонга танитган ва маишхур этган энг йирик бадиий-тарихий асари, шубҳасиз, **“Бобурнома”дир.** Бу китоб XV-XVI аср эски ўзбек адабий тилининг мумтоз намунаси, ўзбек насрининг нодир обидасидир. Унда ўша давр **Ўрта Осиё ва Ҳиндистон тарихи, географияси, этнографияси, тиббиёт, халқ табобати ва бошқа соҳалар ҳақида жуда муҳим маълумотлар берилади Хусусан, унда уруғ-қабилла, элат-халқлар ва уларга хос урф-одатлар ҳақида қизиқарли ва муҳим этнопонимик, этнографик маълумотларни ҳам баён этади.**

Бобур, аввало, «Бобурнома» асари билан жаҳоннинг маишхур тарихнавис олимлари қаторидан жой олди. Асар асосан уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми – XV асрнинг иккинчи

ярмида Марказий Осиёда рўй берган воқеалар; иккинчи қисми – XV асрнинг охири ва – XVI асрнинг биринчи ярмида Қобул улуси, яъни Афғонистонда рўй берган воқеалар; учинчи қисми – XVI асрнинг биринчи чорагидаги Шимолий Ҳиндистон халқлари тарихига бағишланган. Шунинг билан бирга асарда ўз юрти Фарғона, унинг пойтахти Андижон шаҳри, Марказий Осиёнинг йирик марказлари: Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Ўш, Урганч, Ўратена, Термиз ва бошқа шаҳарлар ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган.

Асар қайд этилган даврларни акс эттирган тарихий манбалардан афзаллиги шундаки, унда фактик материалларнинг кўплиги, аниқ ва реаллиги, мукамаллиги, тарихий воқеаларнинг, асосан, обектив, безараз ва ростгўйлик билан баён этилиши, хронологик изчиллик, ҳар бир воқеа ифодасининг соддалиги ва раволиги диққатга моликдир.

“Бобурнома” асарида муаллифнинг ўзи ҳам тасвирнинг реаллиги асосий мезон ҳисобланганлигини таъкидлайди: “Чун бу тарихда андоқ интизом қилибтурким, ҳар сўзнинг ростини битилгай ва ишининг баёни воқеъини таҳрир этилгай”. Бу ҳақда ҳинд олимлари **Н.К. Синх ва А.У. Банержилар** ҳам қуйидаги фикрларни айтганлар: **“Унинг услуби содда ва жазмкор, шу билан бирга жонли ва ширали... Бобур ватандошлари ва замондошлари таржимаи ҳолини, маънавий қиёфасини, урф-одатини, орзу-истакларини ҳамда ишларини худди кўзгу каби акс эттиради. Бу хусусиятда “Бобурнома” Осиёда ҳақиқий тарихий тасвирнинг яқкаю ягона намунасидир.**<sup>10</sup>

Ана шундай афзалликлари билан “Бобурнома” асари узоқ замонлардан бери олимларнинг, хусусан, тарихчиларнинг диққат-эътиборини жалб этиб, **XV – XVI асрлар тарихий муҳитини ўрганишида муҳим манба сифатида юксак баҳоланиб келинмоқда. Ушбу асар барча қитъа**

<sup>9</sup>. Отажонов Н. “Бобурнома” жаҳон кезади, 15-бет.

<sup>10</sup>. Отажонов Н. “Бобурнома жаҳон кезади, 10-б. (Синх Н.К., Банержи А.У. Ҳиндистон тарихи. - М.: 1954, 214-б).





олимларининг диққатини ўзига торган. Бунинг боиси нимада? деган савол тугилади. Бу саволга 1899 йили “Бобурнома”ни инглиз тилида чоп эттирган шарқшунос олим **Лейн Пул (Лен Пуль) куйидагича** жавоб беради: “Бобур жангчи бўлишига қарамасдан, нозик адабий завққа эга бўлган ва турмушни танқидий идрок этган киши эди. У маданий тил ҳисобланган форсийда ва она тилиси ҳисобланган туркий-ўзбек тилида асарлар ёзган ўқимишли шоир эди. ...хоҳ прозада бўлсин хоҳ поэзияда бўлсин, соф ва содда услубнинг устаси эди. ...унинг мемуарлари бир аскарнинг ҳарбий юриш ва чекинишлари ҳақидаги оддий кундалик дафтар эмас; уларда шарқ адабиётини жуда яхши билган, нозик ва билимдон кузатувчи, одамларни тез ўрганувчи, улар ҳақида дадил ҳукм юритувчи бўлган бир кишининг ва табиат муҳибининг дунё ҳақидаги шахсий таассуротлари нозик фикрлари берилган. Унинг ўз портретини чизишдаги самимийлик, фазилат ва камчиликларини ҳам тасвирлаши, ҳақиқатгўйлиги, очик кўнгиллиги ҳамда ажойиб ҳазилкашлик туйғуси гўзал мемуарларининг эътиборини янада оширади”<sup>11</sup>.

Умуман, “Бобурнома” асари “Осиёда яккаю ягона, чинакам-ҳақиқий тарихий тасвир намунаси” сифатида баҳоланиб, унинг муаллифи Заҳриддин Муҳаммад Бобурга жаҳоний шухрат келтирган ва ўзи асос солган буюк бобурийлар сулоласини дунёга танитди. Қайд этилганидек, ушбу қомусий асарда кўп соҳалар ўзининг ҳақиқий тасвирига эга. Тўғри, “Бобурнома”нинг асосий тасвир объекти тарихий воқеалардир. Бироқ Бобур тарихий воқеаларни қуруқ санаб ўтиш ёки улар ҳақида фақат маълумот бериш билан чекланмайди, балки ўтмиш воқеаларнинг манзарасини, унда иштирок этган тарихий шахсларнинг сиймосини, характери ва табиат лавҳаларини мароқли, жозибали сўзлар

орқали рассомдек бадиий тарзда тасвирлаб беради.

Ҳақиқатан ҳам Бобур тарихий вақеалар ва уларнинг иштирокчилари ҳақида сўзлар экан, кўпинча, аввал, содир бўлган воқеанинг ўрни ҳақида батафсил маълумот беради, воқеада иштирок этган шахсларнинг сўз билан “суратини чизади”, сўнг асосий воқеани баён этади. Баъзан йўл-йўлакай жой манзарасини тасвирлайди. Шу асосда қайд этилган даврларда Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон каби ўлкалардаги ўнлаб қишлоқ ва шаҳарларнинг типографик-географик манзараси, об-ҳавоси, табиат-ўсимлик дунёсини сўз орқали моҳирлик билан чизадики, булар китобхонда моҳир бир рассом ишлаган рангдор ва гўзал пейзаж-тасвир суратидек таассурот қолдиради. Айниқса, тарихий шахслар ҳақида сўз юритилганда муаллиф уларнинг шакл-шамойили, насл-насаби, маънавий қиёфаси, маданий савияси, кишиларга муносабати, ўзига хос хислатлари, хулқ-атвори каби хусусиятларини, асил портрети (сиймоси)ни суратдек китобхон кўз ўнгида гавдалантиради. Шунинг учун ҳам инглиз тарихчиси **М.Элфинстон** “Бобурнома”ни ўқиётганимизда: “Биз асарда тасвирланган шахслар (образлар) орасида яшагандек бўламиз ва уларнинг характерларини билиб олганимиздек, гўё афт-башараларини ҳам кўра оламиз...” “Бу хотираларда (“Бобурнома”да-У.С.) буюк туркий подшонинг ҳаёти батафсил тасвирланган, унинг шахсий ҳис-туйғулари ҳар қандай муболаға ва пардалашдан холи. Шу жиҳатдан бу асар Осиёда ягона, чинакам тарихий тасвир намунасидир”, деган фикрни айтган<sup>12</sup>.

**Жаваҳарлаъл Неру** “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” асарида Бобур ва унинг набираси Акбар ҳақида куйидаги фикрларни айтган: “Бобур дилбар шахс, уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор инсон бўлган. У санъатни ва адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди. Унинг набираси Акбар яна

<sup>11</sup> . Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи, 673-674-бб. Отажонов Н. “Бобурнома жаҳон кезади, 10-б., (Лейн Пуул Бобур. Оксфорд. 1809, 9-б).

<sup>12</sup> . Холиқов А. Бобурга жаҳоний шухрат келтирган асар.// “Samarqand” газетаси, 2014, 16 январ.



ҳам дилбарроқ бўлиб, кўп яхши фазилатларга эга бўлган. Саркарда сифатида Бобур Ҳиндистоннинг кенг худудларини ўзига бўйсундирган, лекин у бу ютуқларидан ҳам каттароқ ғалабани кўлга киритишни, яъни халқнинг ақл-идрокини забт қилишни, қалбидан ўрин олишни ўйларди. Унинг саройида ҳар хил диний эътиқоддаги, янги фикр-мулоҳазаларни изҳор қиладиган ёки янгиликлар кашф қилган инсонларни кўриш мумкин эди. Ҳатто, у барчанинг диний эътиқодларини бир-бирига яқинлаштириш йўлини ҳам ўйлаган. Ҳиндистондаги ҳинду ва мусулмонларнинг бир-бирига бўлган маданий таъсирлари ҳам унинг даврида бирмунча олдинга силжиган. Акбарнинг ўзи, сўзсиз ҳиндулар орасида қанчалик машҳур бўлса, мусулмонлар ўртасида ҳам шунчалик буюк бўлган”<sup>13</sup>.

Можор (венгер)шарқшуноси **Херман Вамбери** Бобурнинг истеъдодига баҳо бериб, қуйидагича фикрларни ёзади: “Буюк бобоси (Амир Темур)нинг тахтини даъво қилаётган Бобур Мирзо ўша вақтда ёш йигит бўлиб, шахзодаларнинг энг ақллиларидан эди. Уни ҳақли равишда шарку ғарбнинг энг шарафли шахзодаларидан бири деса арзийди. Ўша замон шарқшуносларининг хотираларида у Шарқ қайсари (Цезарь) деб зикр этилади. У ўзининг ўткир назари билан Мовароуннаҳрда Темур авлоди ҳокимиятининг инқирози вақти яқинлашганини биринчи бўлиб кашф этди. Буни тўхтатиш учун илк бор қаршилик кўрсатди. Лекин келажакда бошига тушадиган ташвишлар сабабли толеи кулиб боқмади”<sup>14</sup>. Шунингдек, “Ўзининг “Бобурнома” эсдаликларида ёзган нарсалари билан у бизнинг кўз олдимизда хайрон қоладиган даражада ҳам шоир, ҳам сиёсий арбоб, файласуф сифатида гавдаланади”<sup>15</sup>.

<sup>13</sup> Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи, 1-китоб. -Т.:“Ўқитувчи”, 1965, 645-б

<sup>14</sup> Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи, 70-б.

<sup>15</sup> Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи, 72-б.

Таниқли олим **Н. Маллаев** ҳам Бобур шахсиятини худди шундай таърифлайди: “Бобур Мирзо моҳир лашкарбоши, довурак баҳодир эди. У ёшлигидан жуда кўп жанг-жадалларни ўз бошидан кечирди. Қанчадан-қанча ҳарбий юришлар, урушларга бевосита ўзи бошқош бўлди. Уларнинг бирида ғалаба нашидасини сурган бўлса, баъзисида мағлубият аламини чекди. Натижада, катта ҳарбий тажрибага эга бўлди. Шу боис вазиятни тез пайқаб олувчи, ҳарбий стратегик режаларни моҳирлик билан амалга оширувчи, рақибининг заиф томонларини сезгирлик билан аниқлаб олувчи, ғалабадан мағрурланиб эсанкирамаганидек, мушкул ҳолларда ўзини йўқотмайдиган саркарда бўлиб етишди. У хавф-хатарни писанд қилмаган, жангнинг оғир дамларида, мураккаб шароитларида кўпинча қўшиннинг олдинги сафида борган, ўзи намуна кўрсатиб, аскарларга далда берган, бирга машаққат чекиб, ғалабани таъминлаган”<sup>16</sup>. У бобокалони Амир Темурдек буюк саркарда бўлган, афсуски, ўз ватанида, Вамбери айтганидек, толеи кулиб боқмаган.

“Бобурнома”ни инглиз тилига таржима қилган **Вильям Эрскин**, унинг муаллифига хос характери қуйидагича таърифлайди: “Бобур характерининг мислсиз белгиси унинг бошқа мулкдорларникига ўхшамаслигидир. Осиё ижодларидаги дабаба, сунъий характер ўрнига бизнинг кўз олдимизда Бобурнинг характери табиий, ҳаётий, севувчи, самимий гавдаланади. Бобур тахтда ўтиришига қарамай, оддий турмушнинг энг яхши туйғуларини ва иштиёқини ўзида сақлаб қолди. Осиё ҳукмдорлари орасида Бобур сингари гениал ва истеъдодли кишилар камдан-кам учрайди. Унинг фаол ақлий қобилияти... ва бевафо тақдирнинг найрангларига қарамай, руҳининг тетиклиги... саховатлиги, мардлиги, талантлиги, фанга, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан кишини лол қолдиради.

<sup>16</sup> Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи, 1-китоб, 672-б.



Осиёдаги подшолар ичида Бобурга тенг келадиган биронта ҳам подшоҳ тополмаймиз”.

Хуллас, Бобур Мирзонинг қайд этилган шахсий хусусиятлари, унинг фаолияти ва ижоди ҳақида тарихий манбаларда жуда кўп ижобий фикрлар айтилган. Юқорида келтирилган маълумотлардан сезиладики, *Заҳириддин*

*Муҳаммад Бобур истеъдодли адиб ва шоир сифатидагина эмас, балки моҳир тилишунос, санъатшунос, руҳшунос, тарихчи, этнограф, ўлкашунос-географ, табиатшунос сифатида ҳам кўринади. Бобурни бу соҳаларда етук билимдон, буюк тадқиқотчи олим деб қараиш мумкин бўлади...*

### Адабиётлар

1. Темур тузуклари. –Т.: “Ғафур Ғулом”, 1991, 108-б.
2. Холиқов А. Бобурга жаҳоний шуҳрат келтирган асар “Samarqand” газетаси, 2014, 16 январ.
3. Отажонов Н. Бобурнома жаҳон кезади.-Т.: “Ғафур Ғулом”, 1984 .
4. Шайхзода М. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. // “Гулистон” жур.,1940, № 1, 28-б
5. Бобурнома.-Т.: 1960, 418-бет.
6. Валихўжаев Б. Бобур ва тожик адабиёти.- Адабий мерос тўплами, Т.: 1977, 88-
7. Ҳазрати Хожа Убайдулло Аҳрор. Рисолаи “Волидия” (Сидиқбек Ҳасан Сўзбошчиси).-Т: “Ёзувчи”,1991, 2-бет.

*Санакулов У. Личность и творческая деятельность великого писателя Захириддина Мухаммада Бобура. В этой статье творчество Захириддина Мухаммад Бобура великого талантливого поэта, писателя, историка и переводчика освящено на основе источников. Также, показана мнения иностранных ученых по этому поводу и оценки, данные личности и творчеству Бобура.*

*Sanakulov U. The personality and creative activity of the great writer Zakhiriddin Muhammad Bobur. In this article the activity of Zahiriddin Muhammad Babur is described as a great talented poet, writer, historicia and translator according to the sources. As well, the opinions of foreign scientists and their marks are given to the personality and activity of Babur.*





## ТАРЖИМА ЖАРАЁНИНИ ЎРГАНИШДА ТАРЖИМА МОДЕЛЛАРИНИНГ ЯРАТИЛИШИ ТАРЖИМАШУНОСЛИКНИНГ ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ СИФАТИДА

*Турдиева Нилуфар,*

*СамДЧТИ ф.ф.н., катта ўқитувчи*

*Калит сўзлар. Модель, тил модели, таржима модели, ситуатив модель, трансформацион модель, семантик модель, вазиятли-денотатив модель, трансформация, реал воқелик, вазият.*

Таржима жараёнини моделлаштиришнинг назарий асосини модель феноменидан излаб кўриш лозим. “Модель (фр. *modèle* атамаси лот. *Modus* – нусха, намуна) маълум бир объект ёки объектлар тизимининг шартли изоҳи, шаклидир (тасвир, чизма, таъриф, баён). Объектлар ва объектлар ҳақидаги инсон билимларининг муносабатларини баён этиш учун хизмат қилади”.

Моделлаштириш гносеологик тушунча бўлиб, идрок жараёнининг муҳим йўлларида биридир. Моделлаштирилаётган тизимнинг мураккаблиги натитижасида изоҳланаётган жиҳатларнинг тушунтирилиши қийинчиликни туғдиради. Тилшуносликда моделлаштириш интерпретация атамаси билан талқин қилиниб, изоҳланаётган объектнинг муносабатлари ва алоқаларини очиб беришга йўналтирилгандир.

Лингвистик моделлаштириш биринчи марта 1944 йилда З.Харрис томонидан қўлланилган, кейинчалик В.Ингве “тил модели” тушунчасини тилшуносликка олиб кирди; замонавий талқинда “тил модели” тушунчаси Н. Хомский ва Ч.Хоккетнинг тадқиқотларида қўлланилган бўлиб расмий тизим тушунчасини билдиради. Бундан ташқари моделлаштиришни А.Ф.Лосев, И.И.Ревзина, И.А. Мельчук, А.А.Леонтьев, Ю.Д.Апресян, А.А. Залевская каби олимларнинг тадқиқотларида учратамиз.

“Лингвистик энциклопедик луғат” куйидаги таърифни келтиради – модель чизмасини яратиш – нафақат лисоний воқеа ва ходисаларнинг акси, балки тил ҳақидаги ҳақиқий билимларнинг объектив амалий даражасидир. Тил назарияси ривожланишининг ҳозирги босқичида

модель таҳлил қилинаётган объектларнинг назарий идрок қилинишининг юқори босқичи ҳисобланади. Кейинги босқич мавжуд моделларнинг ўзгартириш учун ишлаб чиқилган системалар бўлиши мумкин.

Лингвистик модель мақсади нафақат тизим ва жараёнларни тушунтиришдан иборат, балки, асосий урғу аниқлаштирилган қонуниятлар асосида янги маълумотларни рўёбга чиқаришдир. Ҳозирги даврда инсоннинг когнитив фаолияти билан узвий боғланган тил жараёнларининг ўрганилиши жадаллашиб кетмоқда, шу боис тил моделлари билан бир қаторда когнитив-лисоний ва когнитив моделлар ҳам шаклланиб келмоқда. Таржима жараёни моделларини когнитив-лисоний моделлар тоифасига киритишимиз мумкин, чунки ушбу моделлар ўз ичига таржимавий жараёнларни ҳам қамраб олади.

Моделлаштиришда бошланғич ҳолат сифатида таржимавий макон ҳақидаги тушунча хизмат қилади – яъни, таржимавий макон оригинал матн атрофида шаклланади ва кейинчалик таржима қилинаётган тилга маъновий кўчирилади. Таржимавий маконни мувозанатлаштирилган механизм, бир маданият матнини иккинчи маданият матнига мазмун жиҳатидан ўтказиладиган синхронлаштирилган тизим каби тасаввур қилиб, ушбу жараёнда таржимавий қонуниятлар ўз аксини топишини тушунамиз. Таҳлил қилинаётган тилларнинг ўзаро муносабати аниқ бир матн асосида талқин қилинади ва ўзида таржима тизимини акс эттиради.

Асосий эътиборни таржима жараёнини ўрганишда яратилган назарий



нуктаи назардан моделлаштиришнинг принциплари, характеристикаси ва ёндашувларига қаратиш лозим. Ҳозирги даврда, таржима назариясида таржима моделлари турлари тадқиқотлари ҳали охирига етишмаган, шу боис ушбу феноменнинг ўганилиши кўп омилларга боғлиқлиги муҳимдир, ва ушбу омилларнинг турли-туманлигига таяниб таржиманинг тадқиқотчилар томонидан янгидан-янги моделлари яратилмоқда.

Ушбу мақоламиз доирасида эътиборимизни ўзига таржима жараёни механизмини моделлаштириш ва бу муаммо таржима назариясида қай даражада ўз ечимини топгани тортди. Эътиборимиз марказида таржима назарияси ва амалиётида моделнинг асосий концептуал компонент сифатидаги аспекти бўлади.

Таржимани моделлаштиришнинг қамровли асосини В.Н.Комиссаров тақиқотларида учратамиз. В.Н.Комиссаров таржима жараёнларини моделлаштиришнинг муҳимлигига урғу бериб, бу йўналиш келгусида ушбу моделларнинг илмий тадқиқи янги методологияларга асос бўлишини таъкидлайди.


В.Н.Комиссаров таржима модели тушунчасини қуйидагича изоҳлайди: “Таржима модели – таржима жараёнининг шартли тасвири бўлиб, тилшунослик ва психологиянинг умумий фаразларини таржимага синдириш ҳаракатига асослангандир. Модель гипотетик характерга эгадир, яъни, бизга маълумки, таржимон онгида юз бераётган жараённи кузатиш имкониятига эга эмасмиз ва таржимон айнан таржиманинг у ёки бу модели таржима жараёнини тасвирлаганидек юз беради деган ишонч йўқ”.

Ҳар қандай таржима моделининг ҳаққонийлиги оригинал ва таржима матнларининг қиёсий таҳлили орқали текширилади. В.Н.Комиссаров таржима моделларининг асосий турларига қисқа изоҳ беради: ситуатив, трансформацион, семантик.

Таржиманинг ситуатив модели ҳар қандай вазият ҳар қандай тил воситалари билан тасвирланади деган тушунчага асосланади. Олимнинг таъкидлашича, ситуатив модель асосини қиёсланаётган тиллар синтактик структуралари ўртасидаги ўхшашлик ташкил қилади: турли тилларнинг ядровий структуралари ясама структуралардан кўра кўпроқ ўхшашликни ҳосил қилади. Бинобарин, таржима вариантини танлаш жараёнида ядровий ва ясама структураларнинг трансформациялари муҳим роль ўйнайди, таржима жараёни эса трансформациялар кетма-кетлиги сифатида талқин қилинади.

Таржиманинг семантик модели асосини оригинал матн релевант семаларининг сақланиши ва идентификацияси ташкил қилиб, умумий семаларнинг сони оригинал ва таржима матнларининг эквивалентлиги даражасини белгилайди. Шу боис, замонавий таржимашуносликда В.Н.Комиссаров таржима моделларининг уч турини ажратиб кўрсатади. Ҳар бир модель ўзининг график тасвирига эга бўлиб, таржима жараёни кечишини акс эттиради.

Юқоридаги таржима моделига оид барча маълумотлар рус таржимашуносларининг фикрлари таҳлили асосида олиб борилган бўлиб, мақоламизда Европа таржимашунос олимларининг ҳам қарашларига суянишни мақсад қилиб қўйдик. Европа таржимашунослиги таржиманинг кўплаб моделларини таклиф қилади, улар қаторида етакчи ўринни Д.Жилнинг модели эгаллайди. Д.Жилнинг таржима модели қуйидаги кўринишга эга:




Д. Жилнинг таржима моделига изоҳлар:

- 1 – лисоний ва экстралисоний билимлар асоси;
- 2 – маълумотлар ва атамалар бўйича излаш;
- 3 – матн мазмуни ҳақида гипотеза;
- 4 – ҳаққонийликни аниқлаш бўйича тест;
- 5 – матнни тузиш;
- 6 – мувофиқлик, ҳаққонийлик, аниқликни аниқлаш бўйича тест;
- 7 - ҳаққонийлик, аниқликни аниқлаш бўйича тест;
- 8 – мувофиқликни аниқлаш бўйича тест.

Таржима назариясида яратилаётган замонавий моделлар аниқ таржима жараёни циклининг визуализациясига асосланмоқдалар. У.Кауцнинг илмий

тадқиқот ишида келтирилган С.Норднинг таржима модели барчага маълумдир. Бу модель қуйидаги схематик кўринишга эга:



С.Норднинг таржима моделига изоҳлар:

- 1 – оригинал матн вазияти;
- 2 – оригинал матн;
- 3 – оригинал матн таҳлили
- 4 – оригинал матн таржимаси учун муҳим бўлган элементлар;
- 5 – қайта яратиш;
- 6 – таржима матни синтези;
- 7 – таржима матни;
- 8 – таржима матни вазияти;
- 9 – таржима матни таҳлили;

Юқорида кўриб чиққан таржиманинг икки модели Европа олимлари ва таржимашунослари орасида жуда машҳур бўлиб, аксари таржимашунослар ушбу икки моделни тадқиқотларининг асоси сифатида оладилар.

Юқорида келтирилган таржима моделларидан ташқари таржима назариясида таржиманинг вазиятли-денотатив модели ҳам етук мутахассислар томонидан илгари сурилади.

Таржиманинг вазиятли-денотатив модели барча тил белгиларининг мазмуни предмет, воқеа, муносабатларда кўринишини назарда тутди. Тил белгиларида ўз аксини топган реал воқелик предметлари денотат деб аталади. Реал воқеликдаги вазият бу барча денотатлар ўртасидаги муносабатлардир.

Шу боис, нутқнинг ташкилий қисмлари ўзида реал воқеликдаги маълум бир вазиятни мужассам этади.

Шу билан бир қаторда таъкидлаш лозимки, вазиятли-денотатив модель таркибида ётувчи ҳар қандай тушунча тил воситалари орқали баён этилиши мумкин, бу ўз навбатида шахснинг қайси тилда гаплашишига қарамасдан бизни ўраб турган борлиқнинг муштараклигини англатади. Бир хил воқеа-ҳодисалар турли тилларда турлича ифодаланишига қарамасдан, улар ҳаётда бир хил таъсир кучига эгадирлар.

Шу сабабдан, таржиманинг ушбу модели таржима жараёнини қуйидагича тасвирлайди. Оригинал матнни қабул қилиш босқичида таржимон, барча тил воситалари ва уларнинг ўзаро



муносабатлари таҳлилини олиб бориш билан бир қаторда ушбу тил воситалари қайси денотатларни билдиришини ва ушбу денотатларнинг умумлашмаси реал воқеликдаги қайси вазиятни акс эттиришини англаиб боради.

Таржимон онгида оригинал матнда тасвирланаётган вазият ҳақида тушунча ҳосил бўлганидан сўнг (реал воқеликни маълум бир кесимини тасвирловчи ўзига хос расм), у ушбу тасаввурни ўзга тил воситалари орқали баён этади.

Ушбу модель асосчилари И.И.Ревзин ва В.Ю. Ройзенцвейг таржима жараёнини қуйидагича тасвирлайдилар. Маълумотни жўнатувчи А, маълумотни қабул қилувчи Б ва таржимон Т. А, оригинал матн тилидан фойдаланган ҳолда Д реал воқеликдаги маълумотни С1 юборади. Таржимон оригинал матн тилидан фойдаланган ҳолда С1 ва Д1 орасида мутаносибликни ўрнатади, сўнг таржима қилинувчи тил воситалари ёрдамида худди шу вазиятни тасвирловчи С2 маълумотини яратади. С2 маълумоти маълумотни қабул қилувчи Б томонидан қабул қилинади. Ўз навбатида Б таржима тили воситалари ёрдамида С2 ва реал воқелик ўртасидаги мутаносибликни яратади.

Бошқача қилиб айтганда, маълум бир кетма-кетликда берилган маълумотни қабул қилади ва ушбу кетма-кетликдан ўтиб вазиятни англайди, сўнг маълумотдан тўлиқ мавҳумлашиб (яъни чекиниб), фақатгина унга етказиб берилган вазиятдан келиб чиққан ҳолда маълумотни қабул қилувчи шахсга етказиб беради.

Ушбу модель, тасвирланаётган вазият таянч ролини бажариб, таржима жараёни қандай воситалар билан берилишига қарамасдан муҳим характерга эга бўлган вазиятларда кенг қўлланилади ва таржима жараёнини адекват

тасвирлайди. Оригинал матнда тасвирланган вазиятни англаш орқали таржимон таржима тилида мавжуд бўлган фақатгина шу вазият учун қўлланилиши лозим бўлган таржима усулини танлайди (Fragile – “Эҳтиёт бўлинг, ойна”, instant coffee – “эрийдиган кофе”), ёки бир неча вариантлар ичида кенг тарқалган, умумқабул қилинган вариант мавжуд бўлса (Keep off the grass – “Газон устида юрманг”). Албатта таржиманинг ягона мақсади оригинал матнда тўлиқ ёки баъзи сабабларга кўра тўлиқ баён этилган вазиятни аниқ тасвирлаб беришдан иборат. Ушбу вазиятда таржимон ўз таржимасига масалани тўғри англаган ҳолда у ёки бу ўзгаришлар ёки қўшимчалар киритади ва шу йўл билан тўлиқ адекват таржимага эришади.

Шу ўринда И.И.Ревзин ва В.Ю. Ройзенцвейгларнинг фикрлари ҳам қизиқ, ҳам шубҳали кўринади. Уларнинг фикрига кўра реал воқеликка билвосита мурожаат қилмаган ҳолда бир тилдаги маълумотни иккинчи бир тил воситалари орқали қайта яратиш аслида таржимадир ва ушбу ҳолат таржиманинг барча турларига хос бўлиб, синхрон таржимонлар фаолиятида яққол кўзга ташланади. Бир матнни бир тилдан иккинчи тилга ўгириш жараёнида реал воқеликка мурожаат аксар ҳолларда бадиий адабиёт таржимасида сезилади. Шу ўринда юқоридаги фикрни такрорлаган ҳолда таъкидлаш жоизки, ҳар қандай таржима жараёни қабул қилиш, таҳлил қилиш, оригинал матн мазмунини англаш босқичларини қамраб олади. Оригинал матн мазмунини англаш бу реал воқеликни, унинг ортида турган тил воситаларини идрок этишдир. Туб моҳияти тушуниб етилмаган матн таржима объекти бўлиб хизмат қила олмайди.

#### Адабиётлар

1. Комиссаров В.Н. Общая теория перевода: Учебное пособие. – М.: ЧеРо; Юрайт, 2000. – 136 с.
2. Комиссаров В.Н. Лингвистика перевода. – М.: Международные отношения, 1980. – 166 с.
3. Ревзин И.И., Розенцвейг В.Ю. Основы общего и машинного перевода. - М.: Высшая школа, 1964.-244 с.
4. Хомский Н. Язык и мышление.- М.: МГУ, 1972. – 122 с.





5. Gile D. Fidélité et littéralité dans la traduction: un modèle // Meta. – 1988. – 37/1. Pp.

*Турдиева Н. Процесс создания моделей перевода как метод исследования в переводоведении. В данной статье рассматривается проблема моделирования процесса перевода которая выдвигается ведущими специалистами в области современного переводоведения.*

*Turdiyeva N. The process of creating models of translation as a research method in translatology. This article deals with actual problems in modern theory of translation such as modelling of the process of translation which is advanced by leading specialists of translatology.*

---

---



## GENDER RELATED TERMS THROUGH COGNITIVE SEMANTICS LENS: FRAME ANALYSIS.

*Ergasheva Guli Ismoil qizi,*

*Doctoral student of Uzbekistan state university of world languages*

**Key words:** *gender discourse, language and gender, applied linguistics, socio-cognitive terminology, cognitive categories, frame analysis, the term discrimination.*

The conception I deal with expresses how language functions for me as a linguist, explores the power of words, words which can do more than just stand for things, words affecting our understanding the world, words which can make us “move” forward, reveal a language power in enhancing the social-cultural life of society. Since, we attempt to explore some of the consequences of bringing the *power of words to move* to the discipline of Gender discourse<sup>17</sup>.

Modern researches dealing with the topic “language and gender” work from the premise that we should not take the language of gender for granted. Since the very topic in the form of linguistic forms in the special language has intricate, interesting, and sometimes debatable histories to study, as “Debates about language are really about issues of race, gender, class, or culture” [6,5].

In recent decades the interconnection between gender issues and applied linguistics has become one of the most researched subjects among scholars. The very interconnection, in particular in the aspect of terminology and translation, is the main concern of the present study.

The following work challenges the principles of traditional Terminology testing the perspective relevance of some of the insights and methodologies of cognitive semantics for descriptive Terminology. Since a very pressing issue on the agenda of the Uzbek linguistics is the introduction of new approaches towards terminology studies.

We claim that modern national researches in the scope of terminology, dealing with the vocabulary of specialized

subjects, are cut from the natural functionality of language; the study how social gender discourse terminology, in international and national contexts and language in general, is determined by the conscious and unconscious way we categorize and conceptualize the world.

Thus, traditional Terminology has been integrated into a totally different space in the 1990s; the approach from communicative [1], and sociocognitive terminology [7] viewpoint.

Scientific terminology as it occurs in gender discourse is not given any attention from a perspective of ‘understanding’, since terminology is condemned to be studied as a meta-language only, almost on a par with nomenclature.

The present study is made on the main thesis of Lakoff “that we organize our knowledge by means of structures called *idealized cognitive models*, or ICMs, and that category structures and prototype effects are the by-products of that organization” [4]. Each ICM is a complex structured whole which uses four kinds of structuring principles: propositional structures (as in Fillmore’s frames), image schematic structures (as in Langacker’s cognitive grammar, 1987), metaphoric and metonymic mappings (as described by Lakoff and Johnson, 1980).

Aiming at making categories understood by frame analysis method we will consider how categories get defined in human rights texts, hence to understand a category is part of understanding the frames or idealized cognitive models of the category inherent to different cultures.

It is worth noting that that the ICMs of the category “discrimination” have been studied within the scope of the article published in the

<sup>17</sup> The scope of our research covers the interpretation of *gender* as the social cultural construction of both sexes.



*East Journal of Translation. CIUTI (China)* [3]. The process of compiling a glossary of Gender terms urged us to deal with human rights texts such as the Convention on the Elimination of All Forms of Discrimination against Women – CEDAW. The term *discrimination* has been analysed as a means to shed light on related concepts, since it is considered to be the basic term around which gender issues at a national and international level are being discussed and introduced. To justify our claim that using a metaphor theory approach (Lakoff and Johnson) gives the translator and terminologist a substantial evidence of the text producer's language and world, which will undoubtedly be a helpful tool in the process of translation of gender terms, the denotative descriptors of the term *discrimination* have been constructed on the basis of data provided by British National Corpora: DISCRIMINATION IS THE ENEMY; DISCRIMINATION IS A THREAT; DISCRIMINATION IS UNDER THE LAW; LAW IS UP, DISCRIMINATION IS DOWN; EQUALITY IS UP, DISCRIMINATION IS DOWN; LAW IS AN ENTITY; DISCRIMINATION ACT IS AN ENTITY; LAW (DISCRIMINATION ACT) IS CONSUMING; LAW IS A POWER, LAW IS A SUBSTANCE, LAW IS A CONTAINER, LAW IS A PERSON (more in the mentioned article).

The support for proposition that the frame structure of knowledge is viable for understanding the category *discrimination* in human rights texts will be studied in the following analysis.

Framing is one of the most well-known cognitive categories. According to M.Minsky, framing is a declarative way of representing knowledge, formulated in terms of descriptions. The essence of M.Minsky's conception, as one of the first scientists who developed the theory of frames, is the following: facing a new situation, a person extracts from his memory a certain model (frame) that, if necessary, changes it according to reality. Thus, frame is understood as the structure of knowledge about a typified object or stereotyped situation [10,155].

Modern cognitive theory claims that categorisation is based on similarity in terms of a holistic gestalt, which can imply perceptual, interactional and functional attributes. Yet, because *frames* provide the possibility of understanding, the gestalt structure of frames is directed towards more detailed extension of the knowledge about particular concept.

V.Krasnih considers frame-structures of knowledge as components of the of native speakers cognition – "a certain structured set of basic-necessary knowledge and minimized ideas of the given national lingua-cultural community" [9,54].

Dealing with terminology from cognitive viewpoint P.Faber notes that "Frames also fall within cognitive linguistic approaches, and are a type of cognitive structuring device based on experience that provide the background knowledge and motivation for the existence of words in a language as well as the way those words are used in discourse < ... > a description of conceptual relations as well as a term's combinatorial potential [5,123]".

It is worth noting that frames are not considered as arbitrarily allocated "pieces" of knowledge. According to Teun Van Dijk, in contrast to a simple set of associations, these units contain the basic, typical and potentially possible information that is associated with a particular concept. ... It is possible that frames are more or less conventional by nature and therefore can define and describe what is typical for a given society [8,35].

On the ground of the above mentioned views a metaphorically constructed hypothesis in terms of the window may be formulated, i.e. "*frames* are rigidly constructed elements of the gestalt *window*", since the unity of separate frames presents an image (knowledge) of the window".

The analysis below demonstrates a schematic representation, i.e. a combinatorial potential (Faber, 2009) of the term *discrimination*; how the language gestalt provides a didactic frame model for *discrimination*.

*General forms* of the category *discrimination*: age, caste, class, color,



disability, genotype, height, language, looks, mental type, race /ethnicity / nationality, rank, religion, sex / gender, sexuality.

*Types of Discrimination:* direct discrimination, indirect discrimination, multiple discrimination harassment, victimization.

*Specific forms* of the category are implied in the social forms, in the forms of manifestations, countermeasures, etc.:

*Social forms:* AIDS stigma, Adulthood, Anti-albinism, Anti-autism, Anti-homelessness, Anti-intellectualism, Anti-left handedness, Genderism, Handicapism, Heteronormativity, Heterosexism, Homophobia, Intersex discrimination, Lesbophobia, Misogyny.

*Manifestations:* Class conflict, Democide, Employment, LGBT hate crime, Gay bashing, Gendercide, Sex-selective abortion, Slavery, Wife selling, White flight, Supremacism.

*Countermeasures:* Anti-discrimination law, Affirmative action, Cultural assimilation, Desegregation, Diversity training, Empowerment, Ethnopluralism, Human rights, Intersex rights, Masculism, Multiculturalism, Racial integration, Self-determination, Social integration, Toleration.

CEDAW formally prohibits *discrimination* on basis of the following frames:

stereotyped roles for men and women (article 5a)

responsibility of men and women in the upbringing the children (5b)

traffic in women and exploitation of prostitution (article 6)

political and public life of the country (article 7)

represent the Governments at the international level (article 8)

nationality (article 9)

education (article 10)

employment (article 11)

health care (article 12)

economic and social life (article 13)

rural women (article 14)

civil matters (article 15)

marriage and family relations (article 16)

To understand how discrimination is conceptualized and categorized in international context, in particular *in the context of the UK*, the frame structure of *discrimination* has been studied in the category *employment (CEDAW article 11)*, in which discrimination was formally prohibited on grounds of:

race (1965)

gender (1975)

disability (1995)

sexual orientation (2003)

religion (2003)

age (2006)

The adoption of the *EQUALITY ACT 2010* in the UK demonstrates that frames have been renewed and multiplied:

Age Discrimination

Disability Discrimination

Race Discrimination

Discrimination by Religion/Beliefs

Marriage/Civil Partnership

Discrimination

Sex Discrimination

Sexual Orientation Discrimination

Gender Reassignment Discrimination

[Pregnancy/Maternity Discrimination](#)

The frame analysis due to “understanding” of the term, from hermeneutic approach, will undoubtedly contribute to any process of inter-linguistic mediation, such as translation. In this sense, cognitive linguistics approaches have the virtue of regarding conceptual structure as a fundamental part of language. As Cliff Goddard and Anna Wierzbicka consider the cognitive linguistics is to be seen as “a movement or a coalition” [2,124], rather than a single approach and the subject we deal with can rightly be seen as one of the research programs within this broad movement or coalition.

The flexibility of frame organised lexical items is to a large extent the result of a mechanism of polysemisation. The category *discrimination* has exploited its polysemic potential several times in the course of its history. This is an issue that will be dealt with in the following studies.



---

---

The list of used of literature

1. Cabre Teresa. Terminology. Theory, methods and applications. Amsterdam: John Benjamins, 1999. Web. 27.04.16.
2. Cliff Goddard, Anna Wierzbicka. Men, women and children: the conceptual semantics of basic social categories // Goddard Cliff C., Wierzbicka Anna A. Words and Meanings: Lexical Semantics Across Domains, Languages, and Cultures. Oxford University Press. 2014. - 352 p.
3. Ergasheva G.I. "Translation and cognitive linguistics: metaphorical models of the concept discrimination". *East Journal of Translation. CIUTI*, - pp.39-48.
4. LAKOFF GEORGE. WOMEN, FIRE AND DANGEROUS THINGS, CHICAGO: UNIVERSITY OF CHICAGO PRESS. 1987. - P.68. WEB. 04.11.10.
5. Pamela Faber Benítez. The cognitive shift in terminology and specialized translation. University of Granada. 2009. <https://www.researchgate.net/> - p.123.
6. Romaine Suzanne. *Sociohistorical Linguistics*. Cambridge: Cambridge University Press. 1982. [www.ejtrans.com](http://www.ejtrans.com)
7. Temmerman Rita. Towards New Ways Of Terminology Description. The sociocognitive-approach. – John Benjamins B.V. 2000.
8. Ван Дейк Т.А. Контекст и познание. Фреймы знаний и понимание речевых актов // Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс, 1989. – С. 12-41.
9. Красных В.В. Строение языкового сознания: фрейм-структуры. Когнитивная семантика. Часть 1. – Тамбов, 2000. – С. 53-55.
10. Минский М. Остроумие и логика когнитивного бессознательного // Новое в зарубежной лингвистике. – Вып. 23. – М.: Прогресс, 1988. – С. 281-308.

**Эргашева Г. Гендерга оид терминлар когнитив семантика нуқтаи назаридан: фрейм таҳлил.** Мақолада жинслар тенглигига комплекс ёндашув дискурсининг асосий тушунчаларидан дискриминация – камситилиши терминининг фрейм таҳлили ўтказилади. Зеро, ушбу таҳлил терминолог ва таржимоннинг гендер тадқиқотларида оид ишлари жараёнида тўғри стратегияни танлашида муҳим аҳамиятга эга.

**Эргашева Г. Гендерные термины сквозь призму когнитивной семантики: фреймовый анализ.** В статье проводится фрейм анализ одного из ключевых терминов дискриминация в рамках дискурса комплексного подхода к проблеме равенства женщин и мужчин. Анализ послужит инструментом для терминолога и переводчика в выборе правильной стратегии в работе с гендерной проблематикой.

---

---





## НУТҚ БИРЛИКЛАРИНИНГ ИЕРАРХИК МУНОСАБАТИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Хайруллаев Хурийд,  
СамДЧТИ доценти

*Таянч сўзлар:* сатҳ, сатҳлараро муносабат, тил бирлиги, нутқ бирлиги, иерархик муносабат, тил, нутқ, парадигматик муносабат, синтагматик муносабат.

Тилшунослик фанининг ҳозирги даврига келиб, тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлаб ўрганишга бўлган ҳаракатлар янги тус олди. Бу бизнингча, матн ва унинг тадқиқи борасидаги янгидан-янги изланишлар билан бевоста алоқадордир. Бунда тил бирликлари ўзаро фарқлангани сингари нутқ бирликлари ҳам фарқланиши лозимлиги устуворлик касб этмоқда. Албатта, матн тилшунослиги фан тараққиётининг бугунги даврида тадқиқотлар марказида экан, унинг қандай бирликлардан таркиб топаётгани, бу бирликларнинг фарқловчи белгилари нималардан иборатлиги баробарида уларнинг ўртасида вужудга келувчи иерархик муносабатлар ҳам кўпчиликни кизиқтириши шубҳасиз. Мазкур масала аслида Ф.де Соссюр томонидан тадқиқотларимиз кун тартибига қўйилган эди. Бироқ Соссюр тил билан нутқни фарқлаб ўрганиш лозимлигини алоҳида таъкидлаган бўлса ҳам, унинг ўзи нутқ муаммолари мукамал талқинини беришга улгурмади. Мазкур масала бобида уни танқид қилувчилар ҳам оз бўлгани йўқ. Лекин олимнинг ҳақ эканлиги бугунги кунда тўлиқ тан олинмоқда. Бунинг далили сифатида ҳозирги тилшунослигимизда матн лингвистикасининг, энг муҳими, нутқ лингвистикасининг тилшунослик фанининг устувор аҳамият касб этувчи йўналиши сифатида фаолият кўрсатаётганини эслатиб ўтиш мумкин. Ҳар қандай янги йўналишда бўлгани каби, нутқ лингвистикасида ҳам ҳали изоҳталаб масалалар мавжуд, албатта. Бундай масалалардан бири ва энг муҳими нутқнинг минимал бирлигини белгилаб олишдан иборатдир.

Баъзи тилшунослар сўзни, аниқроғи, нутқда шаклланадиган сўзни нутқнинг энг кичик бирлиги деб аташмоқда. Фикр далилини В.М.Солнцевнинг қуйидаги мулоҳазаларида кўрамиз: «Менинг фикримга кўра, нутқ жараёнида ташкил топувчи бирликни нутқ бирлиги деб аташ мақсадга мувофиқдир. Шу боис нутқда эркин тарзда шаклланувчи сўзни (масалан, **стосабельный**–юз қиличлик), сўз бирикмасини (*катта уй, яхши китоб, брошюра ўқимоқ*) ва гапни нутқ бирликлари деб аташ маъқул» [Солнцев В.М. 1971:146].

А.И.Смирницкий бу каби ясама сўзларни тилнинг потенциал бирликлари деб атайди ва уларнинг нутқ жараёнида шаклланишини инкор этмайди, янги ясама сўзлар эканлигини ҳам тўлиқ тан олади. Бироқ бундай сўзларнинг ясалиши тилнинг луғат бойлигида мавжуд бўлган тайёр сўзларга асосланиши муҳим аҳамият касб этишини эслатиб ўтади [Смирницкий А.И.1956:17-18]. Агар юкорида келтирилган **стосабельный** қўшма сўзига аҳамият бериладиган бўлса, бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилиш мумкин: **стосабельный** сўзининг таркибий қисмлари – *сто* ва *сабель* сўзлари рус тили луғат бойлигида мавжуддир. Бу ўринда ана шу икки сўзнинг қўшилишидан янги қўшма сўз ясалмоқда, холос.

Бундай нутқий ҳодисалар ҳар қандай тилда ҳам кузатилиши мумкин. Масалан, А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романида Кумуш Отабекка қараб «*Сиз қочқоқсиз*» деганида, Отабек унга «*Сиз қувлоқсиз*» деб жавоб беради. Бунда **қувлоқ** сўзи нутқда шаклланаётгани билан ажралиб турибди. Мазкур сўз луғатларимизда кузатилмайди. Аммо унинг асосини ташкил этаётган **қув**



(кувмок) ўзаги ва **-лоқ** аффикслари тилимиз системасида азалдан мавжуд. Шунинг учун бу сингари сўзларни нутқ бирлиги тарзида талқин этиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ўйлаймиз. Умуман, Ш.Сафаров таъбири билан айтганда: «Сўзнинг нутқ бирлиги бўлиши эҳтимолдан йироқ» [Сафаров Ш. (14) Самарқанд, 2006:4].

Сўз бирикмасини ҳам нутқ бирлиги тарзида талқин этиш анча қийин. Чунки сўз бирикмаси мавҳум характерли бўлиши билан бир қаторда, унинг компонентлари–сўзлар жумла таркибида мустақил вазифа бажаради, энг муҳими эса сўз бирикмаси гап таркибида шаклланади (бундан, турғун сўз бирикмалари истисно). Шундай бўлгач, гап мавжуд эмас экан, сўз бирикмаси ҳам мавжуд бўлолмайди.

Гапнинг ҳам лингвистик мақоми ҳақида тилшуносликда турлича фикрлар мавжуд. Лекин унинг нутқ бирлиги эканлиги, бизнингча, изоҳ талаб қилмайди, зотан, у доим актуал ҳолатдадир, тил бирликларига хос бўлган виртуаллик белгиси унга бегона [Турниёзов Н. 2006:28].

Анъанавий грамматикаларимизда «сода гап» ва «қўшма гап» терминларидан фойдаланиб ва шу асосда гапнинг тузилишига кўра таснифи берилиб келинмоқда. Бироқ мазкур терминларнинг истеъмолда эканлиги баъзи масалаларнинг, хусусан, нутқ бирликларининг иерархик муносабати масаласининг нотўғри талқин этилишига олиб келди.

Гапдан катта нутқ бирлиги – микроматн мақомидаги мураккаб синтактик қурилма (МСҚ) гаплардан ташкил топади. Мураккаб синтактик қурилманинг микроматн эканлигини нисбий тушунмоқ лозим, зотан, микроматн бир графема билан, сўз, сўз бирикмаси ва гап билан ифодаланиши ҳам мумкин. Бироқ уларнинг матн мақоми олиши муайян нутқ муҳитига боғлиқ. Мураккаб синтактик қурилма эса ҳар қандай нутқ муҳитида ҳам микроматн мақомида келади [Турниёзов Н. 2004]. Анализнинг кейинги босқичларида эса унинг бевосита

иштирокчи компонентлари тил бирликлари комбинациясидан иборат эканлиги намоён бўлади. Бу МСҚни синтез қилишда янада яхшироқ кўзга ташланади.

МСҚдан катта нутқ бирлиги абзацдир. Абзац нутқнинг максимал бирлиги бўлиб, унинг қурилиш материали мустақил гаплар ҳамда МСҚлар саналади. Шу боис уни нисбий макроматн тарзида эътироф этиш мумкин ёки Л.Г.Фридман таъбири билан айтганда, у нутқнинг максимал бирлигидир [Фридман Л.Г. 1979]. Қайд этилган фикрлар асосида мазкур масала борасидаги қарашларни гап билан мураккаб синтактик қурилма ўртасидаги иерархик муносабатда, абзац ва унинг сатҳидаги иерархик муносабатда, мураккаб синтактик қурилма ва абзац ўртасидаги иерархик муносабатда ўрганиш, бизнингча, самарали бўлади. Қуйида ана шу масалаларнинг ҳар бири хусусида тўхталишни мақсад қилдик.

Аввало, гап билан мураккаб синтактик қурилма ўртасидаги иерархик муносабат хусусида фикр юритар эканмиз, гап нутқнинг энг фаол бирлиги эканлигини назарда тутмоқ муҳимлигини таъкидлаш жоиздир. У микроматн шаклланишида ҳам, макроматн воқеланишида ҳам катта аҳамият касб этади. Гап тил бирликларининг нутқда қўлланилиши объекти бўлиши билан бирга, уларни янги босқичга олиб киради. Бошқача айтганда, ўзларича коммуникатив функция касб эта олмайдиган тил бирликлари гап сатҳида коммуникатив салмоққа эга бўлади. Тўғри, тилнинг асосий вазифаси алоқа воситаси бўлишдан иборат. Лекин у бунга фақат (гап орқали) нутқда эришади [Мурзин Л.Н. 1967:107].

Албатта, гапнинг коммуникатив вазифа бажариши муайян нутқ (дискурс) муҳитида рўй беради. Шу боис гапнинг реал қўлланиши прагматик воситалар билан боғлиқдир. Бу ҳақда М.Ҳақимов қуйидагиларни таъкидлайди: «...гапдан англашилган мазмун билан субъект муносабати прагматикага дахлдордир. Нутқий акт, индикатив



бўлмаган сўзлар, контекст, нутқий вазият, сўзловчи шахси каби тушунчалар лингвистик прагматиканинг марказий тушунчалари саналади» [Ҳақимов М.Х. 2001:14; Сафаров Ш. 2008].

Гап МСҚ билан иерархик муносабатга киришганда унинг бевосита иштирокчи унсури сифатида фаолият кўрсатади. Фикр далили учун қуйидаги мисолга мурожаат этайлик: *Қўлларидаги машғалларнинг шуъласи деворларнинг тилла суви юритилган нақшларини бир ялаб сўнди, расадхона яна қоронгилашди* (О.Ёқубов.Улуғбек хазинаси).

Берилган МСҚ компонентларининг у билан иерархик муносабатини горизонтал чизик орқали қуйидагича тасаввур этиш мумкин:  $D \leftarrow P_1 \leftarrow P_2$

(Шартли белгилар: D (дискурс-матн),  $P_1$ -матннинг биринчи компоненти (муस्ताқил гап),  $P_2$ -матннинг иккинчи компоненти (муस्ताқил гап),  $\leftarrow$  белгиси поғонали муносабат тартибини кўрсатади).

Кўринадик, муस्ताқил гаплар матн билан тўғридан-тўғри эмас, балки бири иккинчиси воситасида иерархик муносабат ҳосил қилмоқда. Бунда муस्ताқил гапларнинг маъно салмоғи ҳамда синтактик мавқеи муҳим аҳамият касб этади.

Дескриптив тилшуносликнинг бевосита иштирокчилар (БИ) усулидан фойдаланиш нафақат матн билан муस्ताқил гаплар ўртасидаги иерархик муносабатни, балки матн компонентларининг тил бирликлари билан иерархик муносабатини ҳам тасаввур этишимиз учун кенг имконият яратади. Масалан, қуйидаги микроматн (МСҚ) компонентларининг ҳамда мазкур компонентлар мучаларининг иерархик муносабати шаклланишига эътибор берайлик: *Жўрахонга сўз берилганда, ярмидан кўпи хотин-қизлардан иборат бўлган зал бутун фикри-зикрини унга қаратди* (А.Мухтор.Опа-сингиллар).

Берилган матн компонентларининг иерархик муносабатини горизонтал чизикда қуйидагича кўрсатиш мумкин:  $D = P_2 \leftarrow P_1; P_2 = X_{12}; P_1 = X_3$  (Формулада

X унсурига қўйилган рақамлар гап билан иерархик муносабатга киришаётган тил бирликлари (сўзлар)нинг сонини кўрсатмоқда).

Баъзи нутқ муҳотида МСҚ кўп компонентли тарзда қўлланилади. Айни пайтда унинг ҳар бир компоненти МСҚ билан муस्ताқил ҳолда иерархик муносабатга киришади.

А.М.Пешковский «қўшма гап» терминини қўллаш қийинчилик туғдираётганини, зотан, у бир неча гапни битта гап деб атаётганини таъкидлаган эди [Пешковский А.М. 1956:465-470; Турниёзов Б.6-7]. Рус тилшунослигида А.М.Пешковскийнинг мазкур фикрига урғу берилмади, уни четлаб ўтилди.

Ўзбек тилшунослигида қўшма гап назарияси, албатта, рус тилшунослигида шаклланган назарияга таянган ҳолда вужудга келди. Бу ўринда А.Ғуломов, Ғ.Абдурахмонов, М.Асқарова ва бошқа тилшуносларнинг хизматларини эътироф этиш лозим, зотан, қўшма гап назарияси уларнинг сермашаққат илмий изланишлари натижасида шаклланди ва бугунги кунда ҳам илмий истеъмолда ўз кучини йўқотгани йўқ [Абдурахмонов Ғ.А. 1964; Абдурахмонов Ғ.А. 1996; Ғуломов А., Асқарова М. 1987].

Бироқ ҳозирги тилшуносликда матн лингвистикаси, тўғрироғи, нутқ лингвистикаси илмий жиҳатдан асосланган экан, баъзи анъанавий қарашларимизга, хусусан, нутқ лингвистикаси билан боғлиқ бўлган унинг бирликлари масаласига нисбатан бошқачароқ ёндашмоқ зарурати туғилмоқда.


Н.Маҳмудов ва А.Нурмоновлар қўшма гап таснифи масаласи ҳақида мулоҳаза билдирганларида ўзбек тилшунослигида унинг 14 та тури ҳақида (эга эргаш гап, аниқловчи эргаш гап ва х.к.) маълумот бериб келинаётганини таъкидлайдилар ва мазкур тасниф тўлақонли эмаслигини, у эргаш гапларнинг таснифи эканлигини, аммо эргаш гапли қўшма гаплар таснифи бўлмаслигини тўғри эслатиб ўтадилар [Маҳмудов Н., Нурмонов А.1995:172].



Юқоридагиларга тўлиқ қўшилган ҳолда яна шуни қўшимча қилмоқчимизки, қўшма гап тушунчасида, унинг барча турларида ҳам соф грамматик тамойиллар ҳисобга олинмаган. Асосийси қўшма гапларда матн мақоми борлиги назардан четда қолган, зотан, икки ва ундан ортиқ гапнинг ўзаро боғланиши матнни тақозо этади.

Айрим МСҚлар, албатта, иккидан ортиқ гапларнинг ўзаро синтактик алоқага киришишидан ташкил топади. Мазкур ҳолатда МСҚ компонентлари тенг ва тобе боғланишли бўлиши ҳам мумкин: *Мана, бир-икки йил бўлди, олис Ҳиротдан Хоқони Саид аталмиш Шохруҳ Мирзо вафоти тўғрисида маъшум хабар келганидан буён, Мовароуннаҳр ва Хуросон осмонидан қора булутлар аримай қолди* (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси).

Берилган МСҚ уч компонентли бўлиб, уларнинг биринчиси МСҚ билан мустақил ҳолда иерархик муносабат ташкил этмоқда. Иккинчи компонент МСҚ билан учинчисининг ёрдамида боғланмоқда ва шу тарзда иерархик муносабат доирасига кирмоқда. Бундай вазият юзага келишининг сабаби мазкур гапнинг учинчи гапга тобелигидадир. МСҚнинг учинчи компоненти эса у билан тўғридан-тўғри иерархик муносабатга киришмоқда:



Демак, гап билан МСҚ ўртасида воқеланувчи иерархик муносабат нутқнинг қуйи ва ўрта бирликлари реал қўлланишида вужудга келади. Мазкур иерархик муносабат сатҳида нутқий система ичида системани кўрамиз. Аммо бу системалар бир хил мақомга эга эмас ва улар турлича тамойилларга асосланади. Чунки МСҚ соф нутқ бирликлари системасини, гап эса тил бирликлари муносабатидан иборат системани тақозо этади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда абзац ва унинг сатҳидаги иерархик муносабат хусусида фикр билдирад эканмиз, тилшунослик адабиётларида

гапдан бошқа синтактик қурилмалар хусусида ҳам XX аср охирига келиб тадқиқот ишлари амалга оширила бошлаганига эътибор қаратиш лозим деб биламиз. Мазкур масала айниқса рус тилшунослигида устувор аҳамият касб этди. Аслини олганда, гапларнинг ўзаро қўшилишувидан ташкил топган синтактик қурилмани номлаш масаласига В.М.Ломоносов асос солган эди. Олим ўз даврида антик мутафаккирларнинг тилшунослик соҳасидаги ғояларига таянган ҳолда (масалан Аристотелнинг «Риторика» асарига), биринчилардан бўлиб гапдан катта бирлик – **период** ҳақида маълумот беради. Албатта, мазкур термин дастлаб Аристотель томонидан қўлланган. Лекин рус тилшунослигига унинг В.М. Ломоносов томонидан олиб кирилиши у яшаган давр учун ғоят муҳим эди [Солганик Г.Я. 1973:16].

А.А.Потебня масала тавсифига янада чуқурроқ ёндашади ва **период** тушунчасидан ташқари «**нутқ**» тушунчасини ҳам истеъмолга киритади. У «нутқ» термини орқали бир неча гапдан ташкил топган йирик синтактик қурилмани белгилайди [Потебня А.А. 1958:44].

А.М.Пешковский рус тилшунослигида биринчи бўлиб гаплар муносабатидан ташкил топган синтактик қурилма масаласи тадқиқига жиддий ва том маънода ёндашади. Олим гаплар қўшилишидан ташкил топган қурилмани «мураккаб бутунлик» деб номлайди [Пешковский А.М. 1938:410]. Бирдан ортиқ гаплар муносабатидан ташкил толувчи мураккаб бутунликдан бошқа яна мазкур бутунликларни ҳам ўз ичига қамраб оладиган синтактик бирлик ҳам мавжудлигини ва уни номлаш учун қулайроқ термин топилмагани боис, бу ўринда чет тилидан ўзлаштирилган «абзац» (мазкур сўз асли немисча бўлиб, у **чекиниш** деган маънони ифодалайди) терминидан фойдаланилаётганини таъкидлайди [Пешковский А.М. 1938:410].

Рус тилшунослигининг сўнгги йиллардаги тараққиёти даврида гапдан катта синтактик бирликлар «сложное



синтаксическое целое», «сверхфразовое образование» каби тушунчалар ҳам қўллана бошлади. Бизнингча, мазкур тушунчаларнинг барчаси истъмолда эканлиги «қўшма гап» терминининг талабга жавоб бера олмаётгани билан боғлиқ. Лекин қандай терминлар қўлланишидан қатъи назар, уларда мавжуд бўлган матн мақоми ҳақида мулоҳаза билдирилмаган.

Н.С.Валгина периодни кўп компонентли қўшма гап тарзида изоҳлайди [Валгина Н.С. 1979:365]. И.Ф.Вардулнинг период ҳақидаги мулоҳазаларида шу нарса характерлики, период формал-грамматик нуктаи назардан бир бутун (яхлит) ҳолда мавжуд бўлади. Аммо мазкур бутунликнинг интонация билан алоқаси бўлмайди. Интонация синтактик қурилмалардан каттароқ сатҳ бирликлари учун характерлидир. Бошқача айтганда, периодни интонацион бутунлик деб бўлмайди [Вардуль И.Ф. 1977:234-235].

Ўзбек тилшунослигида ҳам период ҳақида маълумот берилган. Масалан, Ғ.Абдурахмонов бу ҳақда қуйидагиларни таъкидлайди: «Мураккаб составли гапларда маълум бир мазмун муносабати ифодалангани, оҳангда тугаллик бўлгани учун бу хил гап қурилмалари ўзига хос белгига эга бўлади ва улар **период** деб номланади» [Абдурахмонов Ғ. 1996:232]. Ғ.Абдурахмонов содда период, мураккаб периодлар ҳақида ҳам анча мукамал маълумот беради. Б.Ўринбоевнинг тадқиқот ишларида ҳам **период** ҳақида анча маълумот келтирилади [Ўринбоев Б. 2001:160].

Период ҳам тузилишига кўра, мураккаб синтактик қурилмани тақозо этади. Шунинг учун биз периодни нутқнинг асосий бирликлари жумласига кирита олмаймиз. Бундан ташқари, период матнда абзац мақомида келиши ҳам мумкин. Абзац эса нутқ бирлигини тақозо этади. Аммо абзац бобида ҳам тилшунослар фикрлари бир хил эмас.

И.Р.Гальпериннинг фикрига кўра, абзац стилистик бирлик саналади [Гальперин И.Р. 1958]. Бундай мулоҳаза С.Е.Крючков, Л.Ю.Максимовларда ҳам

кузатилади [Крючков С.Е., Максимов Л.Ю. 1969]. Н.С. Валгина уни композицион-стилистик бирлик деб тушунади [Валгина Н.С. 1973]. А.М. Пешковский эса бу ҳодисани синтактик бирлик деб атаган эди [Пешковский А.М. 1938]. А.Г.Руднев ҳам аналогик фикрдадир [Руднев А.Г. 1968]. Б.Ўринбоев эса абзац стилистик-композицион бирлик, деган хулосага келади [Ўринбоев Б. 2001].

Бизнингча, абзац синтактик бутунликдир. Тўғри, унинг воқеланиши (ажратилиши, белгиланиши) кўп пайтларда сўзловчи билан боғлиқ бўлади. Лекин бу унинг стилистик бирлик деб номланишига асос бўлмайди. Чунки сўзловчи нафақат абзацнинг, балки бошқа синтактик қурилмаларнинг шаклланишида ҳам муҳим прагматик омил сифатида аҳамият касб этади.

Юқоридагилар билан бир қаторда шуни ҳам айтиш керакки, стилистика билан синтаксис ўртасига «хитой девори» қўйиб бўлмайди. Америкалик олим Речард Оман: «Синтаксис услубни белгилайди», – деганида ҳақлидир [Ohman R. 1959:82]. Бу мулоҳазалар, албатта, асосий масаланинг, яъни абзацнинг лингвистик мақомининг бир томонини ташкил этади. Унинг энг асосий иккинчи томони ҳам бўлиб, у нутқ (матн) лингвистикасининг илмий асосланганлиги билан боғлиқдир. Унга кўра, абзац нутқнинг макробирлиги саналади. Бу эса абзацнинг синтактик бирлик эканлигидан далолат беради [Турниёзова Ш. 2007: 84-87].

Гап билан абзац ўртасида вужудга келаётган иерархик муносабат доирасида систем муносабатлар иерархияси ҳам мавжуддир. Ана шу ички иерархик муносабатлар йиғиндисидан абзац (нутқ) макросистемаси шаклланмоқда. В.М.Солнцев таъбири билан айтганда: «Нутқ синтагматик муносабатлар воқеланиши натижасида вужудга келувчи системадир» [Солнцев В.М. 1971:91].

Нутқнинг мавҳум ҳодиса эмас [Сафаров Ш. 2006:12], балки система эканлигини абзац билан гап ўртасидаги иерархик муносабатда ҳам бемалол кузатиш мумкин. Абзац таркибида унинг





компонентлари сифатида келаётган гапларнинг синтагматик режага кўра боғланишининг ўзи ҳам системани тақозо этади. Қолаверса, абзацнинг сегментланиши, макросегментларнинг яна микро­сегментларга бўлинишининг ўзи ҳам иерархик системадир.

Бу борадаги муҳим масалалардан яна бири мураккаб синтактик қурилма ва абзац ўртасидаги иерархик муносабат доирасида кўзга ташланади. Мураккаб синтактик қурилманинг матн мақомида эканлиги бугунги тилшунослигимизда, бизнингча, изоҳ талаб қилмайди. Бироқ шуни ҳам айтиш лозимки, тилшунослик адабиётларида «мураккаб синтактик қурилма»дан ташқари айнан шу қолипга тўғри келувчи яна бошқа тушунчалар (терминлар) ҳам қўлланилаяптики, бу, ўз навбатида, масала моҳиятини бирмунча чигаллаштирамоқда. Бундай вазият, айниқса, рус тилшунослигида кўпроқ кўзга ташланади.

В.А.Кухаренко ўзининг «Интерпретация текста» номли асарида бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Ҳали А.А.Потебня ўз даврида нутқ нафақат гаплардан, балки гапдан катта бирикликлар орқали ҳам воқеланиши мумкинлигини эслатиб ўтган эди. Кейингилари тилшунослик адабиётларида бир неча ном

билан аталади: мураккаб синтактик бутунлик (сложное синтаксическое целое:ССЦ), гапдан катта бутунлик (сверхфразовое единство: СФЕ), прозаик строфа (прозаическая строфа). Аммо терминлар фаркли бўлса ҳам, қарийб барча тадқиқотчилар мазкур ҳодисаларда икки ёки ундан ортиқ тугалланган гаплар нисбатан катта логик-семантик бутунлик таркибида ўзаро боғланишини бир хилда қайд этадилар» [Кухаренко В.А. 1988:68].

Таъкидлаш жоизки, абзац МСҚдан катта нутқ биригидир. Шу боис матн лингвистикаси принциплари нуқтаи назаридан уни макроматн мақомидаги синтактик ҳодиса деб биламиз. Лекин, юқорида эслатиб ўтилгани каби, унинг лингвистик таҳлилини одатдаги синтактик таҳлил методлари асосида амалга ошириб бўлмайди. Бу эса, ўз навбатида, катта синтаксис ва унинг асосий вазифаларини илмий асослаш учун жиддий зарурат туғдирмоқда. Катта синтаксиснинг текширув объектлари эса гап, МСҚ ҳамда абзац саналиши мумкин. Кичик синтаксис эса сўз яса­лиши (аниқроғи ясама сўзлар), турғун бирикмалар ва эркин сўз бирикмаларининг нутқдан ташқари ҳолати каби масалалар талқини билан шуғулланмоғи лозим бўлади [Турниёзов Н. 1998:28].

#### Адабиётлар

1. Абдурахмонов Ғ.А. Қўшма гап синтаксиси.–Тошкент, 1964.
2. Абдурахмонов Ғ.А. Ўзбек тили грамматикаси.–Тошкент: Ўқитувчи, 1996. –247 б.
3. Валгина Н.С. Синтаксис современного русского языка.–М.: Высшая школа, 1973. – 423 с.
4. Вардуль И.Ф. Основы описательной лингвистики (синтаксис и супрасинтаксис). – М.: Наука, 1977, 351с.
5. Гальперин И.Р. Очерки по стилистике английского языка.–М., 1958.
6. Крючков С.Е., Максимов Л.Ю. Современный русский язык. Синтаксис сложного предложения. –М., 1969.
7. Кухаренко В.А. Интерпретация текста. –М.: Просвещение, 1988. – 189 с.
8. Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 228 б.
9. Мурзин Л.Н. К соотношению уровней языка и речи в плане синтаксиса //Уровни языка и их взаимодействие. –М.: Изд. МГПИИЯ, 1967, (105-107). – 182 с.
10. Ohman R. Prolegomena to the analysis of prose style // Style in Prose Fiction. –N.Y., 1959. -P.82.
11. Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении.–М.: Учпедгиз, 1938. – 448 с.



12. Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Т.1-2.– М., 1958.
13. Руднев А.Г. Синтаксис современного русского языка. –М.: Высшая школа, 1968. – 319 с.
14. Сафаров Ш. Нутқ лингвистикасининг текширув объекти нимадан иборат? // Нутқ лингвистикаси. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари. –Самарқанд, 2006, (3-5)/ – 296 б.
15. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. –Жиззах: Сангзор, 2006. – 90 б.
16. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2008. – 285 б.
17. Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. –М.: Изд. лит-ры на ин. языках, 1956. – 260 с.
18. Солганик Г.Я. Синтаксическая стилистика –М.: Высшая школа, 1973. – 214 с.
19. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. –М.: Наука, 1971. – 292 с.
20. Турниёзов Б. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси // Номзодлик дис. автореф.–Самарқанд, 2006. – 24 б.
21. Турниёзов Н. Матн лингвистикаси.–Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2004. – 58 б.
22. Турниёзов Н. Тил ва нутқ бирликлари ҳақида баъзи мулоҳазалар// Хорғий филология, 2006, №1, 28-30 б.
23. Турниёзов Н. Тил унсурларининг микросинтагматик муносабатлари хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1998, №5, 26-29 б.
24. Турниёзова Ш. Абзац воқеланишининг баъзи деривацион хусусиятлари// Ўзбек тили ва адабиёти, 2007, №3, 84-87-бетлар.
25. Фридман А.Г. Грамматические проблемы лингвистики текста. –Ростов н/Д, 1984.с. 30-52.
26. Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Самарқанд: Самду нашри, 2001. –171 б.
27. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент, 1987.
28. Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини // Докт.дис. автореферати.–Тошкент, 2001. –49 б.

*Хайруллаев Х. Некоторые особенности иерархических отношений единиц речи. В данной статье рассматриваются вопросы взаимного и иерархического отношений единиц речи на основе взаимосвязи предложение, сложная синтаксическая конструкция и абзац. При этом раскрыта проблема вопроса на основе формально-структурного подхода. На основе этого охарактеризованы предложение как минимальная единица речи, сложная синтаксическая конструкция как единица, так называемая микротекст, а абзац как максимальная единица речи.*

*Хайруллаев Х. Some comments about hierarchical relations of speech units. This article is devoted to the issue of speech units and their interrelationships, conducted on the basis of the link among a sentence, the complex syntactic structure and the paragraph. Basically, the essence of the issue has been explained by the formal structural approach. The minimal unit of speech is interpreted by the complex syntactic structures as the units of the microtext and the paragraph is as the maximum unit of speech.*



## МАТННИНГ ПРАГМАТИК БЕЛГИЛАРИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

*Турниёзова Шаҳноза,*

*Самарқанд давлат чет тиллар институти  
филология фанлари номзоди*

**Калит сўзлар:** *матн, прагматика, абзац, муаллиф тасаввури, прагматик кўрсаткичлар.*

Маълумки, матн лингвистикаси муаммолари ҳозирда тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бирига айланган. Бу масала тил системаси бирликларининг нутққа кўчирилиши, унинг амалда реал қўлланилиши билан узвий боғлиқдир. О.Дукрот таъбири билан айтганда, лингвистикамиз олдида «нутқни тилга киритиш» масаласи кўндаланг турибди<sup>1</sup>.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, матннинг прагматик белгилари хусусида ҳам ҳали талайгина очилмаган қирралар мавжуд. Хусусан, “прагматика” атамаси юзасидан ҳам олимларнинг фикрлари муштарак эмаслигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бироқ бу фикрларнинг ҳаммаси ягона бир асосга бориб тақалади. Яъни прагматика бу тилни ўрганишнинг шундай бир жиҳатики, у шахсларнинг тил бирликларини етказиб бериш, қабул қилиш ва тушуниш муносабатларини ажратиб кўрсатади ва тадқиқ этади. У бевосита тингловчининг матндан чиқариб оладиган маълумотни баҳолаши, уни семантик нуқтаи назардан тадқиқ қилиши билан боғлиқ<sup>2</sup>.

Кўпчилик олимлар прагматикани лингвистикадан юқори поғонада туради деб ҳисоблашади. Яъни уларнинг фикрича, тил бу бир бутун система бўлса, прагматика эса, бу системанинг қандай фаоллашишини ўрганади. Бу ўринда

семантик маънолар маълум бир нутқий вазият нуқтаи назаридан кўрилади<sup>3</sup>.

Матннинг шаклланиш механизмларини аниқлашда эса унинг прагматик кўрсаткичлари тўғрисида тасаввурга эга бўлиш лозим. Таъкидлаш жоизки, бунда, аввало, матннинг прагматик кўрсаткичларини муаллифнинг прагматик кўрсаткичларидан фарқлаш керак бўлади. Матн маълум бир мақсадга асосланган нутқий бирлик сифатида ўзининг шаклланиш қонуниятларига эга. У ўзининг маълум бир мақсад йўналишдаги ҳолати билан бир қаторда, конкрет бир муаллифнинг ҳам шу йўналишдаги тасаввуллари таъсири остида шаклланади.

Буларнинг биринчиси матннинг ўзида намоён бўлади, яъни унинг турида, жанрида, у ҳал қилаётган масалаларда. Иккинчиси эса, тўлиғича муаллифнинг тафаккури билан боғлиқ бўлади. Чунки ҳар қандай хабар нафақат шунчаки бир маълумотни, балки шу маълумотга бўлган муаллифнинг ҳам муносабатини ўзида қамраб олади. Кейингиси матннинг интерпретацион томони билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, унинг прагматик вазиятини келтириб чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида матннинг прагматик вазияти унинг ўзидан – туридан, жанридан ва ҳ. к. лардан келиб чиқишини таъкидланган эдик. Масалан, дарслик ёзишга киришган муаллиф унинг ҳажми қандай бўлишини, унда қанақа масалалар, муаммолар ҳал этилишини ва ниҳоят,

<sup>1</sup> Қаранг: Ducrot O. Structuralisme: enonciationetsemantique. // Poetique, 1978, №3, P.107-125.

<sup>2</sup> Говорова В.Ф. Прагматическая функция научного текста// Актуальные проблемы прагмалингвистики в контексте межкультурной коммуникации: материалы Всерос. науч. конф. 7-8 дек. 2006 г. Тольятти: ТГУ, 2006. С. 124-127.

<sup>3</sup> Александрова О.В. Единство прагматики и лингвопоэтики в изучении текста художественной литературы // Проблемы семантики и прагматики: сб. науч. тр. / Калинин. Ун-т. Калининград, 1996. С. 3-7.



ёзилажак матннинг таркиби ҳамда мавжуд материални етказиб берувчи қанақа методик приёмлардан фойдаланишни олдиндан билади. Шундай қилиб, ҳар қандай матн ўзининг прагматик белгиларига эга бўлади. Бу белгилар матннинг шаклини, унинг услубиятини ва ҳ. к. ларни ифодалайди. Бироқ муаллиф аниқ бир субъект сифатида матн шаклланишининг умумий коидаларига асосланган ҳолда, унга ўзининг шахсий ўзгартиришларини ҳам киритади. Бу билан муаллифнинг, яъни ўзининг, прагматик тасаввурларини ҳосил қилади.

Ҳар иккала кўрсаткичлар бири-бирини тақозо этиб уйғунлашиши, бироқ маълум бир сабабларга кўра тарқоқ ҳолда келиши, ҳатто бир-бирига қарама-қарши бўлиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, муаллиф матннинг жанрини ўз хоҳишига, шахсий қизиқишларига кўра танлаши мумкин. Масалан, Ойбек йирик ҳажмдаги асарларни, катта романларни афзал кўрса, А. Қаҳҳор ўзини, асосан, ҳикоянавис сифатида намоён қилади. Маълум жанрни танлаб олгач, муаллиф унинг қонуниятлари асосида ижод қилади. Аммо ижодкор матн мавзусини ёритишда ўз ички кечинмаларига кўра бу қонуниятларни бузиши ҳам мумкин.

Юқоридаги ҳолат, албатта, бадиий матнларда юзага келади. Илмий адабиётларда, расмий услубдаги матнларда бу каби прагматик вазиятларни учрата олмаймиз. Умуман олганда, матн қанчалик стандарт бўлса, у шунчалик маълум қонуниятларга бўйсунди; бу вазиятда муаллифнинг шахсий прагматик кўрсаткичлари куйи даражада юзага келади. Ва аксинча, матнда бадиийлик қанчалик юқори бўлса, ижодкорнинг прагматик кўрсаткичлари шунчалик устун туради.

Айтиш лозимки, ҳатто асар, боб, параграф каби макроматнлар компоненти саналмиш абзацнинг шаклланишида ҳам бу икки хил прагматик кўрсаткичларни (матннинг ва муаллифнинг) учратиш мумкин. Масалан, абзац тугалланган ва муайян мавзунини акс эттирувчи матн парчаси сифатида семантик ва структур

жиҳатдан яқунланган нутқ бирлигидир<sup>1</sup>. Бироқ битта абзац муаллифнинг хоҳишига, унинг эмоционал-эмфатик кечинмаларига кўра бир неча бўлақларга бўлиниши ва аксинча, худди шу сабабларга кўра ижодкор бир неча жумлани битта абзацга бирлаштириши ҳам мумкин. Демак, абзац матннинг сўзловчи прагматик тасаввури билан боғлиқ бўлган субъектив бўлинишидир<sup>2</sup>. Шундай қилиб, матн маълум бир мавзунини ёритишда композицион изчилликка қатъий риоя қилади, муаллиф эса уларга аҳамият бермаган ҳолда ўз тасаввурига таянади ва матннинг таъсирчанлигини оширишга ҳаракат қилади.

Шундай қилиб, юқорида кўрсатилган икки хил прагматик кўрсаткичларнинг бир-бирига таъсири натижасида матнда икки хил бўлиниш юзага келади: объектив бўлиниш (бунда матннинг структур жиҳатдан тўғри шаклланиши назарда тутилади) ва матннинг мантикий қурилишини кучайтирувчи ёки мазмуний ва услубий бўёқдорликни ҳосил қилиш натижасида ушбу қурилишни ўзига хос хусусият билан бузувчи субъектив бўлиниш<sup>3</sup>. Иккинчи ҳолатда матннинг прагматик шаклланиши ва муаллиф тасаввури бир-бирдан йироқлашади ва ижодкор китобхонга таъсирни кучайтириш мақсадида бу услубни атайин қўллайди. Бу ҳолат эса матннинг абзацларга бўлинишига ўз кучини ўтказмай қўймайди. Чунки матннинг абзацларга бўлиниши тўлиғича муаллиф тасаввурига боғлиқ бўлади.

<sup>1</sup> Қаранг: Реферовская Е. А. Коммуникативная структура текста. –Л., 1989. –С. 50-52.

<sup>2</sup>Қаранг:Левковская Н. А. В чем различие между сверхфразовым единством и абзацем?// Филологические науки, 1980, №1.-С.75.

<sup>3</sup>Қаранг:Левковская Н. А. О прагматической установки текста и автора текста // В чём различие между сверхфразовым единством и абзацем? // Филологические науки. 1980. №1



### Адабиётлар

1. Александрова О.В. Единство прагматики и лингвопоэтики в изучении текста художественной литературы // Проблемы семантики и прагматики: сб. науч. тр. / Калинин. Ун-т. Калининград, 1996. С. 3-7.
2. Говорова В.Ф. Прагматическая функция научного текста// Актуальные проблемы прагмалингвистики в контексте межкультурной коммуникации: материалы Всерос. науч. конф. 7-8 дек. 2006 г. Тольятти: ТГУ, 2006. С. 124-127.
3. Реферовская Е. А. Коммуникативная структура текста. –Л., 1989.
4. Левковская Н. А. В чем различие между сверхфразовым единством и абзацем?// Филологические науки, 1980, №1.
5. Левковская Н. А. О прагматической установке текста и автора текста // В чём различие между сверхфразовым единством и абзацем? // Филологические науки.1980. №1.
6. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008.
7. Ҳакимов М. Х. Ўзбек тилида матнинг прагматик талқини// Докт. дис. автореф. – Тошкент, 2001.
8. Ducrot O. Structuralisme: enonciationetsemantique. // Poetique, 1978, №3, P.107-125.

**Турниязова Ш. Некоторые определения о прагматических признаках текста.** В статье рассматривается вопрос о таких понятиях, как прагматическая установка текста и прагматическая установка автора. При этом, основное внимание уделяется тому, что обе установки совмещаются друг с другом, но и могут по каким-то причинам расходиться.

**Turniyazova Sh. Some definitions about pragmatic features of text.** Pragmatic features of text and pragmatic thoughts of the author are examined in this article. Especially, a great attention is paid to these two when they are either compatible or incompatible according to some reasons.

---

---





## БИБЛИЯ ВА УНИНГ АНТИК ДАВРДАГИ ТАРЖИМАЛАРИ

*Сафаров Одилжон, ф.ф.н.,  
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ доценти*

**Калит сўзлар:** Библия, муқаддас китоб, Худонинг каломи, Қадимги Аҳд, Янги Аҳд, Септуагинта, Мусо, ибтидо, Исо, пайгамбар, насронийлик, фалсафа, Александрия, Қуддус, ибрий, юнонча, лотинча.

Антик даврда **фалсафага, адабиёт сохаларига** оид асарларни турли йўллар билан ўзлаштириш ҳоллари кўп бўлган. **Худо каломини**, яъни **муқаддас китобни** ҳеч ким, ҳеч қандай йўл билан ўзлаштира олмаган. Уни **тўғри таржима** қилмаслик эса гуноҳ ҳисобланган. Шу боис бу китоб таржимаси доим **қизгин** баҳс ва тортишувларга сабаб бўлган ва бундай ҳоллар ўша даврлардаёқ таржимавий тафаккур шаклланишига сезиларли таъсир қилган.

Албатта, бу масалалар алоҳида ўрганилиши долзарб аҳамиятга эга. Мавзуга оид ишни Lefèvere (1990, 14) Септуагинта (лотинча етмиш таржимон) томонидан амалга оширилган Қадимги Аҳд таржимаси ҳақидаги қуйидаги мулоҳаза билан бошлашни лозим топдик:

“The history of translation in the West may said to begin with the production of the Septuagint” (Ғарб таржимачилиги тарихи Септуагинта маҳсули билан бошланади дейиш мумкин).

Аслида бу таржима ғарбликлар тилига амалга оширилган дастлабки таржима эмас. Шундай бўлса-да, у антик давр таржималари ичида муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, Ж. Мунин бу ҳолни шундай эътироф этади:

“Ҳорац ва Цицерондан олдин, мил. авв. 3-асрда, Қадимги Аҳд Птоломей Филадельф топшириғига кўра, Септуагинта томонидан таржима қилингани эътиборга молик иш бўлган, бироқ, афсуски, биз у ҳақда, орадан кўп асрлар ўтгач, Хиеронимус билан Августин бир-бирларига ёзган мактубларида билдирган танқидий мулоҳазалардан зиёд билмаймиз” [1].

Маълумот учун қайд этиш лозимки, Қадимги Аҳднинг тўлиқ матни **ибрий**

тилида, унинг “**Эзра**” китоби дастлаб (мил. ав. 5-4 а.) **арамей** тилида битилган ва кейинчалик Таврот таркибига киритилган. “**Эзра**” Ахоманийлар (мил. авв. 558-330) даврига оид **тарихий** жиҳатдан жуда муҳим аҳамиятга **молик** воқеаларни ўз ичига олади. Шу боис кейинги ишларимиздан бирида, у ҳақида алоҳида мулоҳаза юритиш кўзда тутилади.

Библиянинг дастлабки **лотинча** таржималари эса милодий 2-асрдан бошлаб **юнон** тилидаги манбалардан амалга оширилган. Милодий IV аср охиридан уларни қайта ишлаш, тўлдириш ва айниқса Рим салтанати мафқурасига хизмат қилдириш эҳтиёжи пайдо бўлади. Бу ишни ўша пайтда Рим папаси Даумас Хиеронимусга (Hieronymus, мил. 348-420) топширади.

Хиеронимус 384 йилда Янги Аҳдни **юнон** тилидан **лотинчага** таржима қилади. 390-406 йилларда эса Қадимги Аҳдни **ибрий** ва **арамей** тилларидан лотинчага таржима қилади. Натижада **лотин** тили “**муқаддас тил**” сифатида эълон қилинади. Кейинчалик, Хиеронимуснинг ўзи **авлиё** сифатида эътироф этиладиган бўлади. Унинг таржимаси “**Вулгата**” (халқчил) деб аталган.

Ўша пайтларда Дунай дарёси бўйида яшаган **вестготлар** (ғарбий готлар) биринчи герман элати сифатида **насронийликни** қабул қилганлар. Уларнинг вакили, Улфилас исмли руҳоний IV аср ўрталарида “Янги Аҳд”ни **юнон** тилидан **гот** тилига таржима қилгани ҳам эътиборга лойиқ. Мутахассислар фикрича, ҳозиргача анча қисми сақланиб қолган бу таржима ўша даврдаги герман тилининг асл **ёзма ёдгорлиги** ҳисобланади.

Бу таржимани амалга ошириш учун, Улфилас **юнон** алифбоси асосида ғарбий



готлар **алифбосини** ҳам тузишига тўғри келган.

Дунёдаги дастлабки босма китоб (1452-1455) **лотинча** Библиядир. Уни майнцлик босмахона ихтирочиси Ёханнес Гутенберг (1397-1468) номи билан “Гутенберг Библияси” деб ҳам атаганлар. Жаҳон миқёсида энг кўп нашр этилган **таржима** китоби ҳам Библия ҳисобланади.

XX асрнинг иккинчи ярмидан буён Стокгольмда Библияни таржима қилиш институти фаолият юритади. Жумладан, - “китоб босиш эндигина ихтиро қилинган пайтда Библия тўлиқ ҳолда ва унинг алоҳида бўлимлари бор-йўғи 33 тилга таржима қилинган эди. 19 асргача Библия 400 дан ортиқ тилда босилиб чиқди. XX аср мобайнида эса Библия тўлиқ ҳолда ва унинг алоҳида қисмлари яна 1400 тилга таржима қилинди. 1992 йил бошларига келиб, Библия тўлиқ ҳолда ёки қисман таржима қилинган тиллар сони 1978 тага етди. Бугунги кунда Ер қуррасидаги атиги 2 фоиз аҳоли ўз тилида Библиянинг бирор китобига эга эмас” [2].

**Библия** сўзи юнонча *biblion* (библион) сўздан олинган бўлиб, **китоб** демакдир. Бу ҳол Библия қисмлари асл манбаларда (эски яҳудий тилдаги) китоблар сифатида битилгани билан боғлиқ.

“Библия икки қисмга - **Қадимги Аҳд** ва **Янги Аҳд**га бўлинади (“Аҳд” сўзи худонинг инсонлар билан махсус алоқасини билдиради). Қадимги Аҳд (яъни Таврот ва Забур) Исо Масих туғилишидан аввал, Янги Аҳд (яъни Инжил) Исо Масих туғилганидан кейин, биринчи асрда ёзилган” [3].

Буни аниқроқ ҳолда қуйидагича ифодалаш мумкин:

“Қадимги Аҳд – Исо Масих келишидан олдин Худо Исроил халқи билан тузган битим ва бу битимнинг шартномасини таърифловчи 39 китобчадан иборат муқаддас китоб; Таврот, Забур ва Пайғамбарлар китобларини ўз ичига олади; умуман “Таврот” деб ҳам юритилади” [4].

Қадимги Аҳднинг **ибрий** (эски яҳудий) тилидан **юнон** тилига амалга

оширилган илк таржимаси милоддан аввалги 3-асрнинг биринчи ярмида амалга оширилган. У милодий 2-асрда **эски яҳудий** тилидан **юнончага** қайтадан таржима қилингани ҳам маълум.

Янги Аҳд ҳам илк бор **ибрий** тилида битилган. “Фалсафа: комусий луғат”да бу ҳақда шундай маълумот берилган:

“Янги аҳд, яъни Инжил Исо Масих туғилганидан кейин мил. I-II асрларда жамланиб китоб қилинган. Христианлик таълимоти дастлаб оғзаки тарқалган. Инжилни Исо (а.с)нинг сафдошлари – ҳаворийлар ёзишган. ... Асл Инжил дастлаб қадимги яҳудий тилида ёзилган, кейинчалик юнон, лотин ва сурёний тилларига бузиб таржима қилинган” [5].

Қадимги Аҳднинг дастлабки 5 китоби, Мусо пайғамбарнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ. Септуагинта **айнан шуларни** таржима қилган. Табиийки, бу ҳол ҳазрати Мусо ва у яшаб ўтган даврга оид масалалардан хабардор бўлишни тақозо этади. Жумладан:

“Мусо – Мисрга асирга тушган Исроил халқини қутқариш учун Худо юборган улуғ пайғамбар, тахминан мил. авв.1400 йилларда яшаган, Синай тоғида унга Таврот (Илоҳий Қонун) ваҳий бўлган” [6].

Мусо пайғамбарга нозил этилган дастлабки китоб “Ибтидо”дир. Унда “дунё ва одамнинг яратилиши, илк инсонларнинг гуноҳ қилиши, бунинг натижасида оламга азоб ва ўлим келиши ҳақида маълумот берилади. Дунёдаги халқларнинг вужудга келиши ва тарқалиши тарихи ҳам баён этилади. Одам Ато ва Момо Ҳаво, Ҳобил ва Қобил, Ҳазрати Нух, Лут, Иброҳим, Исҳоқ, Исмоил, Ёқуб, Юсуф, Фиръавн ва бошқа тарихий шахслар, Тўфон, Бобил минораси ва тиллар чатишуви, Садўм ва Гамўранинг (Худо қаҳрига учраган шаҳарлар – О.С.) хароб бўлиши сингари энг қадимий тарихий ҳодисалар ҳам “Ибтидо”дан ўрин олган” [7].

Септуагинта таржимаси инсоният тарихидаги мисли кўрилмаган таржимадир. У мил. авв. 3-асрнинг биринчи ярмида Миср ҳукмдори Птоломей



II Филаделфнинг (мил. авв. 285-246) топшириғига кўра, **70 яхудий такводор** томонидан **72 кун** давомида амалга оширилган. Таржима иши учун ўша пайтларда **илму маърифат** маркази бўлган **Александрия** шахри эмас, балки **ундан четроқдаги жой** танланган.

Тавротнинг биринчи китобида қайд этилишича, Худо Мусога Хорун, Надаб, Абиҳу билан бирга Исроилнинг **етмишта амалдор оқсоқолини** Синай тоғига олиб чиқишини буюради. Мусо Парвардигорнинг бу амрини бажаргач, уларнинг бариси Яратганни кўриш шарафига муяссар бўлишади.

Кейин Худо Мусони якка ҳолда ўзига чорлайди. У тоғ тепасига чиқиши билан, тоғни булут қоплайди. Бу аҳвол **олти** кун давом этади. Еттинчи куни Парвардигор булутлар орасидан Мусога мурожаат этади. Шундан сўнг Мусо у ерда яна **қирк кеча-ю қирк кундуз** қолиб кетади ва Худонинг йўл-йўриқ (қонун) ва кўрсатмалари, исройилликлар эса уларни бажаришлари ҳақидаги **ахдлашув** китобини ёзиб олиб, юртдошлари ҳузурига қайтади ва уларни бу **ахдлашувдан** вокиф этади. Исройил халқи бу қонун-қоидалар ва кўрсатмаларни албатта бажаришилари ҳақида бир овоздан ваъда беришган.

Мусонинг “Чўлда” деб аталган тўртинчи китобида Мусо унинг зиммасига юкланган вазифалар оғирлик қилаётганидан қаттиқ нолигани ва шу боис Худо унга **Исроилнинг етмишта амалдор оқсоқолини** Синай чўлига олиб келишини, ўша ерда **ибодат учун чодир тикиб, дуолар ўқиб** туришларини тайинлайди. Хоҳиши бажарилгач, Худо Мусонинг **руҳидан** олиб, уни бир вақтнинг ўзида халиги **етмишта амалдор оқсоқолнинг вужудига** киритади. Натижада буни ҳис қилган оқсоқолларнинг барини дарҳол титроқ босади. Бу ҳол Худонинг ўзи, Мусога мадақкор бўлишлари учун, **етмишта амалдор оқсоқолни** пайғамбарликка ўтказганидан далолат беради.

Қадимги Аҳд (аниқроғи, Таврот) таржимаси учун етмишта таржимон танлангани ҳам, мазкур таржима шаҳардан

четда амалга оширилгани ҳам, таржимонлар мазкур таржима ишига ўта масъулият билан ёндашганликларидан далолат беради. Яъни улар ҳақиқатан ҳам ўзларини бамисоли **Худо каломини** бандаларга етказувчи пайғамбарлар сифатида ҳис қилишган. Шу боис улар таржима ишига алоҳида **масъулият** билан ёндашган бўлишлари табиий. Ўша таржима матнига **изоҳлар** таржима қилингани ҳам шундан далолат беради.

А. Фёдоров, И. Левий каби таржимашунослар эса бу таржима ҳақида ҳеч қандай маълумот бермаганлар. Ҳ. Вермеер эса у ҳақида турли манбалардан иқтибослар келтирган. Масалан, у Schwarz 1963, Grive 1965, Otte 1968, Tov 1987, Lurquin 1990, Reventlow 1990 каби муаллифларнинг ишларига таяниб ёзишича (Vermeer 1992, 257), Септуагинта Қадимги Аҳднинг **юнонча** таржимаси бўлиб, у мил. авв. 3-асрда (ва кейинроқ) Мисрда амалга оширилган. Бунгача унинг айрим қисмлари таржима қилинган. Септуагинта таржимаси **тўлиқ ҳолдаги биринчи** ёзма таржимадир.

Ушбу қисқагина маълумотларнинг ўзида бир нечта ноаниқликлар бор. Бунинг устига Вермеер қуйидаги ҳолни **афсона** сифатида талқин қилади:

“Афсонага кўра, Птоломей Птоломей II Филаделф (мил. ав. 285-246; бошқаларига кўра, мил. ав. 288-247 атрофида) кутубхоначиси Деметрий Фалероннинг (\* тахм. мил. ав. 305 Афинада) ташаббуси билан Аристиасни, яхудийларнинг кодексини ва 72 таржимонни олиб келиш учун, Қуддусга юборган. Шундан сўнг у қуддуслик олий руҳоний Элеацар томонидан Александрияга жўнатилган 72 яхудийга, таржима топшириғини берган бўлиши керак” [8].

Ҳ. Вермеер Оттедан (Otte 1968) кўчирма сифатида келтирган қуйидаги маълумот ҳам мантиқан тўғри, деб бўлмайди: “Eine optimale Übersetzung ist nur in dafür optimaler Situation möglich” [9]. (Энг мақбул таржима фақат бу учун энг қулай жойда амалга оширилиши мумкин).



Аслида бу ҳол таржимонларнинг диний эътиқодига оид масалалар билан бевосита боғлиқ бўлган.

Ҳ. Вермеер ёзишича, Септуагинта таржимаси ҳақидаги **дастлабки** маълумот тахм. мил. авв. 150-100 йилларда Аристиас (Aristias) Филократга (Philokrates) ёзган **мактубда** учрайди.

Ҳ. Вермеернинг китобида Philo Judaeus (Фило Юдайус) **De vita Mosis** (Мусо ҳаётидан) асарида Септуагинта таржимаси ҳақида қандай мулоҳазалар билдиргани ҳам қайд этиб ўтилган.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, Фило Юдайуснинг исмини Филон (Philon) деб ҳам аташган. У александриялик Филон сифатида ҳам танилган, мил. авв. 20 ва милодий 54 йилларда яшаган. Яхудий Филон, **юнон фалсафаси ва насронийликни** бирлаштиришга оид фикрларни илгари сурган. Орадан қарийб 2 аср ўтгач, худди шу фикрлар фалсафада **неоплатончилар** оқими пайдо бўлишига сезиларли таъсир қилган бўлса, ажаб эмас.

Филон Септуагинта таржимонлари алоҳида-алоҳида ишлаганликларига қарамай, улар амалга оширган таржима бир-бириникига жуда ўхшашлигини, бу таржима ишини бажарганларни, Худонинг ўзи илҳомлантирганини, айнан шундай ҳолдаги таржимонларгина муқаддас китобларни **тўғри** таржима қила олишлари мумкинлигини таъкидлаган (Vermeer 1992, 257-258).

Ҳ. Вермеер ёзишича, Септуагинта таржимаси яхудийларнинг таржима ишларига катта таъсир қилган. Тахм. 130 йилда бобосининг башоратларини (Weissagungen) яхудий тилидан **юнончага** ўнгирган Иисус бэн Сирач таржима ҳақида шундай мулоҳаза билдирган:

“Чунки бирор нима яхудий тилида ифодаланган бўлса ва шундан сўнг бирор бошқа тилга ўнгирилса, бир хил мазмунга эга бўлмайди; чунончи нафақат бу (асар,

Сирач китоби), балки қонуннинг ўзи, башоратлар ва бошқа битиклар ҳам ўзларининг асл ҳолида бошқача жозибалидирлар” [10].

Бу албатта тушунарли ҳол. Бирок таржима ҳам таржима сифатида ўз кадр-қимматига эгадир. Аслида азал-азалдан мутафаккирлар, илм--у маърифат аҳли, ёзувчи ва шоирлар ва ҳ.з. таржиманинг худди шундай кадр-қиммати учун ва уни имкони борица ошириш учун қайғурганлар. Жумладан, муайян таржимага муносабат, ўша таржиманинг кадр-қимматига бериладиган ўзига хос баҳодир. Шу нуқтаи назардан Септуагинта таржимаси ҳақида Шварц (Schwarz 1963) қайд этган қуйидаги мулоҳаза ҳам эътиборга лойик:

“In Wahrheit ist die Septuaginta-Übersetzung des Alten Testaments recht unterschiedlich ausgefallen. Manche Passagen sind recht frei übersetzt. Natürlich finden sich auch Übersetzungsfehler” [11]. (Аслида Қадимги Аҳднинг Септуагинта таржимаси турлича амалга оширилган. Баъзи жойлари жуда эркин таржима қилинган. Албатта таржимада хатолар ҳам топилади).

Ҳ. Вермеер бундай иқтибосларнинг деярли ҳеч бирига изоҳ бермайди. Шу боис у Септуагинта таржимаси ҳақида қайд этган мулоҳазалар моҳиятини тушуниш унча осон эмас. Ҳар ҳолда унинг ишида шу таржима ҳақида анча маълумотлар борлигининг ўзи ҳам қувонарли ҳол.

Биз мулоҳаза юритган таржима **лотинча** Библия таржимони Ҳиеронимус (Sophronius Eusebius Hieronymus, мил. 347-419/420) дўсти Паммахиусга **эпистоляр тарзда ёзган “De optimo genere interpretandi”** (Таржиманинг энг яхши тури ҳақида) сарлавҳали мақолада муайян даражада таҳлил қилинган ҳолда ҳам учрайди. Аммо бу ҳақда алоҳида мулоҳаза юритилиш мақсадга мувофиқ.

### Адабиётлар

1. Mounin, G. Die Übersetzung in der Antike // Die Übersetzung: Geschichte, Theorie, Anwendung. – München: Nymphenburger Verlagshandlung, 1967. S. 23 - 24. (Übers.)



2. Мукаддас китоб ҳақида // Инжил. Тавротдан “Ибтидо”. Забур. Стокгольм (Швеция): Библияни таржима қилиш институти, 1992. – Б. VI.
3. Шу китоб (“Библия луғати” қисми), V б.
4. Шу китоб (“Библия луғати” қисми), 15-б.
5. Назаров, Қ. (Тузувчи ва масъул муҳ.). Фалсафа: қомусий луғат. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2004. – Б. 496.
6. Шу китоб (“Библия луғати” қисми), 7- 8 б.
7. Шу китоб (“Библия луғати” қисми), VIII б.
8. Siehe: Vermeer, H. J. Dolmetschstrategien // Skizzen zu einer Geschichte der Translation. Bd. 1. – Frankfurt / M.: Verlag für interkulturelle Kommunikation, 1992. S. 257.
9. Siehe: Ebenda, S. 256.
10. Siehe: Ebenda, S. 267.
11. Siehe: Ebenda, S. 260.

*Safarov O. "The Bible and its ancient translations". Environment ancient translation is the translation of the Bible a special place. Because at the same time the translation of this Holy book was the cause of many disputes and disagreements, and of course this fact for centuries had a tangible impact on the formation and development of translation thought. From this point of view, it is very important to study the issues related to the transfer of the Septuagint, carried out in the 3rd century BC. In this article we are talking about interesting and important issues concerning this translation.*

*Сафаров О. «Библия и её античные переводы». Среды античных переводов занимает перевод Библии особое место. Потому что тогда же перевод этой священной книги явился причиной возникновения очень многих споров и разногласий, и конечно это обстоятельство в течении веков имело осязаемое влияние на формирование и развитие переводческой мысли. С этой точки зрения имеет очень актуальное значение изучение вопросов, касающиеся перевода Септуагинты, осуществимого в 3 веке до нашей эры. В этой статье речь идёт об интереснқх и важных вопросов, касающихся именно этого перевода.*

---

---





## СИНКРЕТИЧНЫЕ БЕСПРЕДЛОЖНО-РОДИТЕЛЬНЫЕ ОПРЕДЕЛЕНИЯ В ПОВЕСТИ А.С.ПУШКИНА «ДУБРОВСКИЙ»

Ким Светлана Федоровна,

старший преподаватель Самаркандского государственного университета

**Ключевые слова:** структура, семантика, синкретизм, субстантив, ПСБРСУСО, слабое управление, атрибут, объект, доминанта.

Исследуемые в нашей статье синкретичные определения, выявленные в повести А.С.Пушкина «Дубровский» [1], составляют значительный пласт лексем (225 лингв. ед.). Они определяют 1) субстантив, выполняющий функцию ВЧП – дополнения, – (присубстантивные); 2) выражаются субстантивной формой родительного падежа без предлога различных лексико-грамматических разрядов – (субстантивные беспредложно-родительные); 3) связываются с субстантивом по способу слабого управления – (слабоуправляемые); 4) характеризуются синкретичной семантикой атрибута и объекта – (синкретичные) (ПСБРСУСО – далее).

Атрибутивная семантика ПСБРСУСО осложнена объектной семантикой, что обусловлено субстантивной формой выражения. Большинство ПСБРСУСО заменяется согласованными типичными определениями, что позволяет говорить о доминанте семантики атрибутивной над объектной: *лучи солнца* = *солнечные лучи*; *письмо няни* = *нянино письмо*; *усадебя соседа* = *соседская усадебя*.

Анализ семантической структуры ПСБРСУСО позволил установить следующие семантические классы:

1-й класс ПСБРСУСО (95 лингв. ед.) – с семантикой принадлежности лицу или предмету, названному в определяемом субстантиве. Он классифицируется на следующие восемь семантических разновидностей:

а) отвл.субст + одуш. нар. конкр. субст.: *пороки человека необразованного*; *богатство и слава господина*; *смерть*

*родителя*; *состояние отца*; *преданность кучера*; *добродетели покойника*; *насмешки и замечания его псарей*; *объятия моей жены*; *высокомерие хозяина*; *молодость своего француза*; *звание учителя*; *решение хозяйского родителя*; *откровенность своей невесты*; *участь супруги*; *приверженность разбойников* и др. [2];

б) неодуш. конкр.(реже веществ.) субст. + одуш. нар. конкр субст. :

*домишко своего старого товарища*; *глаза родителя*; *деревня соседа*; *усадебя Дубровского*; *жертва ябед*; *усадебя своего соседа*; *дом своего отца*; *письмо няни*; *письмо заседателя*; *тело бедного старика*; *тело Владимировой матери*; *могила матери*; *комната своего отца*; *портрет его матери*; *голос подъячих*; *письмо моей жены*; *бумаги покойного*; *кости приказчика*; *звание учителя* и др.;

в) отвл.субс т. + одуш. собств. субст.: *занятия Троекурова*; *щедрость Кирила Петровичасубс*; *владения Дубровского*; *здоровье бедного Дубровского*; *речь молодого Дубровского*; *красота Маши*; *привязанность и доверенность Маши*; *смущение, трепет т-р Дефоржа* и др.;

г) неодуш. конкр. субст. + одуш.собств.субст.: *псарня Кирила Петровича* *бумаги старого Дубровского*; *сердце Владимира*; *лицо старого Андрея Гавриловича*; *поля Дубровского*; *поместья Троекурова*; *голос Верейского*; *стан Марии*; *голос Кирила Петровича*; *праздник в селе Троекурова* и др.;

д) одуш.конкр.субст. + одуш.нар. конкр. субст.: *приказчик избалованной*



*бабенки; жены и дочери соседей; друг и сослуживец покойного мужа* и др.;

е) одуш. конкр. субст.+неодуш. нар.конкр.(или собир.) субст.:

*виновник его смерти и моей нищеты; герой повести; товарищ его молодости; враг семейства; начальник шайки; героиня нашей повести* и др.;

ж) одуш. конкр. субст. + одуш. собст. субст.: *дочь Кирила Петровича; один из родственников Троекурова; люди Троекурова* и др.;

з) неодуш.конкр.субст. + неодуш. нар. конкр. (или отвл.) субст.: *узоры подлинника; день храмового праздника; следы ссоры* и др.

2-й класс ПСБРСУСО (60 лингв. ед.) – с семантикой субъекта (производителя) действия (опредмеченног) или предикативного признака, названного в определяемом (распространяемом) субстантиве. Данные ПСБРСУСО в сочетании с определяемым словом соотносятся по семантике с предложением (грамматической основой): (*звон тарелок – срвн.: тарелки звенят; присутствие дам – срвн.: дамы присутствуют*) и делятся на следующие четыре семантические разновидности:

а) отвл. субст. + одуш. нар. конкр. субст.: *надзор двух старух; шутка псаля; запросы заседателя; шаги собеседника; присутствие дам; сочинение французских писателей; нападение зверя; увеселение барина; приказания своего барина; взоры мужчин и женщин; говор гостей; тяжба покойника; шутка хозяина; изображение сельских жителей; отсутствие начальника хозяина; жизнь обитателей* и др.;

б) отвл. субст. + одуш. собст. субст.: *покровительство батюшки Кирила Петровича; занятия Кирила Петровича; присмотр штабс-лекаря Тимошки; проворство Шабашкина; сумасшествие Дубровского; изображение Троекурова; торжество Кирила Петровича; грабительство Дубровского; распоряжения Маши; изображение Марьи Кириловны; разъезды и заботы*

*Дубровского; отсутствие Кирила Петровича; Верейского* и др.;

в) отвл. субст. + неодуш. нар. конкр. субст.: *удары топора; треск дерева; определение суда; течение ручья; решение уездного суд; начало нашей повести; звон тарелок и ложек; существование сумки; шум команды; внимание правительства* и др.;

г) отвл. субст. + отвл. субст.: *волнение мыслей; гонение судьбы; крики погони; волнение души; затеи ограниченного ума* и др.;

Синтаксическая семантика 2-го класса определений неоднозначна: в ней мы обнаруживаем признаки, свойства и атрибута, и субъекта, причем в ПСБРСУСО в форме одушевленных имен собственных и нарицательных субстантивов ярче семантика принадлежности – в форме неодушевленных конкретных и отвлеченных она выражена слабее.

3-й класс ПСБРСУСО (41 лингв. ед.) – с семантикой качественного или относительного признака, лица или предмета, названного в определяемом (распространяемом) субстантиве.

Анализируемые ПСБРСУСО в большинстве своем тождественны типичным согласованным определениям-прилагательным и без особого труда заменяются ими: *старик высокого роста – высокорослый старик; подобие жизни – жизненное подобие; жители Кистеневки – кистеневские жители; лист бумаги – бумажный лист; лучи солнца – солнечные лучи* и др. Часть ПСБРСУСО подвержены замене синонимичными им придаточными частями или причастными оборотами, что также подтверждает наличие в их семантике актуализированного атрибутивного компонента: *время пици и сна* – время, (какое?) (когда принимают пицу) и (когда спят); *тень надежды* – (которая дает надежду); (дающая надежду); *следы ссоры* – (оставленные от ссоры); (которые остались от ссоры) и др.



В данном классе ПСБРСУСО можно выделить следующие семантические разновидности (их семь):

а) отвл. сүбст. + отвл. сүбст.: порывы **пылкого нрава**; сила **физических способностей**; нетерпеливость и решительность **характера**; припадки **сумасшествия**; время **пищи и сна**; мечта **бедной молодости**; вид **ужаса и гнева**; подобие **жизни**; мир **семейственного счастья**; вид **торопливой благодарности**; чувство **великодушия**; ужас **ее положения**; отрада **печальной жизни** и др.;

б) неод. нар. конкр.сүбст. + отвл.сүбст.: знаки **подобострастия**; следы **ссоры**; предмет **тщетной его ярости**; пламя **страсти**; дни **счастья**; знаки **уважения**; место **назначенного свидания**; тень **надежды** и др.;

в) одуш. нар. конкр. сүбст. + отвл. сүбст.: люди **самого высшего звания**; старик **высокого роста**; мужчина **лет 50-ти**; человек **лет 35-ти** и др.;

г) неод. нар. конкр. сүбст. + неод. нар. конкр. сүбст.: лист **бумаги**; лучи **восходящего солнца** и др.;

д) неод. нар. собир. сүбст. + одуш. нар. конкр. сүбст.: товарищество **мужчин** и др.;

е) одуш. нар. конкр. сүбст. + неод. собст. сүбст.: жители **Кистеневки** и др.;

ж) отвл. сүбст. + неод. нар. сүбст.: дух **рома**; темнота **ночи** и др.

